

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

**БОСҚИНЧИЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИК
ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЧИШ, ТЕРГОВ ҚИЛИШ,
УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-
ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ
ЭТИШ**

АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2017

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р
юридик фанлар доктори Д. М. Миразов

М у а л л и ф л а р :

Д. М. Миразов, Р. Кабулов, Я. А. Абдулхаков, Ж. С. Мамасолиев,
Ж. С. Мухтаров, С. М. Селиманова, М. М. Каландаров, О. Д. Алланазаров,
У. К. Нуруллаев, М. Р. Чутбаев, С. М. Низамов, Қ. А. Саиткулов

Т а қ р и з ч и л а р :

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Малака ошириш факультети
профессори, юридик фанлар доктори, профессор **А. А. Хамдамов**;
Тошкент шаҳар ИИББ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи,
юридик фанлар номзоди **А. Ш. Умархонов**

Б 84 Босқинчилик ва талончилик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма / Р. Кабулов, Я. А. Абдулхаков, Ж. С. Мухтаров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 121 б.

Ушбу амалий-услубий қўлланмада босқинчилик ва талончилик жиноятларини фош этиш, тергов қилиш ва ушбу турдаги жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш, кечиктириб бўлмас ва кейинги тергов ҳаракатлари ҳамда босқинчилик ва талончилик жиноятларининг профилактикасини амалга ошириш борасида амалий маълумотлар ва тавсиялар берилган, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш каби масалалар атрофлича ёритилган.

Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашни амалга оширувчи амалиёт ходимлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, изланувчилари, тингловчи ва курсантларга мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)93/94я73

КИРИШ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, жинойтчиликка қарши курашнинг замон талаблари даражасида олиб борилишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу борада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳимоясини таъминлаш муҳим омил деб эътироф қилинди.

Жинойтчиликка қарши курашни амалга ошириш унинг оғир ва ўта оғир турларига қарши курашиш самарадорлигини ошириш билан бирга, юридик фан ва амалиёт олдига янгидан янги вазифалар қўймоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси: «Биз «Адолат – қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор»¹ деб таъкидлагани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жинойтчиликка қарши курашдаги асосий вазифаларини белгилаб беради.

Бугунги кунда мулкнинг ҳимоя қилиниши бирламчи аҳамият касб этиш билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг бир кўриниши тарзида намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳар қандай

¹ Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

мулкий ҳуқуқнинг бузилиши, хусусан, босқинчилик ва талончилик жиноятларида бўладиган ҳолатлар жисмоний шахсларда ишончсизлик, жамият аъзоларида кўрқув ҳиссини туғдиради. Бу ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, яъни жиноят қонуни нормаларини қўллашни тақозо этади. Қайд этиш жоизки, амалга оширилган ташкилий-ҳуқуқий чораларга қарамай, мазкур қилмиш умумий жиноятчилик тизимида жиддий ўрин эгаллайди.

Бундан ташқари, статистик маълумотларнинг таҳлили республикамизда босқинчилик ва талончилик жиноятларининг фош этилиши 2016 йилнинг биринчи чорагида 4,6 фоизга камайганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, терговдан тўхтатиб қўйилган жиноят ишлари ва очилмаган жиноятларнинг сони эса камаймасдан, йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Бу эса ички ишлар органларининг ушбу турдаги жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш бўйича етарли даражада малакага эга эмаслиги, далилларни аниқлаш ва тўплашга жиддий ёндашмаслиги, дастлабки тергов жараёнида тергов, тезкор-қидирув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бошқа хизматлар билан ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, криминалистик ва бошқа ҳисоблардан, мутахассислар ёрдамидан ўринли фойдаланмаслигининг оқибати ҳисобланади.

Мазкур қўлланма босқинчилик ва талончилик жиноятларини фош этиш ва тергов қилиш юзасидан амалга ошириладиган кечиктириб бўлмайдиган, бирламчи ва яқунловчи чора-тадбирларни, уларнинг сабаб ва шарт шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларига алоҳида эътибор қаратилган.

1-боб. БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДА АРИЗА ЁКИ ХАБАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Босқинчилик ҳақидаги ариза ёки хабарни қабул қилиш ҳамда расмийлаштириш тартиби

Содир этилган босқинчилик ва талончилик тўғрисидаги ариза ва хабарлар ички ишлар органларнинг навбатчилик қисмига асосан жабрланувчи ёки гувоҳларнинг алоқа воситалари орқали берган хабарлари, бевосита жабрланувчининг ариза билан муружаат қилиши натижасида келиб тушади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК)нинг 324-моддасига мувофиқ, шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки шаклда бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Оғзаки ариза баённомада қайд этилади. Баённомада арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, телефон рақамлари, шунингдек, шахсий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши керак. Башарти, арз қилувчи ҳужжат кўрсата олмаса, унинг шахси тўғрисидаги маълумотларни бошқа йўллар билан текшириш чораси кўрилиши керак.

Арз қилувчи жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу хусусида баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Сўнгра баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борича сўзма-сўз, акс эттирилади. Баённомани арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс имзолайдилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 7 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига мувофиқ, ёзма аризалар жиноятларни ҳисобга олиш китобида (1-шакл) қайд этилиши лозим. Сўнг аризачига навбатчи томонидан хабарнома қоғози берилиши керак.

Агар уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб содир этилган босқинчилик ва талончилик тўғрисидаги ариза (хабар) телефон орқали келиб тушган бўлса, ички ишлар органи тезкор навбатчиси

томонидан ариза (хабар) ҳодисалар тўғрисидаги бошқа хабарлар журналида (2-шакл) қайд этилади.

Босқинчилик тўғрисида хабар олинганида навбатчилик қисми навбатчисининг ҳаракатлари:

– воқеа содир этилган жойни, содир этилиш вақти, ҳолатини аниқлайди;

– жабрланувчи ҳақида, агар босқинчилик ва талончилик тўғрисида бошқа шахс хабар берган бўлса, у ҳақидаги анкета маълумотларини, жиноятни содир этган шахслар сони, уларнинг белгилари, қуроллари бор ёки йўқлигини ва қуролнинг тури, улар томонидан олиб кетилган буюмлар, жиноятчиларнинг баданида, кийимида, воқеа жойида қолдирилган излар, жиноятчилар яширинган бўлса, уларнинг кетган йўналишлари ва жабрланувчиларнинг ахволи ҳамда қаердалиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаб, зудлик билан ички ишлар бўлими бошлиғи ва юқори турувчи ички ишлар органи навбатчилик қисмига ахборот беради;

– хабарни аниқ вақти кўрсатилган ҳолда ўрнатилган тартибда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналига қайд этади;

– жиноятнинг «иссиқ изи»дан очилишини таъминлаш мақсадида, шароитдан келиб чиқиб, зудлик билан ҳодиса жойини кўриқлаш ҳамда жиноятни содир этган гумон қилинувчиларни ушлаш учун яқин ички ишлар органлари нарядларини, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати автоэкипажлари, профилактика инспекторлари, қишлоқ шароитларида эса ички ишлар органлари ходимлари етиб боргунига қадар маҳалла посбонлари ёки маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарларининг жалб этилишини таъминлайди;

– воқеа жойига зудлик билан ички ишлар бўлимининг тезкор-тергов гуруҳи (кейинги ўринларда матнда ТТГ деб юритилади)ни тўлиқ таркиб (терговчи (гуруҳ раҳбари), тезкор вакил, профилактика инспектори, эксперт-криминалист ҳамда кинолог)ни чиқариб юборади;

– воқеа жойида жабрланганлар бўлса, тез тиббий ёрдам гуруҳи боришини ташкиллаштиради;

– олинган хабар бўйича прокурорга, ички ишлар бўлими бошлиғи ва унинг ўринбосарларига, жиноят-қидирув бўлими бошлиғига ва юқори турувчи ички ишлар органлари навбатчилик қисмларига ўрнатилган муддат ва белгиланган тартибда ахборот беради;

– жиноят содир этган шахсларни ушлаш ёки уларнинг кетиши, яшириниши мумкин бўлган (темирйўл вокзали, аэропорт, автовокзал, аҳоли яшаш масканларидан чиқиш йўллари) йўналишларни тўсиш

чораларини кўради ва юқори турувчи ички ишлар органи навбатчилик қисми билан келишилган ҳолда тезкор-қидирув ва профилактик тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

– жиноят содир этган шахсларни аниқлаш мақсадида, ТТГ ва ички ишлар органларининг йўналишлардаги нарядлари билан доимий алоқада бўлиб, аризачи ёки хабар берган шахслар ва ТТГдан гумон қилинувчининг белгилари, яшириниш йўналишлари, ўғирлаб кетилган, фойдаланаётган транспорт воситаси, жиноят қуроли тўғрисида олинган маълумотларга асосланиб, ИИВ–ИИББ–ИИБ навбатчилик қисмлари, кўшни ички ишлар органи навбатчиси, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати автоэкипажлари, профилактика инспекторларига, реабилитация марказлари навбатчилари, жамоатчилик, маҳалла йиғинларига, посбонлар, даволаш муассасаларига (агар жиноятчи жароҳат олган бўлса) хабарномалар юборади;

– жабрланувчи даволаш муассасасига олиб кетилган бўлса, воқеа жойига ТТГни чақириш билан бир вақтнинг ўзида жабрланувчи ётқизилган даволаш муассасасига, жиноят тафсилотларини ўрганиш мақсадида, жиноят қидирув ходими ёки терговчи юборилишини таъминлайди;

– автомашинага босқинчилик ва талончилик содир этилиб, жабрланувчининг транспорт воситаси олиб қочилган ҳолларда, юқорида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, автотранспортнинг техник белгилари (кузови, ранги, мотори, давлат рақами белгиси, ёқилғи миқдори, автомашинанинг пачоқланганлиги ва ҳоказолар)ни аниқлайди ҳамда жиноятчини ушлаш ва автомашинани қидириб топиш бўйича «Тўсиб ушлаш» режасини эълон қилади;

Масалан, 2017 йил 7 апрелькуни, тахминан соат 22-20 ларда, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 175-уйда яшовчи, «киракашлик» билан шугулланувчи, 1981 й.т., Қ.Х. бошқарувидаги, «Камина Транс Сервис» МЧЖга тегишли, «Нексия» русумли, 01 392 ТТЭ давлат рақамли автомашинасида, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, «Қуйлиқ» дехқон бозори олдидан Қибрай тумани, Янгиобод ҚФЙ, «Чингелди» қишлоғида жойлашган маршруткаларни охирги шох бекатигача олиб бориб қўйишни, 10.000 сўмга келишиб, манзилга етиб келган вақтда, улар ўтқир тигли жисм билан Х.Қ.ни қўрқитиб, автомашинадан 150.000 сўм пул ва «Самсунг» русумли уяли телефонини олиб, Х.Қамчиевни уриб тушириб юбориб машинани номаълум томонга ҳайдаб қочиб кетишган.

– агар жиноятни содир этишда гумон қилинувчи шахс (шахслар) қуролланган бўлса, ИИВ–ИИББ–ИИБ ёки Ўзбекистон Республикаси

ИИВ навбатчилик қисмлари орқали уларнинг раҳбариятидан қўшни шаҳар-туманлар ҳудудларида жиноятчи бўлиши, яшириниши эҳтимоли бўлган криминоген ҳудудларда қуролланган ва хавфли жиноятчиларни аниқлаш ва қуршовга олиш бўйича эълон қилинган махсус режани амалга киритишни сўрайди;

– агар жиноят содир этишда ҳарбий хизматчиларнинг иштироки борлиги аниқланса, бу ҳақда ҳарбий прокурор, ҳарбий комендатурага, улар бўлмаган жойларда муҳофаа ишлари бўлимига хабар беради;

– ТТГ раҳбаридан ушбу жиноят тўғрисидаги маълумотномани ўрнатилган тартибда олиб, тегишли китобда аниқ вақтини кўрсатиб, рўйхатдан ўтказгач, ички ишлар идораси бошлиғининг имзоси билан юқори турувчи ички ишлар органи навбатчилик қисмига юборади;

– тезкор навбатчи кейинчалик ички ишлар органи раҳбарининг кўрсатмаси ҳамда намунавий режага асосан белгиланган тартибда функционал вазифаларини бажаришни давом эттиради.

2-§. Босқинчилик жиноятлари бўйича тергов-тезкор гуруҳининг вазифалари

Тезкор-тергов гуруҳи таркибига терговчи, тезкор ходим, эксперт-криминалист (зарур ҳолларда бошқа мутахассислар) ва хизмат ити билан кинолог киради. Кинолог ёрдамида жиноятни тергов қилиш учун муҳим ҳолатларни аниқлаш, жиноятчиларни «иссиқ излар» бўйича ушлаш мумкин.

ТТГ раҳбари – терговчи тезкор навбатчидан содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарни олганидан сўнг, ТТГ таркибига йиғин эълон қилиб, тезкор навбатчи билан бирга ТТГ аъзоларининг тайёргарлиги ва уларнинг тўлиқлигини текширади, ТТГ аъзоларига содир этилган жиноят бўйича маълумотларни етказди, тезкор навбатчидан ариза (хабар)ларни қайд этиш 2-шакл журнали ёки 1-шакл китобида қайд этилган рақамни олиб, ҳодиса жойига чиқишни ташкил қилади.

Терговчи ҳодиса жойига келиб, содир этилган жиноят ҳақидаги дастлабки маълумотларни ўрганади, ТТГ аъзолари: тезкор ходим, профилактика инспектори, ЭКБ мутахассиси ва кинологнинг вазифаларини белгилайди. Босқинчилик жинояти аксарият ҳолларда ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли усулларда содир этилиши сабабли аввало жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш масаласи ҳал қилиниши лозим.

Дастлабки чоралар тизимида навбатчи юборган ТТГ томонидан ҳодиса жойида амалга ошириладиган ишлар катта аҳамият касб этади. Гуруҳнинг ҳодиса жойидаги ҳаракатлари, биринчи навбатда, иш бўйича жиноят белгилари ва изларини, гумон қилинувчи шахсларнинг ўзига хос белгиларини, гувоҳларни ва исботловчи аҳамиятга эга бошқа объектларни аниқлашга йўналтирилган дастлабки тергов-тезкор чоралар мажмуини ўзида акс эттириши лозим. ТТГнинг ҳар бир ходими босқинчилик ва талончилик жойида амалга ошириши лозим ҳаракатларини аниқ билиши катта аҳамиятга эга.

Босқинчилик ҳолати бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни қидирув итини қўллашдан бошлаш зарур, чунки бу жиноятчиларнинг ҳодиса содир бўлган жойдан қайси томонга йўналганлигини аниқлаш имконини беради.

Терговга қадар текширув босқичида кинолог-инспекторнинг ҳаракатлари. ТТГнинг ҳодиса жойида хизмат итларидан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ кинология хизматининг хизмат фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш тўғрисидаги қўлланмани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Терговга қадар текширувда иштирок этаётган инспектор-кинолог қуйидагиларни бажаради:

1) қидирув итидан фойдаланишга имкон берадиган турли излар ва нарсалар (бошланғич нуқталар)ни излаш;

2) қидирув ити билан бирга жиноятчининг «иссиқ изидан» таъқиб қилишда иштирок этиш;

3) шахс ва нарсаларни «таниб олиш» учун хизмат итидан фойдаланиш;

4) ҳид манбалари бўлган нарсаларни зичлаб қадоқлаш;

5) жиноятчилар яшириниши ва ўғирланган нарсалар яширилиши мумкин бўлган жойлар – биноларнинг ертўлалари, чордоқлари, қулфланмаган омборхоналар ва саройларни текширишда хизмат ити билан қатнашиш;

6) тергов-тезкор гуруҳи иштирокчиларига аниқ ифодаланган алоҳида белгиларга эга пойафзалнинг излари, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин нарсалар топилгани ҳақида хабар бериш;

7) қидирув ити қўлланилганлиги тўғрисида далолатнома тузиш.

Тезкор ходим қидирув ити ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб кинолог билан бирга бориши лозим, чунки йўл бўйлаб жиноятчига тегишли буюм ва нарсалар ҳамда яширилган мулкни топиш эҳтимоли юқори бўлади.

Ушбу тадбир тугагач, жиноятчилар кетиши мумкин бўлган йўналиш ҳақидаги тусмол батафсил ўрганилиши керак. Ана шу мақсадда мазкур ҳудуддаги фуқаролар билан сўраб-суриштириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ушбу чоралар жиноятчиларнинг ташқи қиёфаси, сони, улар фойдаланган транспорт воситасининг тури ҳамда жиноятнинг очилиши учун муҳим бошқа ҳолларни аниқлашга ёрдам беради.

Босқинчилик жиноятлари юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш бўйича тезкор ходимнинг вазифалари. Босқинчилик жиноятини очиш қилмиш содир этилган ҳудудда жиноятчиларни «иссиқ изидан» аниқлаш ва қўлга олишга қаратилган дастлабки тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш билан бошланади.

Жиноятчиларни аниқлаш ва қўлга олиш бўйича тезкор ходимлар қуйидаги йўналишларда тезкор-қидирув тадбирларини олиб борадилар:

– ҳодиса содир бўлган жойдан кетиб яширинган жиноятчиларни аниқлаш ва қўлга олиш;

– жиноятни очиш, жиноятчилар ва талон-торож қилинган нарсаларни қидиришда бошқа ички ишлар органларининг тегишли хизматларини жалб этиш;

– жиноят содир этилган, талон-торож қилинган нарсалар сотиладиган жойларни ва аҳоли пунктини тўсиш;

– рўйхатда турувчиларнинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини текшириш.

Ҳодиса жойидан яширинган жиноятчиларни аниқлаш ва қўлга олиш йўналишида тезкор ходимлар қуйидагиларни амалга оширадилар:

– ҳодиса жойига туташ ҳудудни, жиноятчиларнинг тахминий келган ва кетган йўналишларини кўздан кечириш;

– жабрланувчи ва воқеа шоҳидлари билан сўров ўтказиш;

– содир бўлган ҳодиса юзасидан қўшимча маълумотларни аниқлаш мақсадида гувоҳ ва воқеа шоҳидларини топиш учун хонадон ва ҳовлиларни кўриб чиқиш;

– жиноятчиларни «иссиқ изидан» таъқиб қилиш;

– жиноятчилар пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларга тезкор ва бошқа ходимларни юбориш.

Жабрланувчи ва воқеа шоҳидлари билан сўровни ҳодиса жойини кўздан кечириш билан бир вақтнинг ўзида ўтказиш мақсадга мувофиқ, бу, ўз навбатида, айбдорларни фош этишда жиноятчиларнинг излари ва ашёвий далилларни аниқлаш ва сақлаш имконини беради.

Жабрланувчи билан ўтказилган сўровда қуйидагилар аниқла-ниши керак:

– босқинчилик ва талончилик ҳужумининг содир этилган вақти;
– жиноятчиларнинг кириш усули (масалан, турли коммунал тўловларни йиғувчи тариқасида, бошқа манзилни излаб юрган шахс сифатида ва бошқалар);

– жиноятчиларнинг сони ва уларнинг ташқи кўриниш белгилари (масалан, никобининг кўринишлари: спорт шапкаси, аёллар пайпоғи (чулки), қўлбола ва эркин сотувдаги маскалар ва х.к.);

– қаердан келганлиги ва қаерга яширинганлиги;

– қандай мулк талон-торож қилинганлиги ва унинг белгилари;

– жиноятчилар транспорт воситасидан фойдаланган-фойдаланмаганлиги, агар фойдаланишган бўлса, қандай турдаги транспорт воситаси;

– қўлланилган зўравонликнинг белгилари;

– қуролдан фойдаланилган-фойдаланилмаганлиги, агар фойдаланилган бўлса, қандай қуролдан (масалан, ўқотар қурол, ошхона пичоғи, миллий пичоқ, пакки, «финка» ва бошқалар).

– ҳужум вақтида жиноятчилар ўзаро нималар дейишгани, қандай шевада гаплашгани, уларнинг исми, тахаллуси, ташқи кўриниши, ёши, миллати, кийими, бўйи ва бошқалар;

– уйда нақд пул ва бошқа қимматбаҳо нарсалар борлиги ҳамда сақланиш жойини кимлар билиши мумкинлиги;

– жиноят содир этилишига қадар ушбу ҳудудда ҳаракатлари шубҳали шахслар бўлган ёки бўлмаганлиги ва ҳоказо.

Агар хонадонда домофон ва кузатув камералари (хонадон атрофидаги уйлар ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг камералари) мавжуд бўлса, улардаги маълумотларни албатта текшириш керак.

Ушбу ҳолатларнинг аниқланиши жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларнинг доирасини торайтириш ва уларни тегишли ҳисоблардан текшириш имконини беради.

Барча ҳолатларда босқинчилик ва талончилик содир этилганидан сўнг, қисқа вақт ўтган бўлса, жиноятчиларни «иссиқ изидан» таъқиб қилишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноятчиларнинг ташқи белгилари аниқ бўлса, уларнинг тахминий пайдо бўлиши мумкин жойларда (вокзал, автовокзал, кафе, аэропорт, бозор ва ш.к.лар) қўлга олиш бўйича тезкор тадбирлар амалга оширилади.

Дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари натижасида қўлга киритилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

– тегишли ҳисоблардан ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган бармоқ излари, ўқ гильзалари, жиноят содир этиш усули, аён бўлган лақабларни текшириш;

– жиноятчилар томонидан талон-торож қилинган нарсаларнинг белгилари тўғрисидаги маълумотларни «В» қидирув шаклидаги ахборот-қидирув карталарини тўлдириб, ўзига хос белгиларга эга бўлган мулк тўғрисидаги маълумотларни ТИИБ-ИИБнинг Ахборот марказларига ҳисобга қўйиш учун юбориш;

– босқинчилик ва талончилик ва талончилик учун муқаддам судланган шахсларнинг фото суратларини жабрланувчилар ва шохидларга кўрсатиш, фоторобот ёки рассом ёрдамида портрет тузиш. Уларни видеотекада мавжуд бўлган материаллар билан таништириш;

– тезкор-қидирув, профилактик ҳисобларда турган ва бундай жиноятларни содир этишга мойил шахсларни текшириш;

– жиноятчиларнинг қидируви ва талон-торож қилинган мулкнинг белгилари бўйича яқин атрофда жойлашган ИИБ ёки ТИИБ шахсий таркибини хабардор қилиш;

– ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларга қўшимча куч ва жамоатчилик вакилларини жалб этиб, уларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар бериш.

Агар бу жиноят «иссиқ изидан» очилмаса, тезкор ходим тезкор-қидирув ишини юргизади, жиноятни очиш бўйича ўтказиладиган чора-тадбирлар режасини тузади ва уни ИИБ ёки ТИИБ бошлиғига тасдиқлатади.

Йиғилган маълумотлар таҳлили асосида жиноятни очиш бўйича режада жиноятчиларнинг ташқи қиёфаси тўғрисидаги маълумотлар, ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган излар ва бошқа ашёвий далилларнинг тадқиқоти натижалари жиноятга алоқадор шахсларни аниқлаш учун ҳисобга олиниб, улар асосида тегишли тусмоллар ишлаб чиқилади ва уларни текшириш бўйича умумий чора-тадбирлар белгиланади.

Тусмолларни текшириш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– ҳодиса содир бўлган ва унга туташ ҳудудларни қайта текшириш;

– очилмай қолган босқинчилик ва талончилик ёки талончилик жинояти бўйича ҳаракатда бўлган ёки архивда сақланаётган ўхшаш йиғмажилдларни ўрганиш;

– тезкор ҳисоблар бўйича ўтаётган шахсларнинг алибисини текшириш;

- патруль-пост хизмати нарядларини хабардор қилиш;
- жамоатчилик ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланиш;
- тегишли ҳисоблардан шунга ўхшаш очилмаган босқинчиликка доир маълумотларни олиш;
- ЖИЭМ билан ҳамкорликда тегишли ишларни амалга ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга. Агар жиноятчиларнинг ҳаракат йўналиши олдиндан маълум бўлмай, кейин аниқланса, ҳодиса жойининг ён-атроф, ҳудудни қайтадан текшириш лозим. Қайта текшириш жиноятчи ва жабрланувчига тегишли излар, предметларни аниқлаш имконини беради.

Фуқароларни қайта сўров қилишдан мақсад жиноят гувоҳлари ҳамда жиноятчи ва бошқа ҳолатларга доир маълумотларга ойдинлик киритишдир. Очилмай қолган босқинчилик ва талончилик ва талончиликка оид материалларни ўрганиш орқали ушбу жиноятлар бошқа жиноятларга ўхшашлигини аниқлаш мумкин. Ўхшашликларни аниқлаш жиноятнинг очилишини енгиллаштиради.

Жиноятчиларнинг ташқи кўриниши ва талон-торож қилинган нарсаларнинг белгилари бўйича аниқлик киритилган маълумотларни тегишли хизмат ходимларига етказиш жиноятни очишни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашади.

Ҳисобда турган шахсларнинг алибисини текшириш орқали уларни жиноят содир бўлган вақтда қаерда бўлганлиги, ким буни тасдиқлаши, уларда талон-торож қилинган нарсаларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш мумкин.

Агар жиноят содир этган қидирувдаги шахсларнинг қайтадан жиноят содир этиш эҳтимоли тўғрисида асослар бўлса, жиноят содир этилиши мумкин бўлган жойларда тезкор хизматларнинг имкониятидан фойдаланиб, тегишли тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади ва зарур ҳолларда пистирма кўйилади.

Агар босқинчилик ва талончилик қурол ишлатиш билан содир этилса, жиноятчини қўлга олиш бўйича махсус операция ўтказилади.

Босқинчилик ҳолати бўйича терговга қадар текширув даврида профилактика инспекторининг ҳаракатлари. Босқинчилик жинояти ҳақидаги хабар дастлаб профилактика инспекторига келиб тушганда у дарҳол бу ҳақда ҳар қандай алоқа воситалари (рация, телефон ва бошқа алоқа воситалари) орқали ИИБ навбатчилик қисмига хабар бериб, зудлик билан унга ёрдам кўрсатаётган кўнгилли маҳалла фаоллари, маҳалла посбонлари ёхуд мазкур ҳудудда профилактика

инспектори билан ҳамкорликда хизмат олиб бораётган бошқа хизмат ходимлари (пост-патруль ва жамоат тартибини сақлаш хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, ёнғин хавфсизлиги хизмати) билан ҳодиса жойига етиб боради.

ТТГ етиб келгунига қадар профилактика инспектори маъмурий ҳудудда хизмат қилаётган бошқа ходимларни жалб қилган ҳолда жиноят излари йўқолиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳодиса жойини кўриқлаш ишларини ташкил этади, содир этилган жиноятнинг асл ҳолатини сақлаб қолишни таъминлаш учун ҳодиса жойига (уй-жойга) ҳеч кимни киритмайди, хонадон эгаларини зарур бўлмаганида уйдаги ҳолатни ўзгартирмасликлари ва хонада ортиқча ҳаракат қилмасликлари тўғрисида огоҳлантиради.

ТТГ етиб келгунча, жиноят натижасида жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади ва зарур бўлса тез тиббий ёрдамни чақиради. Гувоҳлар, воқеа шоҳидлари, гумон қилинувчилар, ашёвий далиллар ва босқинчилик ва талончилик ҳолати бўйича бошқа маълумотларни аниқлайди.

Масалан, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 6 март куни соат 20 дан 30 дақиқа ўтганда Эркинлик кўчасида яшовчи, ишламайдиган, муқаддам судланган, 1980 й.т. Х.М. уйида таниши, 8-А даҳада яшовчи, 1981 й.т. У.А. билан шу ерда бўлган таниши, Шайхонтоҳур тумани Ал-Хоразмий кўчаси 43-уйда рўйхатда туриб, вақтинча Сергели тумани 8-даҳада яшовчи, ишламайдиган, 1982 й.т. А.К.ни босқинчилик ва талончилик мақсадида пичоқ билан қўрқитиб, танасининг турли жойларига уриб-тепиб тан жароҳати етказиб воқеа жойидан яширинганлар. Профилактика инспектори ва ЖК ва ТҚКБ ходимлари томонидан кўрилган тезкор-чоралар натижасида Х.М. ва У.А. ушланган.

ТТГ етиб келганда гуруҳ раҳбарига ахборот бериб, гувоҳлар, воқеа шоҳидлари, гумон қилинувчилар, ашёвий далиллар ва босқинчилик ва талончилик ҳолати бўйича маълумотларни тақдим этади.

Босқинчилик жинояти ҳақидаги хабар профилактика инспекторига ИИБ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси томонидан берилганда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– ҳодиса жойида дастлабки суриштирув ишларини олиб бораётган ТТГ раҳбарига учрашади ва ундан тегишли маълумотларни олади;

– ТТГ раҳбарининг топшириғига биноан маҳалла посбонлари, ҳудудда хизмат олиб бораётган ППХ ходимларига жиноятни очиш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб беради;

– ТТГ раҳбарининг топшириғига кўра ҳодиса жойига яқин жойлашган хонадонларда яшайдиган, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган фуқаролар орасида суриштирув ишларини олиб боради ва зарур ҳолларда суриштирилган фуқаролардан тушунтириш хатлари олади;

– ТТГ раҳбарининг топшириғи асосида муқаддам зўрлик ишлатиб содир этган талончилик, босқинчилик ва талончилик жиноятлари учун судланган ва ички ишлар органлари таянч пунктида профилактик ҳисобда турувчилар билан суриштирув ишларини олиб боради ва улардан тушунтириш хатлари олади;

– ТТГ раҳбарининг кўрсатмаси билан гумон қилинувчилар билан суҳбат ўтказиб, жиноят содир этилган пайтда уларнинг қаерда бўлганини аниқлайди, улар берган кўрсатувларини текширади ва зарурат бўлса, улардан тушунтириш хатлари олади;

– гумон қилинувчиларни суҳбат учун ТТГ раҳбари олдига олиб келади.

У ТТГ раҳбарининг топшириғига биноан босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштиришда ёрдам кўрсатади. Бу асосда тўплаган тушунтириш хатлари ва бошқа маълумотларни етказди, барча гумон қилинувчи шахсларни ТТГ раҳбарига суҳбатга таклиф этади, ўз тасарруфидаги барча маълумотлар тўғрисида билдирги орқали ахборот беради.

Маъмурий ҳудудда содир этилган босқинчилик ва талончилик жинояти юзасидан амалга оширилган ишлари юзасидан ИИБ бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

Жиноят бўйича суриштирув ишларини олиб бориш жараёнида профилактика инспектори ўз эътиборини муқаддам босқинчилик, талончилик, безорилик, уй-жойлардан содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятлари учун судланган, профилактик ҳисобда турган, маъмурий назорат остидаги, узоқ вақтдан буён ҳеч қаерда ишламаётган, енгил ҳаёт кечирувчи фуқароларга қаратади.

Масалан, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида 2017 йил 14 январь соат 14.00ларда яшаш ва ишлаш жойини тайини бўлмаган, 1988 й.т. А.И. таниши Рамадон МФЙ Қатортол кўчасида яшовчи, нафақахўр, 1957 й.т. Г.Шни уйига келиб, танасининг турли жойига уриб жароҳат етказиб, «Нокия» мобиль телефонини тортиб олиб воқеа жойидан қочиб кетган.

Натижада Г.Ш.ни касалхонада тиббий ёрдам кўрсатилган. Профилактика инспектори ходимлари томонидан кўрилган тезкор-чоралар натижасида А.И. ушланган.

Зарур маълумотларни йиғиш учун профилактика инспектори ишончли шахслар, посбонлар, сардорлар, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни кучайтириши, олинган маълумотларни чуқур таҳлил этиб, ўз вақтида терговчига тақдим этиши керак. Шу билан бирга, қуйидаги йўналишларда профилактик фаолиятни олиб бориши лозим:

– босқинчилик ва талончилик жиноят содир этилган ҳудуддан олинган тезкор вазиятга салбий таъсир кўрсатувчи хабарлар ижроси юзасидан, имкониятидан келиб чиқиб ўзи ёки тезкор хизматлар билан ҳамкорликда махсус тадбирлар ўтказиш;

– жиноятларни очиш мақсадида мустақил равишда рейдлар ўтказиш, эълон қилинадиган (*«Антитеррор-Тозалаш»*, *«Арсенал»*, *«Орият»* ва бошқа) махсус тадбирлар даврида ички ишлар органлари таянч пункти кесимида жамоатчилик, давлат ва нодавлат ташкилотлари, соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда махсус профилактик тадбирларни амалга ошириш;

– ҳудудда ўтқинчи, вақтинча яшаётган ёки ишлаётган фуқаролар орасидан жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаш, етарлича ахборот олиш (*жойлар, шахслар ҳақидаги*), улар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориш;

– ҳудудда доимий яшаётган ёки ишлаётган фуқаролар орасидан жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга профилактик таъсир ўтказиш;

– жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларнинг хулқ-атвори, ёши, жинси, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллик даражасига (*бир неча тоифага мансуб, хавфли гуруҳларга, маъмурий назорат қонуни таъсирига тушувчи, рецидивист, ахлоққа, ёшларга, конституцион тузумга қарши, диний экстремист ва ҳоказолар*) қараб профилактик суҳбатлар, профилактик, тезкор профилактик ишловлар ўтказиш;

– профилактика давомида амалга оширилган ишлар натижаларни профилактик варақаларда, профилактик йиғма жилдларда акс эттириш;

– ижтимоий хавфли аҳволда ёки жиноят қурбони бўлиши мумкин бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш, уларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ёки жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин жойларни, камчилик ва сабабларини аниқлаш, уларга ижобий профилактик таъсир чораларини кўриш;

– жиноят содир этилган ҳудудда, хонадонларда, ташкилот, корхоналарда барча турдаги ахборот манбалари, давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, марказлар, жамоат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва бошқа профилактик ишларни юритувчи субъектлар ёрдамида ижтимоий хавфли аҳволда ёки жиноят қурбони бўлиши мумкин бўлган шахсларни, жойларни, шарт-шароитларни аниқлаш.

Босқинчилик жиноятлари юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида ЭКБ мутахассис-криминалистининг вазифалари

Эксперт-криминалист ҳодиса жойини кўздан кечиришда қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

– ТТГ билан воқеа тафсилотини ўрганиб, ишни қандай бошлаш кераклигини белгилаб олади;

– терговчи билан келишган ҳолда кинолог итини қўйиши учун ҳодиса жойида қолган оёқ изларини аниқлаб, кинологни хабардор қилади, оёқ ва бошқа жиноят изларининг йўқолиб кетишининг олдини олиб, итни қўйиш жойини белгилайди;

– ҳодиса жойини, фотосуратга олиш қоидаларига асосланган ҳолда, фотосуратга, зарурат бўлса, видео тасвирга олади;

– ҳодиса жойида жиноятчи теккан ҳар бир буюм ва нарсаларда бармоқ изларини қидиради, ушбу бармоқ изларини скотч плёнкасига кўчириб олишдан олдин видеокамера ёрдамида суратга олади (скотч плёнкасига кўчириб олиш вақтида қўл-бармоқ излари юзанинг текис бўлмаганлиги сабабли яхши кўчмаслиги мумкин), оёқ изларини олдин фотосуратга олиб, кейин керакли усул ёрдамида кўчириб олади, жиноятчи теккан, лекин ҳодиса жойида қўл бармоқ изларини топиб кўчириб олиш қийин бўлган буюмлар (қора полиэтилен пакетлари, юзаси текис бўлмаган қутилар, пластмасса, чармдан тайёрланган буюмлар, ялтироқ темир буюмлар)ни махсус печда елим ёрдамида ишлов бериб, бармоқ изларини топиш учун тўғри кадоқлайди, қон доғларидан суртмалар, жиноятчи соч толалари ва тана қолдиқлари жабрланувчининг тирноқлари орасида бўлса, олади;

– ҳодиса жойида фоторобот тузиш имконияти бўлса, уни тузади;

– тўпланган далилий ашёларни ўралган ҳолда терговчига топширади;

– жиноятни «иссиқ изидан» очишда зарур («АДИС-СОНДА» базасидан текшириш учун дактилоскопик, трасологик ва бошқа) керакли турдаги тадқиқотлар ўтказиш учун терговчига ҳодиса жойида қарор қабул қилиш кераклигини эслатади.

Ҳозирги кунда ИИБ Эксперт криминалистика марказида «ПАПИЛОН» «АДИС», «АСИЛ» дастурларидан самарали фойдала-

нилмоқда. Улар орқали дактилоскопик, оғзаки портрет экспертизалари ўтказилади.

Терговчининг дактилоскопик экспертизаларни туман ЭКБ мутахассисларига топшириш билан чекланмасдан, ушбу турдаги экспертизаларни вилоят ва вазирлик ЭКМ доирасида ўтказиши ва республика «АДИС-СОНДА» базасида ҳодиса жойидан олинган бармоқ изларини текширтириши жиноятнинг очилишига самарали таъсир кўрсатади.

Эътиборлиси шундаки, жиноят содир этиш усули, тажовуз жойи ва жиноятчи қайси йўналишда яширинганини фақат жабрланувчи (ёки гувоҳ, воқеа шоҳиди) кўрсатиши мумкин. Шунинг учун уни жиноят жойига олиб чиқиш ёки кўздан кечиришнинг дастлабки босқичида бевосита иштирок этишининг ҳар қандай имкониятларидан фойдаланиш лозим.

Ҳодиса жойидаги умумий объектлар орасидан жиноятчи тушириб қолдирган ёки ташлаб кетган буюмларни ажратиб олиш керак. Бундай объектлардан бармоқ ва кафтнинг папилляр нақшлари ҳамда ҳид ва микрообъектларни топиш ва олиш мумкин.

Масалан, номаълум шахслар томонидан жабрланувчи Г.нинг уй-жойига кириб содир этилган босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича ТТГ ҳодиса жойи кўздан кечириши жараёнида эксперт-криминалист жиноятчилардан бири тушириб қўйган темир зажигалкани топиб олган. Зажигалкада идентификация қилиши учун яроқли бўлган бармоқ излари аниқланган, бироқ дактокартотека бўйича ўтказилган текширув ижобий натижа бермаган. Шу боис, жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ, жиноят иши бўйича зарур тергов ҳаракатлари ўтказилиб, мазкур жиноят ишига доир дастлабки тергов тўхтатилади.

Маълум вақт ўтгач, ўзганинг мол-мулкани ўғирлаш факти бўйича фуқаро Н. ушланган, ўтказилган текширувлар натижасида босқинчилик ва талончилик ҳужуми содир этилган жойда қолдирилган темир зажигалкадаги бармоқ изи айнан унга тегишли экани аниқланган. Мазкур жиноят иши бўйича ўтказилган дактилоскопик экспертиза босқинчилик ва талончилик содир этиш жараёнида қолдирилган бармоқ изининг фуқаро Н. га тегишлилигини тасдиқлаган.

Ушбу ҳолат айбланувчи Н.нинг нафақат бу жиноятларни содир этганлигига тўлиқ иқрор бўлишига, балки бошқа бир қатор оғир жиноятлар содир этган шерикларига нисбатан кўрсатув беришига ҳам сабаб бўлган.

Уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятларини тергов қилишда ҳужум ёки кўрқитиш воситаси сифатида фойдаланилган предметлар жиноят жойидан анча узоқ масофада топилиши мумкинлигини назарда тутиш лозим. Шунинг учун жиноят содир этганидан сўнг жиноятчи уларни ташлаши, бекитиши мумкин бўлган ҳодиса жойига туташ ҳудудларни, жиноятчининг жиноят содир этгандан сўнгги ҳаракатланиш йўналишини инобатга олган ҳолда кўздан кечириш катта аҳамият касб этади.

Жабрланувчиларнинг фаол қаршилигини енгиш билан боғлиқ босқинчилик ва талончилик содир этилганида воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида қон излари, соч, кийим қисмлари (тугмалар, белбоғлар, иплар ва ҳ.к.), камдан-кам ҳолларда шахсларнинг индивидуал ҳидини, шунингдек, микрообъектларни – ўзаро алоқа изларини аниқлаш имконини берадиган жабрланувчи ва жиноятчининг шахсий буюмлари (тароқ, рўмолча, йўл чипталари, ҳужжатлари, газ балончалар ва бошқ.) топилади.

Ҳодиса жойидан жиноят изларини олишда жабрланувчининг баданида ёки кийимларида, шунингдек, жиноятчининг теваарак атрофдаги предметларга тегиши натижасида ҳосил бўлган излар бўлиши мумкинлигини ёдда тутиш лозим. Шу боис ҳодиса жойини кўздан кечираётганда, кейинчалик солиштириб кўриш учун (масалан, тупроқ, ўсимликлар, қурилиш чиқиндилари, қириндилар, бўёқ қопламалари ва ҳоказолардан), намуналар олинади.

Автоулов ҳайдовчисига нисбатан содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятини фош этишда эксперт-криминалист фаолиятининг аҳамияти катта. Бунда мутахассис-эксперт бир қанча ишларни амалга оширади. Жумладан, жойни визуал кўздан кечиради, яъни автоуловнинг ҳолати (эшиклари ва капотлари очиқ ёки ёпиқлиги, ойналарининг бутунлиги, автоуловнинг жойлашган жойи ва уни жойдаги кўзғалмас объектларга нисбатан ҳолати ва бошқалар)ни синчиклаб ўрганади.

Эксперт-криминалист ҳодиса содир бўлган жойни қуйидаги усуллар орқали фотосуратга ва видеотасвирга туширади:

- ҳодиса содир бўлган жойни дастлаб панорама усулида;
- содир этиш фактлари бўйича масштабли усулда.

Босқинчилик жиноятлари содир этилган жойларда қуйидаги изларнинг ҳосил бўлиши хосдир:

1) ҳодиса жойида янги, олдин мавжуд бўлмаган изларнинг пайдо бўлиши. Ушбу тоифадаги изларга қуйидагилар киради: қўл излари; пойабзал излари; транспорт воситаларининг излари; қўлқоп; тишлаш

излари; бузиш қуролларининг излари; жиноят содир этиш қуроли; сигарета қолдиқлари; ҳид излари; сперма; тупук ва сўлак; соч толалари; ўқотар қурол ишлатилган бўлса, отиш излари ва бошқалар;

Масалан, ИИБ ЭКМнинг 2017 йил 10 мартдаги 222-сонли баллистик экспертизаси хулосасига асосан, 2017 йил 01 февралда тунги соат 02:00 ларда Самарқанд вилояти Жом тумани Олтинсой ҚФЙ 1 уй 2 хонадонга ниқобга ўранган 3 нафар номаълум шахс фуқаро Б.Б.ни уйига ойна орқали бостириб кириб, Б.Б.га ва унинг оиласига нисбатан куч ишлатиб тилла тақинчоқ, пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни беришини талаб қилган. Б.Б. талабни бажармаганлиги учун номаълум шахсларнинг бири шифт (потолок)-га караб бир маротаба ўқ узган. Баллистик тадқиқоти натижасига кўра фуқаро Б.Б. ни уйини кўздан кечириш даврида тадқиқотга тақдим этилган бир дона гильза ва ўқ ТТ русумли тўппончадан отиш учун мўлчаланган 9 мм патрон аниқланган.

2) олдин ҳодиса жойида ва ҳодиса содир бўлганидан сўнг йўқолган буюмлар излари: жиноятчилар ўзи билан олиб кетган нарсалар, қимматбаҳо буюмлар жойлашган жойда қолган излар;

3) ҳодиса жойидаги ўзгаришлар: очилган ёки жойини ўзгартирган мебель, шкаф, темир қути, жиноятчининг озиқ-овқат ва ичимлик маҳсулотларини тановул қилиш излари ва бошқалар.

Юқорида кўрсатилганларнинг таҳлили асосида жиноятчиларнинг ҳодиса жойидаги ҳаракатлари моделлаштирилади. *Ушбу турдаги жиноятлар содир этилган жойларни кўздан кечиришнинг самарали ўтказилиши учун қуйидагилар муҳим омиллардир:*

1) кўздан кечиришга керакли мутахассисларни жалб этиш: мутахассис-криминалист, кинолог, суд-тиббий эксперти;

2) ҳодиса жойи чегараларини аниқлаш ва ушбу жойни тасма билан ўраш;

3) жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, зарурат бўлса уларни шифохонага жўнатиш. Агар кўрсатув бериш имкониятлари бўлса, жиноятчилар тўғрисида ахборот олиш;

4) жабрланувчилар шифохонада бўлса, кўрсатув олиш мумкин бўлган вақт тўғрисида хабар бериш ҳақида тиббиёт ходимларидан илтимос қилиш;

5) изларни сақлаш мақсадида ҳодиса жойидан бегона шахсларни четлаштириш;

6) изларни сақлаш чораларини кўриш;

7) ҳодиса шохидларини ўз вақтида сўроқ қилиш ва улардан жиноятчилар, жиноят ҳодисаси тўғрисида тўлиқ ахборот олиш;

8) тегишли тезкор режаларни ўз вақтида ишга тушириш.

Ушбу жиноятлар хонадонда содир этилган бўлса, кўздан кечириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

1. Агар ҳодиса жойида мурда бўлса, мурдани кўздан кечириш қоидаларига риоя қилиш талаб этилади.

2. Тергов учун муҳим вазифалардан бири – ҳодиса содир бўлган вақтни, мурда бўлса, ўлим содир бўлган вақтни аниқлаш керак. Бунда нафақат суд-тиббий экспертининг фикри, балки ҳодиса содир бўлган жойдаги изларга (газета, журнал, ёзувлардаги, турли чек, патта, терминал патталаридаги саналар) ҳам эътибор қаратиш керак. Ҳодисанинг яқинда содир бўлишидан далолат берувчи далиллар қуйидагилар бўлиши мумкин: чойнакдаги иссиқ сув, қуйилишга улгурмаган қон излари, жиноятчи томонидан қолдирилган тамаки маҳсулотларининг қуримаганлиги ва бошқалар.

3. Агар мурданинг позаси ва унинг кийимларида жинсий зўрлаш белгилари бўлса, номусга тегиш учун хос изларни ҳам қидириш керак.

4. Одамни бўғиш учун ишлатилган арқон ва бошқа шунга ўхшашларда тугун бўлса, мутахассис ёрдамида кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир.

5. Босқинчилик жинояти содир этилганлигини моделлаштириш орқали қўл изларини аниқлаш муҳимдир.

6. Яқин атрофдаги жойларни, айниқса, электр ҳисоблагич шкафлари, жиноятчининг кетиш йўллари ва йўлдаги ахлат ташлайдиган жойларда жиноят ҳодисасига алоқадор буюм ва нарсалар топилиб қолишига алоҳида эътибор қаратиш керак.

7. Айрим ҳолатларда жиноятчиларнинг олинган нарсаларни томга, ертўлага, омборхона, молхона ва шунга ўхшаш жойларга яшириб кетиш ҳолатлари ҳам учрайди.

8. Агар жиноятчи жароҳат олган бўлса, қон изларини аниқлаш муҳим. Шунинг учун кетиш йўллари, зинапоя, лифтлар синчковлик билан текширилиши керак.

9. Атроф-ҳудуднинг жойлашуви ва ҳодиса жойи суд фотографияси қоидалари бўйича фотосуратга олинади, бундай фотосуратни олишда панорама усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу турдаги жиноят содир этилган жойларни кўздан кечиришда ҳал этиладиган асосий масалалар:

- 1) содир этилган ҳодисанинг моҳиятини аниқлаш;
- 2) жиноят содир этиш қуролини аниқлаш;

3) жиноят изларини аниқлаш, қайд этиш ва имкон қадар изларнинг дастлабки тадқиқотлари орқали содир бўлган ҳодиса ҳолати ва жиноятчининг шахси тўғрисидаги ахборотларни тўплаш;

4) жиноятчининг шахси тўғрисида тусмоллар тузиш ва уларни текшириш, жиноятчини қидириш йўналишларини аниқлаш.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун қуйидагилар бажарилади:

– ҳодиса жойидаги, айниқса, жиноятчининг кириш ва чиқиш жойларидаги барча излар қидириб топилади, қайд этилади, олинади ва уларнинг дастлабки тадқиқоти ўтказилади;

– жиноятчининг танасида ва кийимларида қолиши мумкин бўлган излар аниқланади;

– жиноятчи томонидан ҳодиса жойида қолдириб кетилган барча нарса ва буюмлар қидирилади;

– жиноятчиларнинг ҳодиса жойга қандай келганлиги аниқланади.

Босқинчилик жиноятлари юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш бўйича терговчининг вазифалари. Терговчига босқинчилик ва талончилик тўғрисида ариза ёки хабар олинганлиги борасида хабар берилгач, ҳодиса содир бўлган жойга зудлик билан етиб борган терговчи жиноятнинг содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотларни имкон қадар терговга қадар текшириш ўтказишнинг йўналишларини белгилай оладиган даражада аниқлаштириб олиши мақсадга мувофиқдир. Бундай маълумотлар қаторига қуйидагилар киради:

– воқеа содир этилган жой;

– воқеа содир этилган аниқ вақт;

– қилмишнинг содир этилиш ҳолатлари;

– жабрланувчи ҳақида, агар босқинчилик ва талончилик тўғрисида бошқа шахс хабар берган бўлса, у ҳақидаги анкета маълумотлари;

– жиноятни содир этган шахслар сони, уларнинг белгилари, қуроллари бор ёки йўқлиги ва қуролнинг тури, улар томонидан олиб кетилган буюмлар;

– жиноятчиларнинг баданида, кийимида, воқеа жойида қолган излар;

– жиноятчилар яширинган бўлса, уларнинг кетган йўналишлари ва жабрланувчиларнинг аҳволи ҳамда қаердалиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тергов қилинган босқинчилик ва талончилик жиноятларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, терговга қадар текширув босқичида юқорида қайд этилганларнинг зудлик билан аниқланмаслиги, ҳодиса содир бўлган жойнинг етарли даражада пухта кўздан

кечирилмаслиги айрим ҳолатларда жиноят содир этган шахсларнинг аниқланмай қолишига ёки қисман аниқланишига сабаб бўлади.

Тезкор-тергов гуруҳи (ТТГ) ҳодиса жойига етиб келганидан кейин гуруҳ раҳбари – терговчи содир этилган жиноят ҳақидаги дастлабки маълумотларни ўрганиб, ТТГ аъзолари: тезкор ходим, профилактика инспектори, ЭКБ мутахассиси, кинолог ва ички ишлар органининг бошқа соҳавий хизматларига тегишли вазифаларни белгилаб бериши лозим.

Дастлабки чоралар тизимида ТТГ томонидан ҳодиса жойида амалга ошириладиган ишлар катта аҳамият касб этади. Гуруҳнинг ҳодиса жойидаги ҳаракатлари, биринчи навбатда, иш бўйича жиноят белгилари ва изларини, гумон қилинувчи шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини, гувоҳлар ва исботловчи аҳамиятга эга бошқа объектларни аниқлашга йўналтирилган дастлабки тергов-тезкор чоралар мажмуини ўзида акс эттириши лозим.

Босқинчилик содир этилганда уй-жойдаги ҳолат анча ўзгаради, ҳодиса жойида қўлланилган қурол ёки воситаларнинг, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг қўл ва оёқ излари, қон доғлари ва бошқалар қолади.

Жиноят содир этилган жой тергов қилинаётган жиноят ҳақидаги маълумотлар манбаи ҳисобланади, шу сабабли уни тезда текшириш лозим, ҳодиса жойини кўздан кечиришни чўзиб юбориш излар ва бошқа далилларнинг йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Жиноятчилар яширинганидан сўнг жабрланувчилар уй жиҳозларини жой-жойига қўйиб, ўзлари билмаган ҳолда жиноятчининг излари ва бошқа далилий ашёларни йўққа чиқарган ҳоллар ҳам учраб туради.

3-§. Босқинчилик жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва терговга қадар текширувни яқунлаш

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати бўлиб, жиноят белгиларига эга ходисанинг натижаларини мақсадга мувофиқ равишда фаол ўрганишдан иборат.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш изларни аниқланиш, тадқиқ этиш ва сақлашга доир зудлик билан чора қабул қилиш, жиноят оқибатларини қайд қилиш мақсадида ўтказилади.

Ҳодиса содир бўлган жой – маълум бир хонадон ёки очиқ жой бўлиб, айнан ўша жойда жиноятнинг белгилари ёки излари изланади.

Кўздан кечиришда қуйидаги асосий вазифалар амалга оширилади:

- жиноят содир этилган жойнинг ҳолатини аниқлаш;
- тергов учун аҳамиятли нарсалар ва изларни аниқлаш, қайд қилиш ва олиш;
- тергов ва қидирув тусмолларини тузиш;
- исботланиши лозим ҳолатларни аниқлаш;
- ушбу уй-жойга ғайриқонуний ҳужум қилиб, босқинчилик ва талончилик жинояти содир этиши мумкин бўлган шахсларни фош этувчи маълумотларни тўплаш.

Ҳодиса содир бўлган жойга келган терговчи қуйидаги ишларни бажариши керак:

- ҳодиса жойи қўриқланаётганлигини текшириши, агар қўриқланаётган бўлса, профилактика инспекторига қўриқлашни топшириши;
- агар жабрланувчи тиббий ёрдамга муҳтож бўлса, ёрдам кўрсатиши ва қайси тиббиёт бўлимига жўнатилганлигини ёзиб олиши;
- бегона шахсларни ҳодиса жойидан чиқариб юбориши;
- ҳодиса жойига биринчи бўлиб кинологни ити билан киритиши ва жиноятни фош этиш ҳамда жиноятчини «иссиқ изидан» қўлга олишни ташкиллаштириши;
- жиноят-қидирув ходимларига гувоҳларни аниқлашга оид топшириқлар бериши;
- экспертга жиноят излари, содир этиш қуроли, воситаларини, қўл ва оёқ изларини, олишув изларини (хонадаги тартибсизликлар, ҳар томонга отилган буюмлар, мебеллар, қўл юклари, узилган тугмалар, соч толалари, қон ва бошқалар), жиноятчиларга тааллуқли буюм ва нарсалар, микрообъектларни топишни топшириши;
- ҳодиса жойидаги ҳолат билан танишиши, кўздан кечиришнинг тактик усулларини белгилаши;
- ҳодиса жойини кўздан кечиришга киришиши лозим.

Кўздан кечириш давомида қуйидаги масалалар ҳал этилиши керак:

- босқинчилик ва талончилик ҳужуми содир этилган вақт;
- жиноятчи (жиноятчиларни)нинг уй-жой, омборхона ва бошқа хоналарга кириш усули;
- куч ишлатилганми, агар ишлатилган бўлса, унинг мазмуни;
- жиноят содир этган шахслар сони, агар жиноят бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, ҳар бирининг жиноий ҳаракатлари нималардан иборат бўлгани;
- жиноят содир этишда қандай қурол ёки воситалар қўлланилганлиги;
- моддий зарарнинг миқдори;
- етказилган жисмоний зарарнинг даражаси;

– жинойтнинг содир этилиш сабаби, шароитлари ва бошқалар.

Кўздан кечириш жараёнида қуйидаги объектларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– жинойтчилар уй-жой, омборхона ва бошқа хоналарга кирган эшик ёки дераза олдидаги саҳна;

– жинойтчилар уй-жой, омборхона ва бошқа хоналарга кирган эшик, дераза, балкон деразалари ва бошқаларнинг ҳолати;

– жабрланувчилар турган хона;

– жинойтчилар уй-жой, омборхона ва бошқа хоналар эшигини бузишда ишлатган предметлар;

– қўл, оёқ, эшикни бузиш излари ва бошқа излар;

– жабрланувчи билан жинойтчиларнинг олишувига алоқадор излар;

– жинойтчи кийимидан узилиб қолган тугма, материал парчаси, тола ва бошқалар;

– жинойт содир этишда фойдаланилган ва ташлаб кетилган ёки тушириб қолдирилган қуроллар (совуқ қурол, ўқотар қурол, пичок, темир ва бошқалар);

– жинойтчиларга тегишли алоҳида буюмлар;

– агар ҳужумда қурол ишлатилган бўлса, ўқлар, гильзалар, «пиж»лар ва бошқалар;

– жинойтчиларнинг биологик хусусиятига тааллуқли объектлар (қон доғлари ёки томчилари, тери қисмлари, соч толалари, тердан ҳосил бўлган нам ва бошқалар);

– жинойтчига тегишли предмет ёки нарсалар (бош кийим, шарф, маска, қўлқоп, ҳужжат ва бошқалар);

Кўздан кечириладиган объектлар доираси ва батафсил ўрганилиши лозим бўлган ҳолатлар содир этилган жинойт қилмишга боғлиқ бўлади.

Ҳодиса жойида ҳужум қилган шахслар билан бирга, жабрланувчи ёки бегона шахсларнинг ҳам қўл, оёқ излари бўлиши мумкин. Изларни (микрообъектларни) аниқлашда терговчига эксперт-криминалист катта ёрдам беради, керак бўлса бошқа мутахассислар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни уй-жойга борувчи йўлакчалардан бошлаш мақсадга мувофиқдир, кейин подъезд, зина, кириш эшиги (жинойтчилар кирган бошқа жойлар), сўнг барча хоналар (уйлар), шунингдек, коридор ва ёрдамчи хоналар (ошхона, ҳожатхона, балкон ва бошқалар) кўздан кечирилади. Ушбу жойларда жинойтчилар қўл ёки оёқ изларини қолдиришлари, жинойт содир этиш қурол-

лари ёки воситаларини ташлашлари ёки тушириб қолдиришлари мумкин.

Жинойтчилар из қолдириши эҳтимоли юқори бўлган жойларга қуйидагилар киради:

– жинойтчи устидан ўтган ёки қимматбаҳо нарсаларга эришиш учун бартараф қилган тўсиқлар ва деворлар (кириш эшиклари, дераза, қулфланадиган жиҳозлар, шкафларнинг эшиклари ва бошқалар);

– талон-торож қилинган предметлар ёки буюмлар, қимматбаҳо нарсалар турган жойлар;

– қўл излари, қон доғлари ва бошқалар бўлиши мумкин бўлган деворлар, пол, мебель эшиклари ва бошқалар.

Кўздан кечиришгача фойдаланилган қурол ёки воситалар топилмаган бўлса, уларнинг қидирувини ташкил этиш лозим.

Агар қурол топилса, унинг турган ҳолати, ундаги қўл излари, қон доғлари, бегона моддалар ва бошқалар мавжудлиги қайд этилади. Қуролнинг тиғи ва зарба берувчи қисмини лупа орқали кўздан кечириш керак: уларда инсонга тегишли турли микромоддалар, қиллар, одам ички органларининг бўлакчалари (ўпка, жигар, буйрак ва бошқалар), жабрланувчи ёки ҳужум қилган шахс кийимларининг парчалари, агар киссасига солган бўлса тамаки, чанг ва бошқа микрозаррачалар бўлиши мумкин.

Уй-жойга ғайриқонуний ҳужум қилиб содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятида қурол ишлатилган бўлса, ҳужум жойидан гильза, ўқ, пижларни, қурол ишлатилганидан далолат берувчи излар (ўқ излари, чуқурчалар, куйган излар, кукунлар ва бошқалар) мавжуд предметларни излаш лозим.

Отилган ўқ изларини ўрганиш қуролнинг турини аниқлаш имконини беради.

Агар ўқотар қурол топилган бўлса, унинг ҳолатига эътибор қаратиш, қўл изларини, бегона қисмлар, порох ҳиди мавжудлиги ва бошқаларни излаш керак.

Жабрланувчи билан жиноятчилар орасида бевосита олишув бўлган бўлса, ҳодиса жойида кўп излар, айрим пайтларда микрообъектлар ҳам қолади. Уларни тегишли мутахассис ёрдамида аниқлаш, экспресс-таҳлил қилиш из қолдирган объектлар, изнинг пайдо бўлиши ва бошқалар ҳақида тезкор маълумот олиш имконини беради.

Ҳужум қилиб содир этилган босқинчиликда хонада жабрланувчи ёки жиноятчининг қон доғлари, соч толалари ва бошқалар қолиши мумкин. Қонга ўхшаган доғлар аниқланганда унинг жойи, шакли, ҳажми, рангига эътибор бериш лозим.

Айрим кўздан кечириш ҳолатларида жиноятчининг бадани ёки кийимида қандай жароҳатлар, шикастлар қолиши мумкинлиги тахмин қилинади. Масалан, ҳодиса жойида жабрланувчига тегишли бўлмаган куртка ёки плаш белбоғи, тугманинг топилиши жиноятчи кийимида шу нарсалар йўқлиги тўғрисида тахмин қилиш имконини беради. Қон томчилари ёки доғлари жиноятчининг тан жароҳати олганлигидан далолат беради.

Ушбу маълумотлар исботлаш хусусиятига эга бўлмаса ҳам, жиноятчини «иссиқ изидан» қидириш ва ушлаш имконини беради.

Агар жиноятчилар уй-жойга тўсиқларни бузиш орқали кирган бўлса, бузиш жойи микрообъектларнинг асосий жойини ташкил қилади. Жумладан, кириш эшиклари аксарият ҳолларда қаттиқ предметлар билан қайириш, оғир предметлар билан уриш, оёқ билан тепиш, қўл, елка билан итариш натижасида очилади. Ушбу ҳаракатлар натижасида бузиш қуроллари, жиноятчининг оёқ кийими ва либослари микрообъектларнинг ташувчиларига айланиб қолади.

Жиноятчилар қидирув итларини қўллашга қарши ўткир ҳидли моддаларни кириш жойларига сепиб кетган бўлса, ушбу моддалардан намуналар олиш керак, чунки кейинчалик жиноятчилар ушланганда уларнинг кийимидан ушбу моддаларнинг қолдиқлари ёки хидини аниқлаш мумкин.

Жиноятчи томонидан йўқотилган нарсалар (бош кийими, рўмолча ва бошқалар) топилса, унинг қўли теккан предметлар аниқланса, тегишли қоидаларга риоя қилган ҳолда уларни олиш керак.

Жиноятчиларнинг излари, улар фойдаланган автомобилларнинг шина излари жиноят содир этилган уй атрофида, айрим ҳолларда уйдан анча узоқда аниқланиши мумкин.

Жиноятчилар ҳодиса жойидан яшириниш вақтида жиноят қуролларини, талон-торож қилинган арзон нарсаларни, жабрланувчиларнинг шахсий ҳужжатларини ташлаб кетган ҳоллар ҳам учрайди. Кўп ҳолларда талон-торож қилинган нарсалар, вақт ўтиб қулай фурсат келганда олиб кетиш мақсадида, ҳодиса жойи яқинига (томларга, ертўлаларга, бузилган иморатлар ва бошқаларга) яширилади. Бундай нарсалар аниқланганда, пистирма қўйиб, жиноятчини ушлаш чораларини кўриш лозим.

Ҳодиса жойида аниқланган ҳамда олинган излар ва предметларни кўздан кечириш жиноят содир этиш усулини аниқлаш имконини беради.

Кўздан кечиришни талаб даражасида ва самарали ўтказиш техник-криминалистик воситалардан унумли фойдаланишга боғлиқ, айниқса,

видеотасвирга олиш усулларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бу далилларни аниқлаш жараёнини кўздан кечириш ҳаракатлари натижасида олинган ашёвий далилларнинг объективлигини, шунингдек қўлланилган тактик усулларнинг тўғрилигини кўрсатади.

Видео тасвирга олишнинг афзаллиги унинг аниқ ҳолатни тасвирга тушириши ва овозни ёзиб олишида намоён бўлади.

Жабрланувчи ва гувоҳларнинг кийимларини кўздан кечириш. Бу ҳаракат қуйидагиларни аниқлаш имконини беради:

– жабрланувчи зарба берилган ёки ўқ отилган вақтда қайси ҳолатда турганлиги;

– қандай аслаҳа билан зарар етказилганлиги (кўриниши, тури);

– кийимларда жабрланувчи ва жиноятчининг олишувидан дарак берувчи қон доғлари ва бошқа белгиларнинг мавжудлиги;

– микрозаррачаларни (масалан, гумон қилинувчининг кийимида жабрланувчининг кийимларидан ёпишган иплар ва бошқалар) аниқлаш. Бу жиноятчи билан жабрланувчи бир-бири билан бевосита муносабатда бўлганидан далолат беради.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижаси бўйича терговчи ЖПКнинг 90–92, 135–141-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ баённома тузади. Баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва хужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённомадан нусха берилади. Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техник воситалар қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қайси нарсалар ва хужжатлар қай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли нарсалар қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жиноят ҳақидаги аризани ва хабарни терговга қадар текшириш қисқа вақтда амалга оширилиши лозим. Жиноят ишини қўзғатишдан олдин терговчи томонидан ЖПКнинг 329-моддаси тартибида терговга қадар текширув ўтказилади (у ҳодиса жойини кўздан кечиришни амалга оширади, жабрланувчидан ариза олади, шоҳидлар ва бошқа гувоҳлар билан сўров ўткази,

кечиктириб бўлмас ҳолатларда жабрланувчи мурожаат қилган тиббий муассасадан маълумотнома олади).

Терговчи босқинчилик ва талончилик ҳужуми ҳақидаги маълумотни олишда икки хил типик вазиятга дуч келиши мумкин: биринчиси, аризада уй-жойда содир этилган босқинчилик ва талончилик аломатларини кўрсатувчи маълумотлар етарли; иккинчиси, аризадаги жиноят белгиларини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини кўзғатиш учун етарли эмас.

Биринчи вазиятда жиноят ишини кўзғатиш ва ўз иш юритувиغا олиш ҳамда тергов қилишга киришиш зарур.

Иккинчи вазиятда:

– келиб тушган жиноят ҳақидаги маълумотни текшириш;

– жабрланувчини (агар жабрланувчи оғир аҳволда бўлса у билан фақат шифокорнинг рухсати билан суҳбатлашиш мумкин), шоҳидлар ва босқинчилик ва талончилик ҳужуми ва уни содир этган шахслар ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган бошқа гувоҳларни сўров қилиш;

– ҳодиса жойини кўздан кечириш (тажовузга учраган шахслар иштирокида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади);

– жиноятчиларни «иссиқ изларидан» ушлаш юзасидан чора кўриш.

Агар кўздан кечириш вақтида ЖКнинг 164-моддасида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланса, бундай ҳолда жиноят иши кўзғатилади (ЖПКнинг 321, 322, 330-моддалари) ва дастлабки тергов бошланади.

Агар содир этилган босқинчилик ва талончилик ҳақидаги маълумот ИИБнинг навбатчилик қисмига жиноят содир этилган вақтда эмас, балки анча кеч келиб тушган бўлса ва аризадаги маълумотлар ишончлилиги бўйича шубҳа туғдирса, терговчи:

– аризани қабул қилиб, аризачи билан суҳбатлашади ва жиноятнинг барча ҳолатларини баённомага киритади;

– ТТГ таркибида ҳодиса жойига чиқади ва ҳодиса жойини кўздан кечиради;

– зарур ҳолларда гувоҳ-шоҳидларни аниқлайди ва уларни содир этилган босқинчилик ва талончилик ҳужуми ва жиноятчиларнинг ташқи белгиларини аниқлаш юзасидан сўров қилади;

– уларни ушлашни ташкил қилади.

Терговга қадар текширув жараёнида ёзма тушунтириш хатлари олинади ва тўпланади. Ёзма тушунтириш хати батафсил, аниқ бўлиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

– содир бўлган воқеа шароитлари (қаерда, қачон содир бўлган, жиноятчилар уй-жойга қандай киришган, уларнинг ҳаракатлари айнан нималарда акс этган ва бошқалар);

– босқинчилик ва талончилик содир этган шахсларнинг белгилари ва бошқа маълумотлар (уларнинг ташқи кўриниши, кийиниши, улар бир-бирни билан нималар ҳақида гаплашгани, бир-бирларига исмларини айтиб мурожаат қилган-қилмаганликлари, нима билан қуролланганлиги ва бошқалар);

– талон-торож қилинган мулк (талон-торож қилинган мулк белгиларини батафсил тасвирлаш, уларнинг нархи ва ҳар бир ашёнинг қийматини пулда кўрсатиш ва бошқалар).

Агар терговгача текшириш вақтида жиноят аломатлари аниқланса, дарҳол жиноят иши қўзғатилади. Агар терговгача текширув вақтида жиноят аломатлари аниқланмаса, унда йиғилган маълумотларни инобатга олган ҳолда текширувни давом эттириш шарт.

Диққат-эътиборни жабрланувчида аризада келтирган қимматбаҳо нарсалар ва мулкнинг ҳақиқатда бўлган-бўлмаганлигини, шунингдек, жиноят шоҳидлари ва мазкур ҳодисага алоқадор бошқа шахсларни аниқлашга қаратиш лозим.

2-боб. БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЙИ-ХУҚУҚИЙ ВА КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

1-§. Босқинчилик жиноятининг жиноий-хуқуқий тавсифи ва квалификация қилиш қоидалари

Босқинчилик жиноятининг жиноий-хуқуқий тавсифи. Босқинчилик деганда, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш тушунилади.

Босқинчилик жиноятининг ижтимоий хавфлилиги нафақат ўзганинг мулкига нисбатан ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиш билан, балки шахснинг ҳаёти ва соғлиғига ҳам зарар етказиш ва шундай зарар етказиш реал хавфини туғдиришда ифодаланади. Шу нуқтаи назардан, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноят қонуни билан кўриқланадиган икки объектга тажовуз қилиш билан изоҳланади.

Босқинчилик жиноятининг бевосита *объекти* ўзганинг мулки ва қўшимча объекти шахснинг соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ҳужумга йўлиққан шахснинг ҳаётидан реал ҳолатларда маҳрум қилиш босқинчилик ва талончилик жинояти доирасига кирмайди ва бундай ҳолатлар қўшимча квалификация қилишни талаб қилади.

Босқинчилик жиноятининг *объектив томони* ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мақсадида ҳаёт ёки соғлик учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ҳужум қилишда ва шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитишда ифодаланади.

Ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда, унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ хавфни вужудга келтирувчи ҳолат (масалан, жабрланувчини бўғиш, бошини сув остида ушлаб туриш ва ҳ. к.) тушунилади.

Соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчи соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган даражада баданга шикаст етказиш ёки шундай жароҳат етказиш хавфини туғдирувчи ҳаракатлар¹ тушунилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 1999 йил 30 апрель қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. – Т., 2007. – Б.222.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфни келтириб чиқарувчи ҳаракатлар қўл билан бўғиш, арқонни бўйнига солиш, шарқона кураш усулларни намойиш қилиш ёки ўювчи (кислота) моддаларни кўрсатиш билан кўрқитиш кабиларда ифодаланади.

Ҳужум қилиш деганда, очик ёки яширин равишда тўсатдан жабрланувчига тажовузкорона зўрлик ишлатиш тушунилади. Ҳужум ниқобланган (яширин жойдан орқасига уриш) ҳамда жабрланувчига аниқ ёки яширин таъсир ўтказиш хусусиятга эга бўлиши мумкин (жабрланувчининг асаб-поролитик тизимларига таъсир қилиш орқали). Ҳужум қилиш – жабрланувчига тўсатдан тажовузкорона зўрлик ишлатиш.

Босқинчиликда ҳужум ҳар доим жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, ҳужум қилиш: очик ва яширин хусусиятга эга бўлади (масалан: оғир предметлар билан орқадан уриш, яширин жойдан ўқ узиш ва ҳ.к.).

Босқинчиликдаги «кўрқитиш» оғзаки равишда ёки ҳаёт ва соғлиқ учун хавфни келтириб чиқарувчи ҳаракатларда ҳам акс этиши мумкин. Оғзаки равишда кўрқитиш ўлдираман, сўйиб ташлайман, кўзингни ўйиб оламан ва шунга ўхшаш сўзлар билан кўрқитишда ифодаланади.

Босқинчиликдаги кўрқитиш аниқ хусусиятга эга бўлиши ва жабрланувчи айбдор томонидан қилинган кўрқитишни дарҳол қўллаши мумкинлигини англаган бўлиши лозим.

Босқинчилик жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитилган ҳамда ўзганинг мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум бошланган вақтдан бошлаб *тугалланган* ҳисобланади.

Субъектив томондан босқинчилик ва талончилик фақат тўғри қасда ифодаланади.

Жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси бу қилмишдан кўзда тутилган мақсад ҳисобланади. Босқинчилик жиноятининг мақсади ўзганинг мулкни талон-торож қилишда акс этади. Агар шахсда бундай мақсад мавжуд бўлмаса, қилмиш босқинчилик ва талончилик жинояти сифатида квалификация қилинмайди, балки шахсга қарши жиноят деб баҳоланади.

Агар айбдорнинг ҳаракатида шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказгандан сўнг мулкни эгаллаш қасди пайдо бўлса, қилмиш тегишли нормалар билан бирга, жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади.

Босқинчиликнинг товламачиликдан фарқи шундаки, товламачиликда зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишга қаратилади.

Босқинчиликни талончиликдан фарқлашда зўрлик ишлатишнинг даражасини инобатга олиш зарур. Чунки босқинчилик ва талончилик ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилса, талончилик ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилади.

Босқинчилик жиноятининг *субъекти* 14 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

Босқинчилик жиноятининг квалификация қилиш қоидалари. Босқинчилик: а) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; в) анча миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 164-моддаси иккинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 164-моддаси иккинчи қисми «а» банди билан тавсифланадиган босқинчилик ва талончилик йўли билан мулкка эгалик қилишнинг белгиларидан бири қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган бошқа нарсаларни кўллаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелда қабул қилган «Ўзгалар мулкни ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг еттинчи бандида: «Била туриб яроқсиз қуролдан ёки ёлғондакам қуролдан (масалан, тўппонча ёки старт тўппончаси макетларидан) баданга шикаст етказишни ният қилмаган ҳолда фойдаланганда, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаганда қуролли босқинчилик ва талончилик сифатида баҳолаш мумкин эмас», деб белгилаб қўйилган. Шу боис, мазкур ҳолатда шахс қилмишида Жиноят кодексининг 164-моддасида кўрсатилган бошқа оғирлаштирувчи белгилар бўлмаган тақдирда, қилмиш ушбу модданинг биринчи қисми билан квалификация қилинади.

Шунингдек, босқинчилик ва талончилик жараёнида айбдор томонидан рухсатнома талаб қилинадиган ўқотар қурол ишлатилганда ҳамда қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсалар (портловчи, захарли моддалар ва ҳ.к.) ишлатилиб, босқинчилик ва талончилик содир этилганда унинг ҳаракатлари ушбу жиноятлар мажмуи билан тавсифланади. Таъкидлаш керакки, «пневматик милтик, сигнал, газ пистолетлари ёки газ балонлари, ракетницалар ва

бошқа имитация-пиротехник ёки ёритгич воситалари»¹ қуроллар жумласига кирмайди.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган босқинчилик ва талончилик билан боғлиқ ҳаракатлар Жиноят кодексининг 164-моддаси иккинчи қисми «б» банди билан квалификация қилинади. Босқинчилик жинояти содир этишни олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят сифатида баҳоланади.

Олдиндан тил бириктириш деганда, икки ва ундан ортиқ шахс ўртасида бевосита жиноят содир этилишидан олдин ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш тўғрисида келишувга эришиш тушунилади.

Агар тил бириктириш бевосита босқинчилик ва талончилик қилиш пайтида юзага келган бўлса, у олдиндан тил бириктириш ҳисобланмайди ва кўрилаётган квалификация белгисини қўллашни истисно этади. Бундай ҳолларда, агар айбдорлар ҳаракатларида Жиноят кодексининг 164-моддасида кўрсатилган бошқа квалификация белгилари мавжуд бўлмаса, иштирокчиларнинг ҳар бири бевосита ўзи содир этган жиноий ҳаракатлари учун юқоридаги модданинг биринчи қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Босқинчилик анча миқдордаги (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор) мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 164-моддаси иккинчи қисми «в» банди билан квалификация қилинади.

Босқинчилик: а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан; б) кўп миқдорда; в) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда; г) баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 164-моддаси учинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган босқинчилик ва талончилик Жиноят кодекси 164-моддаси учинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидада»ги 1996 йил 27 февраль қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. – Т., 2007. – Б.46.

Қилмишни такроран деб баҳолаш учун босқинчилик ва талончилик турли вақтда, шунингдек, мазкур жиноятнинг шахс томонидан камида икки марта содир этилганлиги ва қилган жинояти учун аввал судланмаган бўлиши ҳамда мана шу жиноят учун жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмаган бўлиши лозим. Агар шахс илгари содир этган жинояти учун қонуний тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса ёки жавобгарлик муддати ўтиб кетган бўлса, қилмиш такроран содир этилган деб квалификация қилинмайди.

Босқинчилик жиноятини хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб топиш шахс илгари содир этган босқинчилик ва талончилик жинояти учун ҳукм қилингандан сўнг судланганлик муддати ўтмасдан, қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан яна босқинчилик ва талончилик жинояти содир этганда келиб чиқади.

Босқинчилик жиноятини такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдор илгари тамом бўлган босқинчилик ва талончилик жинояти ёки унга суиқасд қилганлигининг, жиноятнинг бажарувчиси ёки бошқа иштирокчиси бўлганлигининг аҳамияти йўқ.

Иштирокчиликда босқинчилик ва талончилик содир этилган бўлса, такрорийлик сифатидаги квалификация белгиси фақат ушбу белгига лойиқ айбдорга нисбатан қўлланилиб, бошқа иштирокчиларга нисбатан қўлланилиши истисно этилади.

Жиноят кодексининг 164-моддаси учинчи қисми «а» банди билан квалификация қилишни назарда тутувчи яна бир белги – босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этган шахснинг илгари Жиноят кодекси 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этилганлиги. Бунда айбдорнинг босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этгунга қадар судланган ёки судланмаганлигидан қатъий назар, Жиноят кодекси 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлик фактининг ўзи кифоя бўлади. Фақат айбдорнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилишда жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетмаганлиги (ЖК 64-м.) ҳамда судланганлик муддати тугаган ёки олиб ташланмаганлигини (ЖК 78–79-м.) аниқлаш зарур.

Босқинчилик кўп миқдордаги (энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор) мулкни талонторож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 164-моддаси учинчи қисми «б» банди билан квалификация қилинади.

Уй-жой, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилган босқинчилик ва талончилик Жиноят

кодексининг 164-моддаси учинчи қисми «в» банди билан квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелда қабул қилган «Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг тўққизинчи бандига кўра, *ғайриқонуний кириш деганда*, босқинчилик ва талончилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа хоналарга кириш тушунилади.

Ғайриқонуний кириш нафақат яширин, балки очикдан-очик, тўсиқларни одамларнинг, шунингдек кўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Алдаш йўли билан, қалбаки рухсатномалардан фойдаланиб, масалан, сантехник, алоқа бўлими ходими, газ, электр энергия ва ёнғиндан назорат қилувчи ходимлар ва бошқалар тариқасида бинода пайдо бўлишни ҳам ғайриқонуний кириш деб баҳолаш керак.

Ғайриқонуний кириш бирдан-бир мақсад бўлмай, айбдор босқинчилик ва талончилик йўли билан қўлга киритмоқчи бўлган бойликлар сақланаётган жойга кириб боришнинг усули ҳисобланади. Шу сабабли ғайриқонуний кириш уй-жой, бино ёки бошқа жойларга киришдан олдин юзага келади. Агар айбдор хонага бошқа сабаблар билан кирган бўлиб, моддий бойликларни босқинчилик ва талончилик йўли билан талон-торож қилиш мақсади кейин пайдо бўлса ва бу ниятини амалга ошириш қилмишда босқинчиликнинг тушунтирилаётган тавсифловчи белгиси мавжуд бўлмаслигини англатади.

Уй-жой деганда, кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадон, меҳмонхонадаги, санаторийдаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқ.) бино, унинг таркибига кирувчи дам олиш, мулкни сақлаш ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқ.) мавжуд жойлар тушунилади.

Омборхона деганда, товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинча сақлаш, талон-торож қилиш, табиий офатлар, айниш ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой тушунилади.

Босқинчилик баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 164-моддаси учинчи қисми «г» банди билан квалификация қилинади ва қўшимча Жиноят кодексининг 104-моддаси билан квалификация қилиш талаб этилмайди.

Босқинчилик: а) жуда кўп миқдорда; б) ўта хавфли рецидивист томонидан; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини

кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 164-моддаси тўртинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Босқинчилик жуда кўп миқдордаги (энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор) мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 164-моддаси тўртинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади.

Содир этилган босқинчилик ва талончилик жинояти содир этилгунга қадар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахснинг ҳаракатлари, агар унинг ўта хавфли рецидивист деб топилганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, Жиноят кодекси 164-моддаси тўртинчи қисмининг «б» банди бўйича квалификация қилинади.

Босқинчилик жинояти уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 164-моддаси тўртинчи қисми «в» банди билан квалификация қилинади. Жиноят кодексининг 29-моддаси тўртинчи қисмига биноан, *уюшган гуруҳ деганда*, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши тушунилади.

Жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини кўриш, гуруҳда ўрнатилган интизом ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсуниб жиноий гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, жиноий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилиниши ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим.

Таҳлил этилаётган жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган тақдирда, барча иштирокчиларнинг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролидан (иштирокчиликнинг туридан) қатъи назар, Жиноят кодексининг 28-

моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда 164-моддаси тўртинчи қисми «в» банди билан квалификация қилинади.

Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 164-моддаси тўртинчи қисми «в» бандида «уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш» ҳам квалификация қилувчи белги сифатида кўрсатиб ўтилган. Қилмишни мазкур норма билан квалификация қилишда алоҳида шахс уюшган жиноий гуруҳнинг аъзоси эмас, балки ушбу гуруҳ манфаатларини кўзлаб Жиноят кодексининг 164-моддасида назарда тутилган ҳаракатларни содир этганлигини аниқлаш керак. Бунда шахс уюшган гуруҳ унинг жиноий ҳаракатидан манфаатдорлигини била туриб ҳаракат қилади.

2-§. Босқинчилик ва талончилик жиноятларининг криминалистик тавсифи

Юқорида таъкидланганидек, босқинчилик ва талончилик жабрланувчининг шахсий мулкани унинг соғлиғи ёки ҳаёти учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш йўли билан кўрқитиб эгаллашни англатади. Босқинчилик жиноятларини самарали тергов қилиш учун терговчи ушбу жиноят турининг криминалистик тавсифини билиши муҳимдир. Босқинчилик ҳужумлари криминалистик тавсифининг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

- жиноий тажовуз предмети ва бевосита объекти ҳақидаги маълумотлар;
- содир этилган жиноят тўғрисидаги дастлабки маълумот;
- жиноят содир этиш усули ҳақидаги маълумот;
- жиноятга тайёргарлик кўриш ва уни содир этиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар (жиноят содир этиш вақти, жойи ва бошқ.);
- жиноятчи ва жабрланувчи шахсининг хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар;
- босқинчилик ва талончилик ҳужумларини содир этиш натижасида қолдирилган типик излар хусусияти ҳақидаги маълумотлар.

Жиноий тажовуз предмети ўзганинг мол-мулки ҳисобланади. Бунга қимматбаҳо бойликлар, пул ва бошқа қимматли қоғозлар, тақинчоқ ва зеб-зийнатлар, мусиқа асбоблари, радио ва видеотехника, мусиқа маркази, шахсий компьютер, ноутбук, совутгич, музлатгич, кийим-кечак ва оёқ кийими, ноёб ҳайвонларнинг қимматбаҳо териси ва жунлари, хрустал идишлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар киради.

Масалан: фуқаро Алишеров Хусниддин Холмаматович 2017 йилнинг 21 январдан 22 январга ўтар кечаси соат тахминан 01.30ларда

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Шивли маҳалласида яшовчи фуқаро Сафарова Малоҳат Қаршиевнанинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, уни бўғиб, ўлдириш билан қўрқитиб, 2500 АҚШ долларини, нархи 1500000 сўмлик тилла тақинчоқларини тортиб олиб, ҳодиса жойидан яширинган.

Уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, содир этилган босқинчилик ва талончилик ҳужумларини тергов қилишнинг самараси, аввало, содир этилган жиноят ҳақидаги дастлабки материаллар қай даражада сифатли тўпланган ва расмийлаштирилганлигига боғлиқ. Содир этилган жиноятнинг криминалистик тавсифини ўрганиш дастлабки қидирув ишлари (ҳаракатлари)ни пухта ўйлаб ташкил этиш ва амалга ошириш имконини беради. Қуйидагилар босқинчилик ва талончилик ҳужумлари ҳақида илк маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади:

- жабрланувчиларнинг даъво аризалари;
- шоҳидларнинг кўрсатувлари (хабарлари);
- жабрланувчилар жойлаштирилган тиббиёт муассасалари ходимларининг хабарлари ва бошқалар.

Босқинчилик ҳужумларини содир этиш усулларини тавсифловчи маълумотлар:

- босқинчилик ва талончилик ҳужуми содир этилган уй-жойнинг хусусияти;

- жиноятчи эгаллашга ҳаракат қилган мулк (буюм ва нарса)нинг тури ва хусусияти;

- босқинчилик ва талончилик ҳужуми содир этилиш ҳолатлари;

- жиноятчи шахсининг хусусиятлари (ёши, жисмоний бақувватлиги, қобилияти, қуролланганлиги ва бошқ.) билан изоҳланади.

Босқинчилик ҳужумларида асосан қуйидаги усуллар учраши мумкин:

- очик эшик ва деразалар орқали кириб фуқароларга ҳужум қилиш;

- эшик ва деразаларни ёпиш учун мўлжалланган воситаларни калит танлаш ва бузиб очиш орқали фуқароларга ҳужум қилиш;

- ёпиқ эшик ва деразаларни бузиб кириш орқали фуқароларга ҳужум қилиш;

- уй-жойга алдаш ёки бошқа усулда кириб, фуқароларга ҳужум қилиш.

Кўп эпизодли жиноятларни содир этишда дастлабки ва чуқур пухта ўйланган тайёргарлик сабаб бўлади, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- объектни излаб топиш;
- босқинчилик ва талончилик ҳужумини содир этиш мўлжалланган шахсий уй-жой эгаси ёки хонада яшовчи шахсларни, ўша жойда содир этилиши кутилаётган ҳужумнинг ҳолатлари (жиноят содир этиш вақтини аниқлаш, уй-жойга кириш усули, уй-жойдан чиқиб кетиш йўллари ва бошқалар)ни ўрганиш;
- жиноят содир этиш иштирокчиларини танлаш ва улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;
- уй-жойга кириш усули ва жиноятни содир этиш ҳамда у ердаги шахсларнинг қаршиликларини енгиш режасини ишлаб чиқиш;
- жиноятни содир этиш қуроли, воситаси, транспорт воситалари ва бошқаларни тайёрлаш (сотиб олиш ёки излаб топиш);
- ҳужум қилаётган шахсларнинг ташқи қиёфасини яшириш учун ниқобланиши, транспорт воситаларининг давлат рақамларини ўзгартириш;
- содир этилган жиноятни яшириш усуллари (жиноятни содир этувчи иштирокчиларга алибини таъминлаш, уларнинг ташқи қиёфасини ўзгартириш усулини танлаш ёки ниқоблар ясаш, талон-торож қилинган мулкни яшириш)ни танлаш ва ҳоказо.

Айрим ҳолларда босқинчилик ва талончилик ҳужумлари тайёргарлик кўрилмай содир этилади, жинойий тажовуз объекти олдиндан белгиланмайди. Жиноятчилар кўп қаватли уй хонадонлари эшикларининг кўнғироқларини босиб, агар эшикни ёш болалар, аёллар ёки кексалар очганида уларга ҳужум қилиб, зўрлик ишлатиб, боғлаб қўйиб, сўнгра уй-жойга кириб қимматбаҳо буюмларни талон-торож қилиб кетадилар. Агар эшикни катта ёшдаги эркаклар очса, уларга қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган нарсалар билан ҳужум қилиб, жиноятни охирига етказадилар.

Уй-жойга ғайриқонуний кириб, жабрланувчига ҳужум қилиш усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- жабрланувчининг розилиги билан (электр ўлчовларини текшириш, телефони орқали кўнғироқ қилиш, хожатхонадан фойдаланиш, сув ичиш ва бошқа важларни келтирган ҳолда кириб жабрланувчига ҳужум қилиш);
- сохта ёхуд холис ниятни амалга ошириш важи билан кириш;
- ёпиқ бўлмаган дераза ёки эшиклар орқали кириш;
- хонага кириш эшигини калит танлаш ёки қулфни очиш мақсадида қўлланиладиган махсус воситалар (отмычка) ёрдамида очиш орқали ҳужумни амалга ошириш;

– носоз ва бузилган дераза ва кириш эшиклари орқали кириб, ҳужумни амалга ошириш.

Босқинчилик жиноятини яшириш усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Ниқоблаш:

– уй-жой мулкдорлари уюшмаси ишчиси, электр тармоғи назоратчиси, ёнғин хавфсизлик бўлими ходими сифатида уй-жойга кириш;

– ўз қиёфасини ўзгартириб, сунъий соч, ниқоб кийиш орқали.

Сохталаштириш:

– жиноят содир этилган жойда сохта излар, инсон шахсини тасдиқловчи сохта ҳужжатлар қолдириш;

– талон-торож қилинган нарсаларнинг техник паспортини қисман қалбакилаштириш;

– талон-торож қилинган нарсаларга қисман ўзгартиришлар киритиш;

– ёлғон важни яратиш ва бошқалар.

Аниқланиши мумкин бўлган жиноят изи ва буюмларни йўқотиш:

– предметлар устида қолдирилган қўлнинг бармоқ изларини ўчириш;

– қон излари бўлган кийим-кечак ёки оёқ кийимларини ёқиб юбориш ва бошқалар.

Яшириш:

– талон-торож қилинган буюм, жиноят содир этиш қуроли, жиноят содир этиш вақтида устида бўлган кийимларни яшириш;

– жиноятнинг алоҳида ҳолатлари бўйича сўроқ вақтида гапирмаслик;

– кўрсатув беришдан бош тортиш;

– била туриб ёлғон кўрсатувлар бериш ва бошқалар.

Босқинчилик ҳужумини содир этиш жойи ва вақти ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу жиноятлар, асосан, эгаларида қимматбаҳо буюмлар, пул, қимматли қоғозлар бор бўлган уй-жой ва хонадонларда содир этилади. Бундай хонадонларнинг деразалари кўпинча йўл, майдон, боғ ёки очик майдонларга қараган бўлади. Бу эса жиноят содир этишни бир мунча енгиллаштиради, шунингдек, босқинчилик ва талончилик ҳужумини амалга оширгандан сўнг яширин, шубҳа уйғотмаган ҳолда у ердан чиқиб кетиш имконини беради.

Жиноятчи шахси ҳақидаги маълумотлар. Босқинчилик ҳужумларини асосан барқарор жиноий гуруҳлар содир этадилар, ушбу гуруҳлар камида икки ва ундан ортиқ шахслардан ташкил топади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бу турдаги жиноятларни содир

этишда нафақат бажарувчи, балки ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар иштирок этадилар.

Жабрланувчи ҳақида маълумотлар. Босқинчилик жиноятдан жабр кўрганларни тахминан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

– ўзининг хулқ-атвори билан жиноят содир этилишига тўсқинлик қила олмайдиган жабрланувчилар. Улар вояга етмаганлар, кекса ёшдаги аёл ва эркаклар, жиноятчиларга етарлича қаршилик кўрсата олмайдиган беморлар бўлиши мумкин;

– ўз хулқ-атвори ёки хусусиятлари билан виктимологик мойилликка эга фуқаролар, бу ҳолат уларга тажовуз қилишни келтириб чиқаради. Масалан, жуда катта пулга данғиллама уй-жой, чет эл русумидаги автомашина, маиший техника сотиб олувчилар, қимматбаҳо буюмлар совға қилувчилар, аёллари ўзи бойликлари билан мақтанишни яхши кўрувчилар ва бошқалар. Кўпчилик жабрланувчилар қимматбаҳо буюмларини сотиш учун газета ва журналларга эълонлар бериб, унда ўзларининг уй телефонлари ва манзилларини ҳам кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам жиноятчини аниқлаш «жабрланувчи» – «гумон қилинувчи» боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади;

– ўз уй-жойлари хавфсизлигига бепарво фуқаролар (деразалар, кириш эшиклари, балконларни очик қолдириб қўйган шахслар);

– нотаниш шахсларга ортиқча ишонувчан, хайрихоҳ фуқаролар;

– ўзининг ижтимоий мақоми ёки моддий ҳолати бўйича босқинчилик ва талончилик ҳужумларидан жабр кўриши мумкин бўлган шахслар. Шу боис терговчи жабрланувчи билан боғлиқ барча шахсий алоқаларни, уларнинг турмуш шароити, моддий ҳолати, жисмоний ва руҳий хусусиятлари ҳамда ҳоказоларга эътиборини қаратиши лозим.

Жиноят содир этилган жойда моддий ҳолатнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар. Содир этилган босқинчилик ва талончилик ҳужумлари натижасида жиноят содир этилган жойда далилий ашё сифатида фойдаланиш мумкин бўлган турли хил излар (жиноятчининг қўл ва оёқ излари, жиноят содир этиш қуролининг излари), қон, суюқлик, ўқ ва гильзалар, микрозаррачалар, жиноятчи томонидан йўқотилган ва қолдириб кетилган шахсий нарсалар, ҳужжатлар моддий ҳолатнинг муайян ўзгаришини келтириб чиқариши мумкин. Кўрсатилган ўзгаришларнинг хусусияти жиноят содир этиш усули, жинойий тажовуз объекти, мазкур жиноятларнинг содир этиш жойи ва бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади. Жабрланувчига нисбатан ишлатилган зўрлик унинг жисмоний ҳолати ва ташқи кўринишида муайян ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Булар қонаб турган, тирналган,

шилирган, кўкарган жароҳатлар, жабрланувчиларга нисбатан сирт-моқ қўлланилган ҳолларда томоғдаги странгуляцион жўяклар, кийимдаги шикастлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Босқинчилик ҳужумларининг криминалистик тавсифи ҳақида билимга эга бўлиш ва улардан ҳар бир аниқ жиноят бўйича тергов қилишда унумли фойдаланиш терговчига тусмол тузиш ва зарур далилий маълумотларни тўплашга имкон беради.

Босқинчиликни тергов қилишда амалиётда қуйидаги тергов ҳолатлари учрашига эътибор қаратиш лозим:

Қулай вазият – жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахс ушланган вазият (масалан, жиноят жойидан яширинаётганида, ёхуд талон-торож қилинган буюмларни ўтказаетганида). Бундай ҳолларда терговчининг ҳаракатлари қуйидаги кетма-кетликда бўлиши мақсадга мувофиқ:

1) ҳодиса содир этилган вазиятни ойдинлаштириш, жиноят излари ва ашёвий далилларни аниқлаш мақсадида босқинчилик ва талончилик ҳужуми содир этилган жойни кўздан кечириш;

2) шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаш;

3) ушбу шахсни шахсий тинтув қилиш ва талон-торож қилинган мулкни аниқлаш (олиб қўйиш), мазкур мулкни кўздан кечириш ва уни жиноят ишига ашёвий далил тариқасида қўшиш;

4) гумон қилинувчининг шахсини ва жиноят устида ушланиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида уни сўроқ қилиш;

5) жиноятчини аниқлаган ва жиноят устида қўлга олган шахсни сўроқ қилиш, жиноят содир этилган ва жиноятчи ушланган вазият гувоҳлари ва шоҳидларини сўроқ қилиш;

6) агар сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувларида жиддий қарама-қаршиликлар бўлса, уларни юзлаштириш;

7) гумон қилинувчининг яшаш жойида бошқа жойлардан талон-торож қилинган мулклар ва иш учун аҳамиятга эга бошқа буюмлар ҳамда ҳужжатларни аниқлаш мақсадида тинтув ўтказиш;

8) тинтув жараёнида аниқланган буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш. Шу билан бирга, суриштирув органига гумон қилинувчининг шахсини, турмуш тарзини тавсифловчи маълумотларни йиғиш, шунингдек, мавжуд ҳисоблардан уни бошқа очилмаган босқинчилик ва талончилик жиноятларида иштирок этганлик эҳтимолини текшириш учун топшириқ бериш лозим.

Унча қулай бўлмаган вазият – жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахс ушланмаган, лекин унинг шахси ҳақида муайян маълумот мавжуд вазият. Бундай вазиятда терговчи ва суриштирув органининг

ҳаракатлари қидирилаётган шахснинг шахсини тўлиқроқ тавсифловчи маълумотларни йиғиш, унинг алоқаларини, тахминий турган жойи ёки бориши мумкин бўлган жойни аниқлаш, уни ушлаш ва олиб келиш бўйича чоралар кўришга йўналтирилади. Шу ўринда содир этилган жиноят атрофлича ўрганилиб, гумон қилинаётган шахс, талон-торож қилинган мулк ёки қимматбаҳо нарсалар ҳақида далилларни йиғиш ва мустаҳкамлаш амалга оширилади. Мазкур вазиятда қуйидаги кетма-кетликда бошланғич тергов ва бошқа тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- 1) босқинчилик ва талончилик факти бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш;
- 2) жабрланувчи ва моддий жавобгар шахсни талон-торож қилинган мулкнинг миқдор ва сифат белгиларини аниқлаш мақсадида сўроқ қилиш;
- 3) гумон қилинувчининг шахси (Ф.И.Ш., унинг ва яқин қариндошларининг яшаш жойи), турмуш тарзи, илгари судланган-судланмаганлиги, бўлиши мумкин бўлган жойлар, танишлари доираси ва бошқалар ҳақида маълумотга эга шахсларни сўроқ қилиш;
- 4) зарур ҳолларда, агар жиноятчининг шахси аниқланмаган бўлса, унинг фотороботини тузиш;
- 5) тегишли турдаги экспертиза тайинлаш (дактилоскопик, трасологик, суд-биологик, суд-бухгалтерлик ва бошқалар);
- 6) жиноят қидирув бўлимига тегишли топшириқ бериш йўли билан жиноятчиларни «иссиқ излардан» қидирувни ташкил этиш;
- 7) ИИБ шахсий таркибини йўналтирган ҳолда талон-торож қилинган мулкнинг «иссиқ изидан» қидирувини ташкил этиш.

Ноқулай вазият – жиноят содир этган шахс ҳақида маълумот мавжуд бўлмаган вазият. Бунда энг муҳим вазифа жиноят содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, терговнинг кейинги босқичларида далилларни мустаҳкамлаш учун босқинчилик ва талончилик ҳужуми содир этилган жойни кўздан кечиришда олинган изларни процессуал расмийлаштириш ҳисобланади. Бундай вазиятда қуйидаги кетма-кетликда бошланғич тергов ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш талаб этилади:

- 1) босқинчилик ва талончилик факти бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш;
- 2) жабрланувчи ёки жиноят ҳақида ариза берган шахсни сўроқ қилиш;
- 3) гувоҳларни аниқлаш ва уларни сўроқ қилиш;
- 4) жиноятчини кўрган шахсларга ички ишлар органлари ҳисобида турувчи шахсларнинг суратлари туширилган фотоальбомларни кўрсатиш;

5) ҳодиса жойини кўздан кечириш натижалари бўйича криминалистик экспертизалар тайинлаш;

6) зарур ҳолларда, кимдир жиноятчини кўрган бўлса, унинг сўзлари асосида босқинчиликни содир этган шахснинг фотороботини тузиш;

7) тегишли криминалистик ҳисоблардан текшириш;

8) айбдорларни аниқлашга йўналтирилган тезкор-қидирув ишларини ташкил этиш;

9) талон-торож қилинган мулкнинг белгилари бўйича қидирувини ташкил этиш.

Тергов жараёнида вужудга келган аниқ вазиятлардан келиб чиққан ҳолда ушбу тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларининг кетма-кетлиги ўзгариши мумкин.

Автоулов ҳайдовчиларига нисбатан содир этиладиган босқинчиликнинг криминалистик тавсифи. Бундай босқинчилик ва талончилик жинояти аксарият ҳолларда такси ҳайдовчиларига нисбатан турли усуллардан фойдаланган ҳолда содир этилади. Ушбу турдаги босқинчилик ва талончилик жиноятининг криминалистик тавсифи бу турдаги жиноятларни аниқлаш, тўғри квалификация қилиш ва тергов олиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Автоулов ҳайдовчисига нисбатан содир этиладиган босқинчилик ва талончилик жабрланувчининг шахсий ёки эгалигидаги мулкни унинг соғлиғи ёки ҳаёти учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиб эгаллашни англатади.

Автоулов ҳайдовчисига нисбатан содир этиладиган босқинчилик ва талончилик жинояти бир ёки бир неча шахслар томонидан содир этилиши мумкин. Мазкур жиноятни содир этишга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилади. Ҳужум уюштириладиган шахс (такси) белгилаб олинади, зарур қуроллар (ўқотар қурол, пичоқ, сим, чилвир) тайёрланади, жиноятни содир этиш усули ва иштирокчилар бажарадиган вазифалар тақсимланади. Кўпинча ҳужум объекти сифатида шаҳарлараро қатновчи такси ҳайдовчилари танланади ва жиноят тунги пайт содир этилади.

Бу турдаги босқинчилик ва талончилик жиноятлари аксарият ҳолларда уюшган гуруҳ томонидан содир этилади. Кўпинча шундай гуруҳлар доимий равишда қатор жиноятларни содир этадилар. Улар автоулов ҳайдовчисига нисбатан босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этишга тайёргарлик кўришда олдиндан ҳужум қилиш вақти ва жойини, ҳужум қилиш кетма-кетлигини аниқлайдилар, қурол ва бошқа зарур воситаларни ҳозирлайдилар. Жиноятни яшириш,

орқага қайтиш йўллари ва талон-торож қилинган мулкни яшириш жойларини белгилаб оладилар. Шундан сўнг такси турадиган жойларда катта миқдордаги пул билан йўлга чиқаётган хайдовчиларни аниқлашга ҳаракат қиладилар. Етарлича маълумот тўпланганларидан кейин, ўзаро келишган ҳолда, йўловчи сифатида такси хайдовчиси билан келишув тузадилар. Одатда, бемалол ҳаракат қилишлари учун такси хайдовчисини бегона йўловчилар олмасликка ундашади ва бўш жой учун ҳам йўл ҳақини кўшиб тўлашга ваъда берадилар.

Автоулов хайдовчисига нисбатан босқинчилик ва талончилик содир этишда йўлнинг ҳеч ким бўлмаган ва аҳоли яшамайдиган қисмида хожат заруратидан тўхташ ҳақида илтимос қилинади ва хайдовчи автомашинани тўхтатиб, биров дам олмоқчи бўлганида хужум қилинади ва тан жароҳати етказадилар, агар жиддий қаршилиikka дуч келадиган бўлсалар, ҳаёт учун хавфли зўрлик ишлатишга уринадилар. Пул ёки мол-мулк кўлга киритилгандан сўнг автомашинадан муайян манзилга етиб олиш учун фойдаланадилар, йўл-йўлакай жиноят содир этиш қуролларини пана жойларга улоқтириб кетадилар, жиноят изларини яширишга ҳаракат қиладилар, йўлда мавжуд бўлган ЙПХ постларига етмасдан автомашинани ташлаб яширинадилар.

Ушбу турдаги босқинчилик ва талончилик жиноятдан аксарият ҳолларда жисмонан бақувват бўлмаган ва катта ёшдаги эркаклар жабр кўрадилар. Одатда, жабрланувчи ва жиноятни содир этган шахслар турли ҳудудларда яшовчи фуқаролар бўлишади.

Автоулов хайдовчиларига нисбатан содир этиладиган босқинчилик ва талончилик жинояти иштирокчилари ташкилотчи, ёрдамчи ва бажарувчилардан иборат бўлади. Жиноят иштирокчиси сифатида ташкилотчи кўпинча ҳам бажарувчи, ҳам далолатчи вазифаларини бажариши мумкин.

Ушбу турдаги жиноятларни содир этадиган уюшган гуруҳ ташкилотчиси асосан жиноят содир этиладиган вақт, жой, бажарувчиларни ва улар бажарадиган ҳаракатларни олдиндан аниқлайди, шунингдек, жиноятни содир этиш режасини тузади ҳамда уни амалга оширишни ташкиллаштиради. Бундан ташқари, жиноят содир этилишини назорат қилади ва жиноят изларини, жиноят қуроллари, бажарувчилар ва жинорий йўл билан кўлга киритилган нарсаларни яшириш юзасидан маслаҳатлар бериши мумкин.

Автоулов хайдовчиларига нисбатан содир этиладиган босқинчилик ва талончилик жинояти иштирокчилари орасида ёрдамчиларни бажарадиган вазифасига кўра жиноятга тайёргарлик кўриш жараёнида дастлабки маълумотларни тўпловчи ёки маълумотлар билан

таъминлаб турувчи, жиноят содир этиш воситалари ёки қуроли билан таъминловчи, жиноят излари ва жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга кўмаклашувчи ҳамда жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олиш ва ўтказиш билан шуғулланувчи ёрдамчиларга бўлиш мумкин.

Бажарувчилар ҳам, одатда, бир нечта шахслардан ташкил топиб, уларнинг вазифалари ҳужум ва дўқ-пўписа қилиш, қўрқитиш, дўппослаш, тан жароҳати етказиш ва бошқа шу каби ҳаракатлардан, мол-мулкни эгаллаш ва белгиланган жойга етказишдан иборат бўлади.

Автоулов ҳайдовчиларига нисбатан содир этиладиган босқинчилик ва талончилик жиноятларининг криминалистик тавсифи жиноий тажовуз предмети, ҳолати, жабрланувчининг ҳуқуқи ва типологик сифатлари, жиноятни содир этиш усули ва механизми, изларнинг ҳосил бўлиш жараёни ва жойлашуви, жиноятчининг ўзига хос хусусияти ва бошқа ҳужумни етарлича тўлиқ тавсифловчи, аҳамиятли томонларининг мажмуидир.

Автоулов ҳайдовчиларига нисбатан босқинчилик ва талончилик жиноятлари криминалистик тавсифининг асосий элементлари таркибига қуйидагилар киради:

- бевосита жиноий тажовуз предмети (автоулов ва бошқа қимматбаҳо нарсалар);
- жиноятнинг содир этилиши ҳолати, вақти, жойи ва бошқа шароитлари;
- жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этиш усули;
- жиноий гуруҳ таркиби ва гуруҳ иштирокчиларининг тоифалари.

Бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан олиб борилган таҳлиллар бевосита жиноий тажовуз предмети асосан қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатади: нақд пуллар, уяли телефон, тилла қўл соатлар, заргарлик буюмлари, кийим-бош, транспорт воситалари ва бошқа буюмлар.

Автоулов ҳайдовчиларига нисбатан босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этиш усули қуйидагилар билан тавсифланади:

- автоулов ҳайдовчиларига босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этишга тайёргарлик кўриш: ўқотар ёки совуқ қуроли билан (ёхуд уларни ўрнига бошқа нарсаларни) олиш ёки тайёрлаш;
- ҳужум қилиш объектини танлаш (шахсий ёки ташкилот ҳайдовчилари; жой ва вақтни танлаш);
- ҳужум қилиш усули;

– жиноий гуруҳ иштирокчилари ўртасида ўзаро ролларини тақсимлаш ва ҳоказо.

Айрим ҳолатларда жиноятчилар автоулов ҳайдовчиларига нисбатан босқинчиликка тайёргарлик ва яшириниш йўналишини олдиндан пухта режалаштирадилар. Ҳужумни амалга ошириш асосий босқич бўлиб, унда жиноятчилар олдиндан тайёрланган жиноий режаларини амалга оширадилар, ҳужумни тугатгач, ҳар хил усулда жиноятни яширишга киришадилар. Масалан, очикдан-очик олинган автоуловни яшириш ёки йўқ қилиш (ёқиш, сувга ташлаш, тоққа ёки ерни қазиб яшириш, автоуловнинг давлат рақамини алмаштириш, уни бошқа рангга бўйаш, эҳтиёт қисмларга бўлиш кабилар) шулар жумласидан.

Жиноятчилар автоуловни сотиши, ичидаги қимматбаҳо буюмларни ўзлаштиришлари мумкин.

Суд ва тергов амалиёти таҳлили автоулов ҳайдовчиларига нисбатан босқинчилик ва талончилик жиноятларининг кўп тарқалган содир этиш усуллари сифатида қуйидагиларни ажратишга имкон беради:

1. Автоулов салонида жиноятчилар йўловчи сифатида кетаётиб тўсатдан ҳайдовчига ҳужум қилиши. Бундай ҳужум натижасида автоулов салонида жиноят содир этган шахсга тегишли ҳар хил излар қолади. Агар жиноят ўқотар қуролни қўллаш йўли билан содир этилган бўлса, автоуловда уни қўллашдан қолган излар (гильза, пиж), шунингдек, жабрланувчи қаршилик кўрсатган бўлса, автомашина салонида қўл, оёқ излари, қон, жиноятчилар томонидан йиртилган нарсалар ёки жиноят содир этиш қуролларини топиш мумкин. Автоулов ўриндиқларидан жиноятчиларнинг соч толалари ва бошқа майда микрообъектлар, сигарета қолдиқлари топилиши, атрофда оёқ излари, жиноят қуроллари қолган бўлиши мумкин.

Бу тоифадаги жиноятларда излар катта аҳамиятга эга, чунки жабрланувчи ҳамда гувоҳлар босқинчилик ва талончилик содир этган жиноятчиларни бевосита кўрган ва уларнинг алоҳида белгиларини эслаб қолган бўладилар.

2. Автоуловни тўхтатиш ёки унга ўтиришда жиноятчилар «йўловчи» сифатида олиб боришни илтимос қилиб, ҳайдовчига ҳужум қилиши. Ушбу усулни қўллашда ҳодиса жойида жиноятчиларнинг оёқ излари, сигарета қолдиқлари, агар жабрланувчи қаршилик кўрсатган бўлса, салонда ва автоулов атрофида жиноят қуроли, кийимнинг йиртилган бўлаклари, тугма ва шу каби бошқа нарсалар топилиши мумкин. Жиноятни содир этишнинг мазкур усулига олдиан тайёргарлик кўрилади. Автоуловдаги жиноят қурбонини жиноятчилар кутиб турган жойда ҳар хил излар қолади.

3. Йўлда, кўчада, турар жой ёки тўхташ жойларида ҳайдовчига бирор баҳона билан (савол бериш, қаерга кетаётганлиги сўраш) ёки билдирмаган ҳолда яқинлашиш. Агар жиноятчилар қўллари билан автоуловнинг устки қисмига теккан бўлса, унда бармоқ излари қолади. Жабрланувчига тан жароҳати етказилаётганда у томонидан қаршилиқ кўрсатилиши табиий ҳол. Шу боис, ҳодиса жойида соч толаси, кийим йиртилишидан қолган парчалар, чўнтакдан тушиб қолган нарсалар, қон қолдиқлари каби ашёвий далиллар топилиши мумкин.

4. Автоуловни аёл иштирокчи ёрдамида, баъзан ёш эмизикли боласи борлиги, ҳомиладорлигини намойиш қилиш билан тўхтатиб, ҳужум қилиш. Мазкур вазиятда ҳодиса жойида оёқ излари, ҳомиладорлиги ёки эмизикли ёш боласини намойиш қилган нарсалар, сигарета қолдиқлари, лаб буёғи каби бошқа нарса ва буюмлар қолиши мумкин.

Автоулов ҳайдовчиларига нисбатан содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятларини тергов қилиш жараёнида исботланиши лозим бўлган қуйидаги ҳолатлар аниқланиши талаб қилинади:

- 1) жиноятнинг содир этилган жойи ва вақти;
- 2) босқинчиликни ким содир этгани (ёши, ҳужум қилган кишининг касби, илгари у жинойий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлиги, агар тортилган бўлса жазони қаерда ўтаган, танишлари доираси, жинойий алоқалари ва ҳоказо);
- 3) гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларда ҳар бир иштирокчининг ўрни (роли);
- 4) жиноят содир этиш усули;
- 5) жиноятни яшириш ҳаракатлари;
- 6) жабрланувчига нисбатан қўлланилган зўрликнинг характери;
- 7) агар жиноятни содир этиш вақтида ўқотар ёки совуқ қурол ишлатилган бўлса, бу қурол кимга тегишли ва кимдан сотиб олинган ёки олиб қўйилган;
- 8) жабрланувчининг шахси, унга етказилган жисмоний ва моддий зарар миқдори;
- 9) айнан нима олиб кетилган ва бу нарса илгари кимга тегишли бўлган;
- 10) босқинчилик ва талончилик содир этишга шарт-шароит туғдирган ҳолатлар нималардан иборат ва ҳоказо.

3-боб. БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЧИШГА ҚАРАТИЛГАН ТЕРГОВ-ТЕЗКОР ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА БОШҚА СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳини ташкил қилиш, унинг фаолиятини режалаштириш ва ташкиллаштириш

Босқинчилик жинояти изларини зудлик билан аниқлаш, қайд этиш ва тўплаш, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни топиш ва ушлаш ҳамда ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилишни таъминлашда тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса жойига ўз вақтида ва тўлиқ таркибда чиқиши алоҳида аҳамият касб этади. Амалиётда бир неча хил тергов-тезкор гуруҳлари фаолият кўрсатади.

Ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари қошидаги навбатчи тергов-тезкор гуруҳи жиноят ҳақидаги хабарларни зудлик билан текшириш учун ҳодиса содир бўлган жойга чиқиб, жиноятларни «иссиқ изидан» фош этишда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишини таъминлаш мақсадида терговчи, тезкор ходим, профилактика инспектори, эксперт-криминалист ҳамда кинологдан ташкил топади.

Навбатчи тергов-тезкор гуруҳи таркиби (сони)ни, уларнинг иш ва дам олиш вақтини ИИБ бошлиқлари идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаби асосида, юзага келган тезкор вазиятдан келиб чиқиб белгилайди.

ИИБ раҳбариятидан масъул раҳбарлар содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳамда раҳбарият кўрсатмаси бўйича бошқа жиноятлар бўйича сутка давомида шахсан ҳодиса жойига чиқишлари талаб этилади.

Мақсадли (вақтинчалик) тергов-тезкор гуруҳи аниқ жиноят ишини тергов қилиш ва фош этиш учун тузилади.

Ихтисослашган (доимий ҳаракатдаги), тезкор-тергов гуруҳи маълум бир турдаги (шахсининг ҳаёти ва соғлиғига қарши, иқтисодий) жиноятлар содир этилиб очилмаган, жиноятни содир этган шахс номаълум бўлганда ушбу жиноятларни тергов қилиш ва фош этиш учун тузилади. Мазкур тергов-тезкор гуруҳига, идоралараро келишувга кўра, ИИБ, МХХ, ФВВ, Божхона хизмати, СВОЖҚК ходимларидан ҳам тегишли мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳини ташкил қилиш ва унинг фаолият кўрсатиши ҳақидаги қарор бошқарувнинг турли даражаларидаги ички ишлар органлари раҳбарларининг буйруқлари билан расмийлаштирилади. Босқинчилик жиноятларини тергов қилиш ва фош этиш бўйича тергов-тезкор гуруҳи ИИБ бошлиғининг буйруғи асосида ташкил этилади.

Тергов-тезкор гуруҳига терговчи раҳбарлик қилади. Тергов-тезкор гуруҳи таркибига киритилган ходимларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил қилишга ИИОлари бошлиқлари ва уларнинг тезкор ишлар ва тергов бўйича ўринбосарлари, тергов, ЭКБ бошлиқлари масъул ҳисобланади.

Тергов-тезкор гуруҳлари таркиби ва сони содир этилган жиноятнинг ўзига хос томонлари, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳамда тезкор-қидирув, илмий-техникавий ва ташкилий фаолиятнинг ҳажми, хусусияти ва мураккаблигига боғлиқ бўлади. Агар жиноятни содир этишда жиноятчилар автотранспорт воситаларидан фойдаланганликлари маълум бўлса, дастлабки маълумотлар асосида тергов-тезкор гуруҳи таркибига ЙХХ ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳига янги аъзоларни жалб қилиш ҳамда таркибидаги аъзоларни алмаштириш фақатгина жиноят ишини юритаётган тергов-тезкор гуруҳи раҳбарнинг қарори асосида амалга оширилиши лозим.

Тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг самарали фаолият олиб боришида терговчининг ташкилий-бошқарув хусусиятига эга энг мақбул қарорлар ишлаб чиқиши ва қабул қилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Тергов-тезкор гуруҳи раҳбари терговнинг йўналиши ва боришини белгилайди, уни режалаштиради, гуруҳ иштирокчилари ўртасида ишни тақсимлайди ва уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради, ахборот алмашувини ташкил қилади, ишга алоқадор тезкор маълумотлар билан танишади, гуруҳнинг манфаатдор аъзолари билан уларни легаллаштириш ва ишлатиш имкониятларини муҳокама қилади, топшириқ, кўрсатма ва фармойишларнинг ижросини назорат қилади.

Албатта, терговчи тезкор ходим ҳамда бошқа мутахассислардан муайян ғоя ва таклифлар олади, уларнинг фикрларини тинглайди, тегишли қарорлар ишлаб чиқишда уларни инобатга олади.

Жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда аксарият ҳолларда етарли вақт, зарур ахборот ва уни тезда олиш имконининг йўқлиги, вазиятнинг ноаниқлиги, кўп ҳолларда экстремаллиги тергов-тезкор

гуруҳи раҳбарининг қарор қабул қилишда фақат ўз индивидуал хислатларига таянишининг асосий сабабларидир. Шу боис, гуруҳ фаолияти самарадорлигида терговчининг шахси катта роль ўйнайди.

Тергов-тезкор гуруҳларининг самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан мазкур гуруҳ ўз фаолиятини аниқ режалар асосида амалга оширишига ҳам боғлиқ.

Режалаштириш деганда, тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг келгусида биргаликдаги фаолияти учун мақсад ва вазифаларни, уларга эришиш усул ва воситаларини, уларни ҳал қилиш кетма-кетлиги ва бажариш муддатларини белгилаш борасидаги фикрий фаолиятини тушуниш лозим.

Режа бандлари тузилаётганда гуруҳ аъзолари томонидан бажариладиган иш ҳажми, муддати ва ижро этиш механизми, хизмат вазифаларининг ўзига хослиги ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Бу режада қуйидагилар акс этиши керак:

1) содир этилган босқинчилик ва талончилик ҳақидаги объектив ахборот;

2) тергов ва тезкор-қидирув тусмолларининг баёни;

3) ҳар бир тусмол бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар рўйхати;

4) ушбу ҳолатлар аниқланиши ёки текширилишида ёрдам берадиган зарур тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларининг рўйхати ҳамда ўтказилиш тартиби;

5) терговчи амалга оширадиган тергов ҳаракатлари рўйхати;

6) тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш орқали аниқланиши лозим бўлган ҳолатларнинг баёни (тезкор-қидирув тадбирларининг номи ва ўтказилиш тартиби ва тактикаси мазкур режада кўрсатилмайди);

7) ижро муддатлари, жумладан оралиқ ижро муддатлари: ахборот алмашуви, режага (зарур бўлганида) тузатиш киритиш;

8) режанинг ҳар бир банди бўйича ижрочилар рўйхати.

Ўтказилиши жиноятга алоқадор шахсларга маълум бўлиб қолиши мумкин бўлган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини режалаштираётганда терговчи ва тезкор ходим бундай ҳаракатларни тайёрлаш ва ўтказиш билан бир вақтда, мазкур шахсларнинг ушбу ҳаракатларга жавоб чораларидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш имкониятларини ўйлаб кўришлари керак.

Бунда тергов сирини сақлаб қолиш, тезкор маълумотларнинг чиқиб кетишига йўл қўймаслик муҳим, чунки терговга қаршилик кўрсатаётган шахслар бундан манфаатдор бўлишлари мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирлари тезкор ходим томонидан режалаштирилади ҳамда амалдаги идоравий-норматив хужжатлар талаби асосида терговчи билан келишиб олинади. Режалаштирилаётган тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг жойи, вақти, тугатиш муддатлари, иштирокчилари бўйича келишиб олишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади.

Ҳамкорликда тузилган режа тергов бўлинмаси ва тегишли тезкор хизмат раҳбари томонидан тасдиқланади.

Терговнинг дастлабки босқичини келишиб олиш ва унга ўз вақтида тузатиш киритиш айниқса муҳим, чунки жиноятни «иссиғида» очишнинг муваффақияти, жиноятни содир этган шахсни аниқлаш ва қидириб топиш, жиноят иши бўйича ашёвий далилларни қидириш ана шунга боғлиқ.

Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини режалаштириш орқали қуйидагиларга эришилади:

- мақсадни тўғри қўйиш ва унга эришиш бўйича вазифаларни белгилаш;

- юзага келган тезкор вазиятни комплекс таҳлил қилиш;

- воқеалар ривожини илмий асосда башорат қилиш, тезкор-қидирув ва тергов тусмолларини илгари суриш ва асослаш;

- истиқболли ва жорий мақсадларга эришишда режалаштирилаётган тадбирларни бажаришнинг реал имкониятларини ҳисобга олиш;

- тергов ҳаракатлари ҳамда исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш борасидаги тезкор-қидирув тадбирларини уйғунлаштириш (қўшиб олиб бориш).

Тергов-тезкор гуруҳининг фаолиятини ташкил этишга доир режаларга заруратга кўра турли ўзгартишлар киритиб борилиши мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳи фаолияти кунлик йиғилишда муҳокама қилиниб, амалга оширилган ишлар ҳисоботи эшитилади, қўшимча равишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳамда амалга оширилдиган чора-тадбирлар белгилаб олинади. Тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини таҳлил қилиш ва гуруҳ аъзолари ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш, маълумотларни гуруҳнинг бошқа аъзоларига ўз вақтида етказиш бир-бирларини такрорлашнинг олдини олади.

Тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса жойидаги фаолиятига нисбатан ҳаракатлар алгоритми ахборотни ҳосил қилиш, тўплаш, топшириш, гуруҳ иштирокчилари – терговчилар, тезкор-ходимлар, профилактика инспекторлари, эксперт-криминалистлар ва бошқа мутахассисларнинг хизмат вазифалари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда

таҳлил қилиш жараёнларини тизимли равишда кўриб чиқишдан келиб чиқиб тузилиши мумкин.

Бундай тизимли модел мазмунига қуйидагиларни киритиш мумкин: содир этилган жиноят бўйича юзага келган тезкор вазиятнинг умумий баҳоланиши, гуруҳ аъзолари учун аниқ вазифаларнинг белгиланиши, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш (сўров ўтказиш), махсус хабарнома (ориентировкалар) тузиш, жиноятчи шахсни «иссиқ изи» дан таъқиб қилиш **учун гуруҳларнинг** куч ва воситаларини ишга солиш, изларни топиш, сақлаб қолиш ва олиб қўйиш, субъектив портретлар тузиш, ҳисоблар (курол, излар ҳисоблари) бўйича текширувлар ўтказиш ва ҳоказо.

Бундай моделнинг элементларида жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини аниқлашга имкон берувчи далилларни олишга қаратилган тергов ҳаракатлари ҳамда далилий ахборот манбаларини аниқлаш, гумон қилинаётган шахсни топиш ва ушлаш бўйича тезкор қидирув тадбирлари ўтказиш чоғида ҳамкорлик субъектлари ҳаракатларини келишиб олишлари мумкинлиги назарда тутилиши керак.

Жиноятни «иссиқ изи» дан фош этишда ҳодиса жойида олинган дастлабки тезкор маълумотлар қисқа вақтда, асосан криминалистик, тезкор-қидирув ва автоматлаштирилган тезкор маълумотлар базаси ҳисоблари бўйича қайта ишланиши жуда муҳим.

Мавжуд тезкор ва криминалистик маълумотлар массиви: «Досье» (рецидивистлар, гастролёрлар, жиноий муҳит обрўмандлари), «АСИЛ», «АДИТ СОНДА», «Рақамли буюмлар», «Техпаспорт» ва бошқаларда автоматлашган ахборот-излов тизимлари (ААИТ) жамланган бўлади. Улардан тўғри ва тез фойдаланилса, жиноятларни «иссиғида» очишни ташкил қилишга кўмаклашишда катта имкониятлар юзага келади.

Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, бундай текширув кўпинча тергов-тезкор гуруҳи ички ишлар органига қайтганидан кейин амалга оширилади. Натижада мақсадли излов белгилаш, таъқиб этиш, тўсиб ушлаш махсус операцияларини ишга солишда жиддий кечикиш юз беради. Бу эса одатда жиноятларни очиш ва тергов қилишда салбий натижаларга олиб келади.

Шу боис босқинчилик ва талончилик жиноятларини фош этиш учун тузиладиган тергов-тезкор гуруҳи таркибига Ахборот маркази ходимларини ҳам жалб қилиш масаласини ўйлаб кўриш лозим.

Бугунги кунда амалиётда жиноятчиларни «иссиқ изидан» таъқиб қилишда марҳум ёки жабрланувчининг шахсини тўлиқ ўрганиш,

уларнинг яқин алоқалари ҳамда айнан жиноят содир этилган вақтда қаерда бўлганлигини аниқлаш мақсадида уяли алоқа операторларининг тегишли махсус дастурлари имкониятларидан фойдаланиш ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Шу сабабли, терговчининг тегишли қарори асосида мазкур мутахассисларнинг ҳам тезкор-тергов гуруҳи таркибига мутахассис сифатида жалб этилиши мақсадга мувофиқдир. Юқорида қайд этилган мутахассисларнинг айнан ҳодиса жойига чиқишлари ёки тергов-тезкор гуруҳи штабида доимий ҳозир бўлишлари талаб этилмайди. Фақат зарурат бўлганда ортиқча расмиятчиликларсиз керакли маълумотларни қисқа муддат ичида олиш, кўриш, ишлов бериш имкониятини яратади.

2-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида терговчининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги

Босқинчилик жиноятини фош этишда терговчининг ҳаракатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

– жиноят содир этган шахслар бўйича тусмоллар тузиб, уларни текшириш ва жиноятни фош этишга қаратилган ҳаракатларни режалаштириш;

– жиноятни фош этиш бўйича тузилган тезкор-тергов гуруҳи аъзоларининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш (ёзма топшириқлар бериш орқали);

– иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш мақсадида зарур тергов ҳаракатларини ўтказиш.

Бу вазифаларни лозим даражада бажариш учун терговга қадар текширув сифатли ўтказилган бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ўтказилган терговга қадар текширув натижасида босқинчилик ва талончилик белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар (зўрлик ишлатиб, кўрқитиб, дўппослаб ва жабрланувчига тан жароҳатлари етказиб, уларни қийнаб ва қийноққа солиб содир этилган талон-тарож) аниқланса, зудлик билан жиноят ишини кўзғатиш лозим.

Жиноят ишини кўзғатиш масаласини ҳал этишда тезкорлик талаб этилади. Жиноят ишини кўзғатиш масаласини ҳал қилишни чўзиш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки жиноят содир этилган вазият ва уни содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларни

олиш имконияти кўлдан бой берилади, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш самарадорлиги, жиноятчиларни «иссиқ изларидан» кўлга олиш имконияти камаяди ва бошқалар. Амалиётнинг кўрсатишича, бевосита хужум содир этилганидан сўнг жабрланувчилар ҳам, гувоҳлар ҳам терговга ёрдам беришга ҳаракат қилиб, жиноят тафсилотлари ҳақида барча маълумотларни батафсил гапириб берадилар. Маълум вақт ўтгандан кейин эса, жиноятчиларнинг қасосидан чўчиб ёки терговчининг сусти ёхуд кам самарали ҳаракатларидан норози бўлиб, айрим фактларни бузиб, жиноятчиларни айбини камайтириб кўрсатишни бошлайдилар, терговчининг олдига истар-истамас келадилар ёки умуман келмайдилар.

Терговчи жиноят ишини қўзғатганидан кейин тузган тусмолларни тергов-тезкор режасида акс эттириб, уларни текшириш бўйича ТТГ аъзоларининг вазифаларини белгилаб бериши лозим. Ушбу вазифаларни суриштирув органлари томонидан қай тарзда бажарилишини эса ЖПКнинг 347-моддасига асосан берадиган ёзма топшириқларида кўрсатади.

Терговчи ўзининг барча топшириқлари, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органи бошлиғи орқали юборади.

Жабрланувчи ва гумон қилинувчини гувоҳлантириши. Босқинчилик жиноят бўйича гувоҳлантириш жабрланувчининг тажовуз натижасида ёки жиноятчиларга қаршилик кўрсатиш жараёнида олган жароҳатларини ҳамда бошқа муҳим белгиларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Жабрланувчи гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг танасида жиноят содир этилган вақтда кўрсатган қаршилиги оқибатида жароҳатлар қолган бўлиши мумкин ёки бармоқларнинг йўқлиги, тиртиқлар, татуировкалар, тирналган жойлар, моматалоқ каби махсус белгиларнинг мавжудлиги ҳақида берган кўрсатувларини гувоҳлантириш ўтказиш орқали текшириш зарурати вужудга келади.

Одам танасида жиноят излари, одатда, жароҳат (яра), шилиниш, тирналиш, қонталаш, юлинган сочлар, доғ, қон излари ва хоказолар кўринишида қолади.

Жабрланувчиларни гувоҳлантириш ва уларнинг кийимларини кўздан кечириш ўзига хос хусусиятга эга эмас ҳамда умумий қоидаларга асосан амалга оширилади.

Терговчида жиноят содир этилган пайтда гумон қилинувчининг танасида жароҳатлар юзага келган бўлиши мумкинлиги тўғрисида ёки жиноят жойида у талон-торож қилган буюмларнинг қолдиқлари

ёхуд махсус белгилари мавжудлиги тўғрисида тахминлар пайдо бўлса, ушлаб турилган шахсни гувоҳлантириши мумкин.

Гувоҳлантириш баённомасида қуйидаги белгилар ўз аксини топиши лозим: шикаст (жароҳат, чандик, тиртиқ)нинг номи, туғма доғ, хол, татуировка ва ҳоказо; жойлашган жойи; миқдори; шакли; ҳажми; жароҳат чети ва пўстининг ҳолати; жароҳат атрофидаги тери қатламининг ҳолати.

Жабрланувчи ва гувоҳ (шоҳид)ни сўроқ қилиш. Босқинчилик жинояти, одатда, ошкора содир этилади. Шу боис, жабрланувчилар, баъзида гувоҳ (шоҳид)лар нафақат содир этилган жиноят ҳолатлари, балки уни содир этган шахслар ҳақида маълумотларни ҳам бериши мумкин.

Жабрланувчилар ва гувоҳ (шоҳид)ларни ўз вақтида сўроқ қилиш тергов йўналишини аниқлайдиган асосий тергов ҳаракати ҳисобланади. Шунинг учун жиноят содир этилган жой кўздан кечирилганидан сўнг имкон қадар тезлик билан мазкур шахсларни тергов қилиш зарур. Агар шундай қилинмаса, унутиш натижасида хотирадаги содир этилган ҳодисанинг муҳим тафсилотлари йўқолиши мумкин. Жабрланувчи ва гувоҳ манфаатдор шахсларнинг таъсири ва босими остига тушиб қолиши эҳтимоли ортади ва ҳоказо.

Ўз вақтида олиб борилган сўроқ терговни «иссиқ излар» бўйича ташкил қилишга, бу эса жиноятчиларнинг ташқи кўринишини аниқлаш, уларни қўлга олишни ташкиллаштириш, олиб кетилган буюмларнинг белгиларини аниқлаб олиб, уларни ўтказиш каналларини ёпиш, манфаатдор шахсларнинг жабрланувчига ўтказиши мумкин бўлган таъсирини чеклаш (таҳдид қилиш, қўрқитиш, сотиб олиш, ёлғон кўрсатув беришга кўндириш ва ҳоказолар орқали), тажовуз тафсилотларини хотирадан чиқишининг олдини олишга имкон беради.

Агар жабрланувчига жиноят натижасида ҳаёти учун хавfli бўлган оғир шикаст етказилса, бу шахсдан умуман кўрсатув олиб бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун оғир аҳволдаги жабрланувчини сўроқ қилиш фақат шифокор рухсати ва унинг иштирокида амалга оширилишини эсан чиқармаслик керак. Жабрланувчини сўроқ қилаётганда овоз ёзиб олувчи воситани қўллаш лозим. Бу талабларга етарли даражада эътибор бермаслик жабрланувчининг ўлими ёки тергов учун муҳим фактларни адаштириб юбориши сабабли зарур маълумотларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади.

Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида жиноят содир этиш вазияти ва жиноятчиларнинг ташқи кўриниш ва кийимлари,

олиб кетилган қимматбаҳо нарсаларнинг тавсифи, белгилари ва миқдори, жиноят содир этилишига олиб келган ҳолатлар тўғрисида маълумот олиш зарур.

Жабрланувчи ва гувоҳ (шоҳид)ларни сўроқ қилаётганда тергов қилинаётган ҳодисанинг шароити ва ҳолатини билиш учун қуйидагилар аниқланиши лозим:

- жиноят содир этилган жойнинг аниқ манзили, унинг хусусияти;
- жиноят содир этилган вақт (сана ва аниқ вақти);
- жиноят содир этилган вақтда хонада бўлган шахслар;
- жиноятчиларнинг хонага кириш усули;
- уларнинг дастлабки ҳаракатларининг тавсифи;
- жиноят содир этган шахслар сони;
- жиноятчилар томонидан содир этилган зўрлик ишлатиш ёки кўрқитиш ҳаракатларининг тавсифи;
- амалга оширилган зўрликнинг кетма-кетлиги;
- жиноятчиларнинг қуролланганлиги, қурол турлари;
- жиноятчилар қурол ёки бошқа асбоблар қўллаган-қўлламаганлиги ва уни қўллаш натижасида қандай оқибатлар келиб чиққанлиги;
- жабрланувчи, гувоҳ (шоҳид)нинг жиноят содир этилган вақтдаги хулқ-атвори (ёрдамга чақирган, ҳодиса жойини тарк этишга уринган, бақирган), руҳий ҳолати;
- жабрланувчининг қаршилиқ кўрсатиши, унинг тавсифи;
- жиноят содир этилган вақтда турар жойда бўлган ўзга шахсларнинг хулқ-атвори, уларга нисбатан зўрлик ишлатилган-ишлатилмаганлиги; агар ишлатилган бўлса, улар нимада намоён бўлгани;
- ТТГ етиб келгунига қадар ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолатга ўзгартиришлар киритилганми, агар шундай бўлса, нима мақсадда ва қандай ўзгартирилгани;
- жабрланувчи ёки гувоҳнинг фикрича, содир этилган жиноятни ким кўриши ёки эшитиши мумкинлиги;
- жабрланувчи бўлган воқеа ҳақида кимга хабар қилган ёки сўзлаб берган, агар бундай қилмаган бўлса, нима сабабдан ва ҳоказо.

Жиноятчиларни тавсифловчи маълумотларни олишда қуйидагилар аниқланиши лозим:

- жиноятчилардан ҳар бирининг кийими ва ташқи кўриниш белгилари;
- жабрланувчи жиноятчини таниб олиши мумкинми;
- жиноятчиларнинг ўзаро мулоқот усули, исми, лақаби ва бошқалар;

- жиноятчиларнинг ўзаро мулоқотда жаргон сўзлари қўллаши;
- ҳодиса содир бўлган жойда жиноятчи қолдирган предмет ва излар;
- жабрланувчининг қаршилиқ кўрсатиши натижасида жиноятчининг кийими ёки баданида қолган шикаст ёки излар ҳақидаги маълумотлар;
- жиноятчилар яширинган йўналишлар;
- жиноятчилар фойдаланган транспорт воситаси, унинг тури, маркаси, ранги ва давлат рўйхатидан ўтган рақами.

Сўроқ ўтказишда талон-торож қилинган мулкнинг миқдори ва хусусиятига алоҳида эътибор бериш тавсия қилинади. Бунда қуйидагилар аниқланиши лозим:

- талон-торож қилинган мулк ёки қимматбаҳо нарсаларнинг тури;
- ҳар бир ашёнинг алоҳида белгилари, унинг нархи, эскирганлик даражаси ёки амортизацияси;
- нарсаларда техник паспортлар ёки уларнинг серия рақамлари қайдининг мавжудлиги;
- талон-торож қилинган мулкнинг турган жойи (кўринадиган ёки яширин жойда);
- яширинган жойни аниқлаш усули: жабрланувчини кўрқитиб ёки зўрлик билан жойни кўрсатишга мажбур қилиш;
- яширин жой ва у ердаги қимматбаҳо нарсалар ҳақида биладиган субъектлар доираси;
- талон-торож қилинган мулк эгаси (жабрланувчи, бошқа шахслар, муассаса ёки ташкилот);
- талон-торож қилинган мулкни қандай белгилар бўйича таниб олиш мумкинлиги, уларнинг батафсил белгилари;
- асосий нарсалар билан бирга, бошқа аҳамиятсиз, лекин ёрқин, рангли предметларнинг (занжирлар, зажигалка, ён дафтар, шапка ва бошқалар) мавжудлиги, бу эса, ўз навбатида, жиноятга вояга етмаганларнинг алоқадорлик тусмолини ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Жабрланувчини сўроқ қилиш давомида унинг босқинчилик ва талончилик ҳужуми содир этилган вақтдаги ҳамда ундан кейинги руҳий ҳолатини ўрганиш лозим. Улар кўп ҳолларда кўрқув остида ихтиёрий тарзда иккиланадилар ва бунинг оқибатида бўлиб ўтган ҳодисани сезиларли даражада бўрттириб ёритадилар.

Масалан, 2017 йил 25 февралдан 26 февралга ўтар кечаси соат тахминан 02:00ларда номаълум шахслар ўзганинг мол-мулкани босқинчилик ва талончилик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Тошкент шаҳар Олмазор туманида яшовчи фуқаро С.А. нинг яшаш

хонадонига гайриқонуний равишда киришиб, зўрлик ишлатиб, унинг 23 млн. сўмлик мол-мулкни босқинчилик ва талончилик йўли билан талон-торож қилишиб, воқеа жойидан яширинган.

Мазкур жиноятни фош этиш билан боғлиқ олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида гумон қилинувчилар томонидан уяли алоқа воситаларидан фойдаланилган бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда терговчи томонидан тегишли уяли алоқа компанияларига пеленгация рўйхатини олиш мақсадида йўлланган сўров хатларига жавобан олинган телефон сўзлашувлари рўйхати асосида фуқаро Х.М. ва бошқалар аниқланган. Уларни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, кўрсатувлари асосида тегишли манзилларда ўтказилган кечиктириб бўлмас тинтув тергов ҳаракатлари натижасида у ва бошқалар мазкур жиноятни содир этишига аниқланган.

Босқинчилик жиноятларини тергов қилишнинг бирламчи тергов ҳаракатларини ўтказиш босқичини тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш билан яқунлаш даркор. Аниқланган вазиятдан келиб чиқиб, терговнинг кейинги босқичида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ва амалга оширилиши зарур бўлган тергов ҳаракатларини белгилаш тақозо этилади.

3-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида тезкор ходимнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги

Босқинчилик жинояти дастлабки тезкор суриштирув ишлари натижасида фош этилмаса, шаҳар, туман ИИБ бошлиғининг «Содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятини фош этиш юзасидан тергов-тезкор гуруҳи таркибини тузиш ҳақида»ги буйруғи ишлаб чиқилади. Мазкур буйруққа асосан жиноятни фош этиш бўйича гуруҳ таркибига ТБ, ЖҚ ва УЖҚКБ, ҲООБ ва бошқа соҳавий хизматларидан кўп йиллик амалий тажрибага эга ходимлар киритилади.

Содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятини фош қилиш бўйича ўтказилган дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари давомида жиноят «иссиқ изидан» очилмаса, тезкор ходим тегишли йиғмажилдни юритади ва жиноятни очиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Мазкур режа ИИБ ёки ТИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятларини фош этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қуйидаги уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Жиноят изларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмас тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари.

2. Босқинчилик содир этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш ва уларни текшириш бўйича чора-тадбирлар.

3. Жиноят содир этган шахсларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатлари.

Йиғилган маълумотлар таҳлили асосида жиноятни очиш бўйича режа тузилади ва ушбу режани тузишда жиноятчиларнинг ташқи белгилари тўғрисидаги маълумотлар, ходиса содир бўлган жойда аниқланган излар, мазкур жиноятни содир этишга мойил шахслар ва бошқа ашёвий далилларнинг тадқиқ қилиш натижалари жиноятга алоқадор шахсларни аниқлаш учун ҳисобга олиниб, улар асосида тегишли тусмоллар ишлаб чиқилади ва уларни текшириш бўйича умумий чора-тадбирлар белгиланади. Тусмолларни текшириш бўйича қуйидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш зарур:

1) жиноят тафсилотлари тўлиқ кўрсатилган хабарномаларни навбатчилик қисмлари орқали барча шахар ва туман ИИБларга юборилишини таъминлаш;

2) жабрланувчининг яқин ва бошқа алоқаларини текшириш;

3) жабрланувчининг телефон аппаратидаги охириги қўнғироқлар рўйхатини текшириш;

4) воқеа содир бўлган жойининг чизмасини ишлаб чиқиб, шу асосда суриштирув, сўров ўтказиш;

5) ходиса жойидан аниқланган бармоқ изларини (АДИС-СОНДА ва ПАПИЛОН) текшириш;

6) жиноят содир қилган шахсни гапириш оҳанги, шеваси, алоҳида кўзга ташланадиган белгиларини аниқлаш ва шу бўйича ишни ташкил этиш;

7) агар ходиса жойига яқин атрофда жойлашган камералар бўлса, уларни текшириш;

8) жиноят содир бўлган ҳудудга яқин жойда яшовчи спорт билан шуғулланадиган жиноят содир қилишга мойил шахсларни аниқлаш ва уларнинг алибисини текшириш;

9) бошқа вилоят ва ҳудудлардан келиб ишлаб юрган шахсларни тезкор йўллар орқали текшириш;

10) ушбу ҳудудга яқин атрофда киракашлик билан шуғулланувчи ва улар турадиган жойлардаги (питак) ҳайдовчилар орасида тезкор суриштирув ишларини олиб бориш;

11) содир этилган босқинчилик ва талончилик жинояти натижа-сида олиб кетилган моддий бойликларнинг хусусиятларидан келиб

чиқиб, уларни сақланиш ва сотилиш жойларини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш;

12) шаҳар (туман) ҳудудида мавжуд профилактик наркологик ва руҳий асаб касалликлар диспансерлари ҳисобида турувчи шахслар рўйхатини тузиш ва ушбу шахсларнинг жиноятга алоқадорлигини текшириш;

13) шаҳар (туман) ҳудудида истиқомат қилувчи хавфли ва ўта хавфли рецидивист сифатида ҳисобга олинган шахсларни рўйхатини тузиш ва уларнинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш;

14) шаҳар (туман) ҳудудида яшовчи тезкор қизиқиш уйғотувчи ва жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва уларнинг жиноятга алоқасини текшириш;

15) очилмай қолган босқинчилик ва талончилик жиноятлари бўйича ҳаракатда бўлган ёки архивда сақланаётган тегишли ҳисоб йиғмажилдларини ўрганиш;

16) тезкор ҳисоблар бўйича ўтаётган шахсларнинг «алиби»сини текшириш;

17) ушбу жиноятни фош этиш мақсадида профилактика инспекторларига топшириқлар бериш;

18) ЖК ва УЖҚКБ махсус кучлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадида уларга топшириқлар бериш;

19) ИИББ, ИИБларга қарашли ВСХ ва реабилитация марказларига у ерда сақланаётган шахслар орасида тезкор суриштирув ишларини ўтказиш бўйича топшириқлар бериш.

20) ЖИЭББ қарашли тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларни тезкор қамровга олиш бўйича топшириқлар бериш.

Тезкор ходимнинг ҳаракатлари аниқ, мақсадга мувофиқ ва тезкор бўлиши лозим. Шу билан бирга, у имкони борича босқинчилик ва талончилик жинояти билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш учун юқори даражага эга иш ҳажмини бажариб, жиноятчилар қидирувини ташкил этиши, далилий аҳамиятли маълумотларга эга шахсларни аниқлаши лозим, чунки вақт ўтиши билан бу маълумотларнинг йўқолиб кетиш хавфи ортади.

Босқинчиликни содир этган жиноятчилар ва улар томонидан олиб кетилган нарсалар тўғрисида кўпроқ маълумот олиш зарур. Олинган оғзаки маълумотлар асосида мутахассислар ёрдамидан (рас-сом, эксперт-криминалист) фойдаланиб, зудлик билан гумонланувчи шахсларнинг фотороботини чиздириш керак.

Тезкор ходим босқинчилик ва талончилик жиноятини фош этиш бўйича кейинги босқичда қуйидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширади:

– жабрланувчи, гувоҳ ва шоҳидлар билан жиноятнинг барча тафсилотлари ҳамда дастлабки босқичда олинган маълумотлар асосида қайтадан батафсил сўров тезкор тадбирини ўтказиб, улардан тегишли тартибда тушунтириш хатларини олиш;

– барча шахсий таркибга содир этилган босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича маълумотларни етказиш ҳамда уларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда маълумотлар тўплашни амалга ошириш;

– барча қўшни шаҳар, туман, вилоят ИИБларга, ЖИЭМларга, тергов ҳибсхоналарига, реабилитация марказларига, метрополитен ИИБга жиноятнинг тўлиқ тафсилоти кўрсатилган хабарномалар жўнатиш ва улардан амалий ёрдамлари асосида қўшимча маълумотлар тўплаш;

– муқаддам босқинчилик ва талончилик жиноятларини содир этган шахсларнинг рўйхатларини олиш ҳамда улар бўйича маълумотлар тўплаш тадбирларини ўтказиш;

– муқаддам босқинчилик ва талончилик бўйича судланган ҳамда жиноят содир этилганда озодликда юрган шахслар билан жиноят содир этилган вақтда нима ишлар билан машғул бўлганлигини аниқлаш мақсадида сўров ўтказиш ва улардан олинган ахборотларни тезкор йўллар билан текшириш тадбирини амалга ошириш;

– муқаддам босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этиб судланган шахслар орасида шубҳали ҳаракатларни амалга ошираётганлари аниқланса, уларга нисбатан тезкор кузатув тадбирларини амалга ошириш;

– босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этган шахснинг фотороботи тузилганидан кейин уни аниқлаш, қидириб топиш ҳамда жинойий фаолиятини фош этиш мақсадида жиноят содир этилган жойда, унга яқин ҳудудларда, жиноят содир этилиши мумкин бўлган бошқа жойларда шахснинг айнанлигини аниқлаш, маълумотлар тўплаш ҳамда сўров тезкор-қидирув тадбирларини доимий равишда шахсий изкуварлик орқали ўтказиш;

– жиноят содир этган шахсни аниқлаш бўйича тегишли ёрдамчи кучларга топшириқлар бериш ва уларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбирларни давом эттириш;

– жиноят содир этишда фойдаланилган транспорт воситаси кимга тегишлилиги аниқланган ҳолларда транспорт воситасининг эгаси яшаш жойини аниқлаш тадбирини амалга ошириш;

– транспорт воситаси эгасининг аниқ турар манзили аниқланса, уни қидириб топиш ҳамда жиноят содир этилган вақтда нима ишлар билан банд бўлганлигини аниқлаш мақсадида сўров тадбирини амалга ошириш;

– жиноят содир этилган вақтда транспорт воситасини бошқарган шахс ҳақида маълумотлар олинса, уни қидириб топиш, ИИБга олиб келиб шахснинг айнанлигини аниқлаш мақсадида сўров тадбирларини ўтказиш;

– сўров давомида ушбу шахснинг шубҳали ҳаракатлари аниқланса, аммо содир этилган жиноятга алоқадорлиги бўйича етарли далиллар мавжуд бўлмаса, унга нисбатан тезкор кузатув тадбирини ўтказиш;

– босқинчилик ва талончилик жинояти содир этилган вақтда жиноят жойида бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида уяли алоқа компаниялари имкониятидан фойдаланган ҳолда маълумотлар тўплаш тадбирини ўтказиш;

– уяли алоқа компанияларидан олинган маълумотлар асосида шубҳали шахсларни аниқлаш ҳамда улар бўйича маълумотлар тўплаш тадбирини ўтказиш;

– босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этган шахснинг телефон рақами аниқланса, уяли алоқа компаниялари имкониятидан фойдаланган ҳолда маълумотлар тўплаш тадбирини ўтказиш;

– уяли алоқа компанияларидан шахс тўғрисидаги маълумотлар олингандан сўнг унинг яшаш жойини аниқлаш тадбирларини олиб бориш;

– шахс тўғрисида тўлиқ маълумот тўпланганда жабрланувчи, гувоҳ ва шаҳидлар билан шахснинг айнанлигини аниқлаш тадбирларини ўтказиш;

– шахснинг аниқ турар жойи аниқлангандан сўнг турар жойида сўров, маълумотлар тўплаш, тезкор кузатув ҳамда шахснинг айнанлигини аниқлаш тадбирларини ўтказиш;

– босқинчилик ва талончилик жиноятининг содир этилиш вақти, жойи ҳамда усулидан келиб чиқиб, тезкор эксперимент тадбирини амалга ошириш;

– содир этилган босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича шубҳали шахс ёки шахслар аниқланганда тезкор киритиш тадбирини ўтказиш;

– содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятига алоқадор шахс маълум бўлса, унга нисбатан телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш тадбирини ўтказиш;

– босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этишда гумон қилинган шахсга нисбатан қиёсий текширув учун намуналар йиғиш ҳамда предмет ва ҳужжатларни текшириш тадбирини ўтказиш;

– босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этиш орқали олиб кетилган нарсалар сотилаётганлиги аниқланса, назорат остига олиш тадбирини ўтказиш;

– босқинчилик ва талончилик жиноятини фош этиш мақсадида жиноятга алоқадор шахснинг почта жўнатмалари, телеграф хабарлари ва бошқа хабарларни назорат қилиш бўйича тезкор тадбирларни ўтказиш;

– босқинчилик ва талончилик жинояти содир бўлган вақтдан бир соат олдин ва кейин (тезкор вазиятдан келиб чиқиб, маълум бир вақт танланиши мумкин) шу ҳудудда ишлаган телефонлар рақамларини уяли алоқа компанияларидан олиш ва улар ичидан жиноят содир этишга мойил шахсларга тегишлисини аниқлаш ҳамда ушбу шахснинг мазкур жиноятга алоқадорлигини текшириш;

– жамоатчилик имкониятларидан фойдаланиш.

Шуни эсда тутиш лозимки, жиноятларнинг кўпгина шохидлари ёхуд аҳамиятли маълумотларга эга бошқа шахслар, айрим сабабларга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан алоқа қилишдан қочиб, бундай маълумотларни сир сақлайдилар. Бу борада тезкор ходимлар сўров ўтказишнинг турли тактик усулларини тўғри ва малакали қўллашлари зарур.

Бунинг учун жиноят содир этилган ҳудудда яшайдиган, ушбу ҳудудни яхши биладиган, ҳудудда яшовчилар орасидан таниш-билишлари кўп махсус ходимларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Босқинчилик жиноятини очиш ишларга уларни жалб қилиш, имкониятларидан фойдаланиш кечиктириб бўлмайдиган тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишда вақт, куч сарфланишини анчагина камайтиради ҳамда бошқа йўллар билан олиш имкони бўлмаган ёки олиш қийин бўлган тезкор аҳамиятга эга маълумот олишни таъминлайди.

Босқинчилик жиноятларини очишда ички ишлар органларининг тезкор аппаратлари томонидан ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари билан бирга, соҳавий хизматлар ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган тезкор тадбирлар ҳам катта аҳамиятга эга.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган 16 та тезкор-қидирув тадбири ичида ўтказилиши махсус ҳисобланган тадбирлар ички ишлар органларининг тезкор аппарат ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари

ҳамкорлигида ўтказилиши ИИВнинг махсус норматив буйруқларида кўрсатилган. Ушбу тадбирларга:

- телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш;
- почта телеграф ва бошқа хабарларни назорат қилиш;
- алоқанинг техник каналаридан ахборотлар олиш тадбирлари киради.

Босқинчилик жиноятларини фош қилиш ва жиноят содир қилган шахсларни аниқлаш бўйича юқорида кўрсатилган тадбирларда прокуратура ва миллий хавфсизлик хизматлари билан ҳамкорлик тезкор аппарат ходимлари ва раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Тезкор ходимларнинг соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади.

- содир этилган босқинчилик ва талончилик жинояти билан барча таркибни таништириш ва уларга жиноят содир қилган шахсни аниқлаш бўйича топшириқлар бериш;

- босқинчилик ва талончилик жиноятини фош қилиш мақсадида эксперт криминалистика бўлимлари орқали жиноят изларини ўрганиш;

- жиноят содир этган шахсларнинг шаҳар-туман ёки муайян ҳудуддан чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган тўсиб ушлаш тадбирлари амалга ошириш;

- муқаддам шу ва шунга ўхшаш жиноятларни содир қилиб судланган шахсларни мазкур босқинчилик ва талончилик жиноятига алоқадорлигини ўрганиш;

- босқинчилик ва талончилик жиноятини содир қилган шахсни Ахборот марказининг махсус ҳисобларидан текшириш;

- жиноят содир қилишга мойил шахсларни аниқлаш ва уларни босқинчилик ва талончилик жиноятига алоқадорлигини аниқлаш;

- шахс муқаддам жазони ижро этиш муассасасида бўлган бўлса, унинг ўша вақтдаги жинойий шериклари ва феъл-атвори тўғрисида маълумотлар олиш;

- жиноят содир этганлиги тўғрисида асосли маълумотлар бўлганда шахсларни қўлга олиш.

4-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида профилактика инспекторининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги

Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида профилактика инспекторининг вазифалари:

– зудлик билан жиноят содир бўлган жойга маъмурий ҳудудда хизмат олиб бораётган бошқа хизмат ходимлари (ППХ ва ЖТСБ, ХЧК ва ФРБ, Қўриқлаш ва бошқалар), маҳалла посбони билан биргаликда етиб боради ва жиноят излари йўқолиб кетмаслиги чораларини кўради;

– тергов-тезкор гуруҳи (ТТГ) етиб келгунча жиноятга оид ашё ва далиллар, гувоҳлар ва жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахслар ҳақидаги маълумотларни тўплайди;

– ТТГ етиб келганда гуруҳ раҳбарига содир этилган ҳодиса ҳақида ахборот бериб, ўзи томонидан тўпланган жиноятга оид ашё ва далиллар, гувоҳ ва жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахслар ҳақидаги маълумотларни тақдим этади;

– ТТГга дастлабки тергов ишларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида суриштириш ишларини олиб боради, жиноятни «иссиқ изидан» очишда тергов-тезкор гуруҳига яқиндан ёрдам беради.

– жабрланувчи ва гувоҳлардан тушунтириш хатларини олиш ҳамда бошқа терговга оид ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатади;

– ТТГ раҳбарининг топшириғи асосан ҳодиса жойида текширув ўтказиш ва баённома тузиш жараёнини холислар билан таъминлашда ёрдам кўрсатади;

– ТТГ раҳбарининг топшириғи билан унга ҳудудда илгари босқинчилик ва талончилик жинояти содир этиб, профилактик ҳисобда турган шахслар рўйхатини тақдим этади ва улар билан суҳбатлашиб, жиноят содир бўлган вақтда қаерда бўлганликларини аниқлайди;

– дастлабки тергов ҳаракатлари тугагандан сўнг туман ИИБ бошлиғига ТТГ билан биргаликда амалга оширилган ишлар ҳақида билдирги билан ахборот беради.

Профилактика инспекторлари босқинчилик ва талончилик жиноятини очишда ички ишлар органларининг куйидаги соҳавий хизматлари ходимлари билан узлуксиз ҳамкорлик олиб боради:

– жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари;

– терговчилар;

– патруль-пост хизмати нарядлари ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари;

– йўл-патруль хизмати ходимлари;

– хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари;

– қўриқлаш хизмати ходимлари;

– ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари;

– озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлаш хизмати ходимлари;

– эксперт-криминалистика хизмати ходимлари.

Профилактика инспектори ва хизматга жалб этилган ички ишлар органларининг бошқа хизмат ходимлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун ҳудуддаги оператив вазиятни, аҳоли таркибини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши, профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи ва хулқ-атворини, ҳудуднинг хусусиятларини, транспорт воситаларининг ҳаракатини, дам олиш ва кўнгилочар масканларни, диний ва оммавий маросимлар ўтказиладиган жойларни, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг товар-моддий бойликлари сақланадиган омборларини, ғазналарнинг жойлашиши, техник жиҳатдан ҳимояланганлиги ва қўриқланиш тартибини ва мазкур ҳудудни таърифловчи бошқа барча маълумотларни билишлари зарур.

Ҳамкорликка киришишда профилактика (катта) инспектори хизматга жалб қилинган ходимларга ишнинг моҳиятини тушунтиради, хизмат ҳудудидаги тезкор вазиятнинг хусусиятлари, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган шахсларнинг яшаш жойлари, қидирувдаги жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларнинг белгилари, ички ишлар органларини қизиқтирувчи барча шахслар ва маълумотлар тўғрисида, олиб кетилган нарсалар ва уларни сотиш ёки ўтказиш мумкин бўлган жойлар, шунингдек, чет эл фуқаролари келиши ва жойлашиши, турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли кўпроқ бўлган жойлар ва вақт ҳақида аниқ маълумот бериб, йўл-йўриқ кўрсатади. Хизмат давомида ҳар бир ходим профилактика инспектори билан доимий алоқада бўлиб туради. Ички ишлар органлари таянч пунктига ҳамкорликда хизмат олиб бориш учун келган бошқа хизмат ходимлари МТПда юритиладиган хизматга келган ходимларни қайд этиш китобида қайд этилади. Китобда ходимнинг фамилияси, исми-шарифи, лавозими, унвони ва уларга профилактика катта инспектори ёки ўша вақтда уларга раҳбарлик қилган мансабдор шахс томонидан берилган топшириқларнинг қисқача мазмуни ёзиб қўйилади.

Профилактика инспекторларининг ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари ходимлари билан ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг асосий йўналишлари ҳамкорликка киришувчи субъектларга юклатилган вазифалар кўламадан келиб чиқади.

Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизматлари билан ҳамкорлик. Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходими ТТГ таркибига кирувчи субъектлардан бири бўлиб, у ушбу гуруҳда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари, хусусан, профилактика инспектори ва жамоат тузилмалари вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Профилактика инспекторининг жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари: *биринчиси*, босқинчилик ва талончилик жиноятининг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; *иккинчиси*, суриштирув органлари, суд ва терговдан яширинган шахсларни аниқлаш ва ушлаш чораларини кўриш; *учинчиси*, худудда содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятларини «иссиқ изидан» очиш, шунингдек бошқа нохуш ҳодиса ва ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлашда ўз аксини топади.

Профилактика инспектори жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари билан ҳамкорликда қуйидаги ишларни амалга оширади:

– ҳисобда турган ўта хавfli рецидивистлар, муқаддам судланганлар ва турли жиноятлар, жумладан босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этиб, назоратга тушган шахсларнинг рўйхатини юритиб, ушбу шахсларнинг турмуш тарзи, ҳаёт шароитлари, юриштиришлари бўйича жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари билан ўзаро ахборот алмашиб боради;

– босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этишга мойил шахслар, уларнинг алоқалари, кутилаётган жиноятлар тўғрисида мунтазам равишда ахборот алмашиб, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўради;

– хизмат кўрсатиш худудидаги тезкор-криминоген ва ижтимоий-сиёсий вазият тўғрисида, жамоатчилик вакиллари ва аҳолининг руҳий ҳолати бўйича тезкор-қидирув хизмати ходимларига мунтазам равишда хабар бериб туради;

– худудда босқинчилик ва талончилик билан боғлиқ жиноятлар содир этаётган жиноий гуруҳ, жиноий уюшма аъзоларини аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш мақсадида, жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари билан ҳамкорликда доимий равишда кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирларни амалга ошириб боради;

– жинойй тузилмалар тўпланадиган ва талон-торож қилинган моллар сотилиши мумкин бўлган жойларда тезкор-профилактик тадбирларни амалга оширади.

Кўриниб турибдики, профилактика инспекторининг жинойт қидирув ва уюшган жинойтчиликка қарши кураш хизмати ходимлари билан ҳамкорлиги асосан жинойтчиликнинг ҳолатини ўрганиш, жинойтларни очиш ва яширинган жинойтчини қидириб топиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва режалаштиришда намоён бўлиб, бу ҳамкорлик икки томоннинг тенг манфаатдорлигини назарда тутди.

Терговчилар билан ҳамкорлик. Босқинчилик жинойтини очишда профилактика инспекторлари билан терговчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчиси*, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, содир этилган жинойтни «иссиқ изи»дан очишга хизмат қилувчи дастлабки ҳаракатлар ва бошқа процессуал тадбирларни амалга ошириш; *иккинчиси*, очилмай қолган жинойтлар бўйича ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш; *учинчиси*, жинойтларнинг олдини олиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш бўйича биргаликда иш олиб боришда ўз аксини топади.

Профилактика инспекторининг терговчилар билан ушбу йўналишлардаги ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келган профилактика инспектори, тергов-тезкор гуруҳи келгунига қадар, жинойт изларининг сақланиши ва жойнинг қўриқланишини таъминлайди. Ҳодиса ҳақидаги дастлабки маълумотларни тўплаб, терговчига ахборот беради, ҳодиса содир бўлган жойни текшириш, кўздан кечириш ва бошқа зарур ҳаракатларни ўтказишда терговчига ёрдам беради. Профилактика инспектори ҳодиса гувоҳлари ва бошқа шахслар билан содир этилган жинойт бўйича суриштирув ҳаракатларини ўтказиш ва бу ҳақдаги маълумотларни терговчига тақдим этади. Шунингдек, терговчи айрим гувоҳ ва жабрланувчиларнинг вақтларини олмаслик мақсадида мазкур шахслар яшайдиган манзилдаги ички ишлар органлари таянч пунктида профилактика инспектори кўмагида айрим (сўроқ қилиш, олиб кетилган буюмларни жабрланувчи ёки гувоҳларга кўрсатиш каби) тергов ҳаракатларини ўтказиши мумкин.

Жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари билан ҳамкорлик. Босқинчилик жинойтини фош этишда патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати таркибига кирувчи туман, шаҳар ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари ҳам профилактика инспекторлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб борадилар. Ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчиси*, кўчалар ва

бошқа жамоат жойларида содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятлари бўйича тезкор вазиятнинг таҳлилини олиб бориш, патруль-пост нарядларини постлар ва патруллик йўналишларига жойлаштириш чораларини кўриш, шунингдек, туман, шаҳар ҳудудида суткалик хизматни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасига таклифлар киритиш ва уни тайёрлаш; *иккинчиси*, жамоат тартиби сақланишини таъминлаш; *учинчиси*, назорат-лицензия тизими қоидаларига риоя этилишини текшириб, назорат қилиб боришда ўз аксини топади.

Патруль-пост хизмати нарядлари билан ҳамкорлик. Босқинчилик жиноятини фош этишда профилактика инспектори билан патруль-пост хизмати нарядлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчиси*, кўчалар ва жамоат жойларидаги босқинчилик ва талончилик жиноятлари содир этилишининг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш; *иккинчиси*, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турувчи шахслар, айниқса, босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этган шахсларни назорат қилиб боришда ўз аксини топади.

Шунингдек, профилактика инспектори ва патруль-пост хизмати нарядлари ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари биргаликда патруллик қилиш, қўшма тадбирларни режалаштириш, амалга ошириш ва ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали таъминланади.

Профилактика инспекторининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ҳамкорлиги. Босқинчилик жиноятини очишда профилактика инспектори билан йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик асосан автотранспорт воситаларида босқинчилик ва талончилик жинояти содир этиб, ҳодиса жойидан яширинган жиноятчиларни ёки бошқа сабабларга кўра қидирувда бўлган транспорт воситалари, уларнинг эгаларини аниқлаш ва ушлаш чораларини кўришда намоён бўлади.

Профилактика инспектори йўл-патруль хизмати ходимлари билан биргаликда ҳудуддаги фуқаролар, корхона ва ташкилотларга қарашли автотранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари ва бошқа тегишли воситаларининг босқинчилик ва талончилик жиноятига алоқадорлигига аниқлайди. Ушбу маълумотлар вақти-вақти билан профилактика инспектори томонидан янгиланиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига тақдим этиб борилади. Профилактика инспектори ушбу маълумотларни ўзидаги маълумотлар билан солиштириб, имкониятдан келиб чиққан ҳолда компьютерга киритади.

Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати билан ҳамкорлик. Профилактика инспектори хорижга чиқиш, келиш ва

фуқароликни расмийлаштириш хизмати билан ҳамкорликда ҳудудда рўйхатдан ўтмасдан ёки паспортсиз яшаётган, шунингдек, босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этган шахсларни аниқлаш мақсадида, хизмат ҳудудидаги хонадонларни мунтазам равишда текшириб боради.

Қўриқлаш хизмати билан ҳамкорлик. Босқинчилик содир этилган жойда профилактика инспекторининг қўриқлаш хизмати ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари: *биринчиси*, ушбу ҳудудда жойлашган объектларни қўриқловга олиш, бу борада ташвиқот ва тарғибот ишларини амалга ошириш; *иккинчиси*, турли мулк шакллариининг ишончли қўриқловини ташкил этиш; *учинчиси*, қўриқловга олинган ҳудуд ва объектларни текшириш, келиб чиқиши мумкин бўлган босқинчилик ва талончилик жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилишда ўз аксини топади.

5-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида мутахассис-криминалистнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги

Жиноятни «иссиқ изи»дан очиш мақсадида бир қатор йўналишлар бўйича қидирув ташкил этилади. Ушбу йўналишлардан бири «жиноятчи шахсини аниқлаш учун мавжуд маълумотлар бўйича қидирув ташкил этиш»дир. Ушбу йўналишда эксперт-криминалист ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида олинган излар ва ашёвий далилларнинг дастлабки тадқиқотларини ўтказиши ва терговчи (суриштирувчи)га жиноятчи ҳақида бир қатор маълумотлар бериши мумкин. Жумладан, ҳодиса жойида ўтказиладиган экспертиза тадқиқотлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- қўл ва бармоқ излари тадқиқоти;
- оёқ ва пойабзал излари тадқиқоти;
- бузиш қуроллари излари тадқиқоти;
- моддий изларнинг дастлабки тадқиқотлари.

Дастлабки тадқиқот натижалари ҳодиса жойини кўздан кечириш қатнашчиларига маълум қилинади, маълумотнома тарзида расмийлаштирилади ва мутахассис-криминалистнинг ҳодиса жойига чиқиш журналига қайд қилинади. Маълумотнома тезкор ходимга берилади, унинг нусхаси эса эксперт-криминалистик хизматнинг номенклатура ишига тикилади. Криминалистик тадқиқотни зудлик билан талаб этувчи ҳодиса жойидан олинган излар ва бошқа ашёвий далиллар, экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор (оператив ходимнинг маълумот бериш тўғрисидаги топшириғи) ҳодиса жойида расмийлаштирил-

са, мутахассис-криминалист уни терговчидан (оператив ходимдан) ашёвий далиллар билан биргаликда имзоси билан олиб, эксперт-криминалистик хизматга топширади.

Ушбу турдаги жиноятларни очишда ҳодиса жойини кўздан кечиришда аниқланган қўл бармоқ изларидан ҳамда эксперт-криминалистика хизматида мавжуд «АДИТ-СОНДА» тизими имкониятларидан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан: *2017 йил 4 апрель куни Тошкент шаҳар Учтепа тумани 21 даҳа 35-уй 4-хонадонда содир этилган талончилик жинояти айнан ушбу автоматлаштирилган тизим имкониятларидан келиб чиқиб очилган.*

Ушбу турдаги жиноятларни очишда терговчи томонидан жиноят иши қўзғатилгандан кейин дарҳол дастлабки тергов ҳаракатлари амалга оширилади. Уларга гувоҳларни сўроқ қилиш, суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш, жабрланувчининг кийимини кўздан кечириш ва гувоҳлантириш каби тергов ҳаракатлари киради.

Гувоҳларни сўроқ қилиш тергов ҳаракатида мутахассис-криминалистнинг энг кенг тарқалган иштироки шаклларида бири терговчига тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўришда кўрсатадиган консултатив ёрдамдир. Мутахассис-криминалист тергов ҳаракатига қатнашишга тайёрланиб, терговчи билан келишилган ҳолда техник-криминалистик таъминот режасини тузади. Унда тасвирга олишнинг нуқталари, тактик усуллари, тергов қатнашчиларининг ўзаро жойлашуви, қайд этишнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун қўйилдиган шартлар (жойнинг яхши ёритилиши, хонанинг ташқи овозлардан изоляция қилиш ва шу кабилар) акс этилиши лозим.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати жараёнини қайд этишни ҳам ЭКБ ходими амалга оширади. Вербал кўринишдаги сўроқ, таниб олиш учун кўрсатиш каби тергов ҳаракатининг техник-криминалистик таъминоти кўпинча жараённинг ўзини фототасвир, видеотасвир ёрдамида техник қайд этиш билан боғлиқ. Техник қайд этишдан ташқари, зарурат туғилганда мутахассис-криминалист аналитик воситаларни, моддий излар, предметлар ва ҳужжатларнинг дастлабки тадқиқоти усулларини қўллаши мумкин.

Ҳозирги замон амалиётида юқорида кўрсатилган тергов ҳаракатларини ўтказишда видеотасвирга туширишнинг тактик усуллари ишлаб чиқилган. Сўроқ қилиш давомида видеокамера терговчининг орқа ёки ён томонида жойлашган бўлиши керак, сўроқ қилинаётган шахснинг боши ва қўли кадр ташқарисига чиқиб қолмаслиги лозим.

Суд-тиббиёт экспертизасида жабрланувчига етказилган тан жароҳати, унинг даражаси, танага етказилган шикаст (жароҳат)нинг вақти, қўлланилган қурол, жабрланувчининг меҳнат қобилиятини йўқотганлиги аниқланади. Баъзан жабрланувчи баданидаги жароҳатни ўзи етказиши мумкинми, шикаст етказилишида жабрланувчи билан жиноятчи (хужум қилган шахс)нинг ўзаро жойлашиши қандай бўлган, деган саволларга аниқлик киритиш керак бўлади. Бундай ҳолатлар суд-тиббиёт экспертизаси ёрдамида аниқланади.

Босқинчиликни тергов қилишда ҳодиса жойидан олинган турли излар ва ашёвий далиллар бўйича суд-психиатрия экспертизаси, криминалистик экспертиза (дактилоскопик экспертиза, баллистик экспертиза, совуқ қуролларнинг криминалистик экспертизаси, трассологик, хатшунослик ҳамда хужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси)лар, шунингдек, бошқа турдаги суд экспертизалари тайинланиши мумкин. Ушбу экспертизалар жараёнида эксперт-криминалистлар томонидан ноидентификацион ва идентификацион турдаги вазифалар ҳал этилади.

4-боб. БОСҚИНЧИЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИК БЎЙИЧА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Терговчининг босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича дастлабки терговнинг вазифалари

Босқинчилик жиноятини тергов қилишнинг яқунловчи босқичи терговнинг дастлабки босқичида жиноят иши бўйича далилларни тўплашга қаратилган тергов ва тезкор-қидирув тадбирлари давомида эришилган натижалар билан тавсифланади.

Мазкур босқичнинг муҳим омили тергов ҳаракатларига пухта тайёргарлик кўриш, гумон қилинувчининг (айбланувчи) шахсини синчковлик билан ўрганиш ва у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш вақтини тўғри танлаш имконияти ҳисобланади. Уларни танлаш ва амалга оширишнинг кетма-кетлиги дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишдан кейин вужудга келган тергов вазияти билан белгиланади.

Терговнинг жиноят фош этилганидан кейинги босқичида, одатда, қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: босқинчилик ва талончилик содир этган шахсларни ушлаш; ушланган шахсни тинтув қилиш; гумон қилинувчини сўроқ қилиш; экспертиза тайинлаш; тинтув ўтказиш ва олиб қўйиш; айбланувчини сўроқ қилиш; таниб олиш учун кўрсатиш; эксперимент; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш кетма-кетлигини, терговнинг дастлабки босқичида тўпланган далилий маълумотларни инобатга олган ҳолда, жиноят ишидаги аниқ ҳолатлардан келиб чиқиб белгилаш лозим.

Босқинчилик жиноятини содир этган шахсларни ушлаш. Босқинчилик содир этган шахсларни ушлаш жиноят қидирув бўлими тезкор вакиллари томонидан терговчи билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилади. Босқинчилик ҳужумини содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлашга пухта тайёргарлик кўриш лозим.

Ушлашга тайёргарлик кўришда жиноят иши материалларини ўрганиш, ушланиши керак бўлган шахслар тўғрисида маълумот тўплаш, ушлаш жойи ва вақтини белгилаш, ушлаш амалга ошириладиган жой шароитини ўрганиш, гумон қилинувчиларни бир вақтда ва турли жойларда ушлаш учун уларни бир-бирдан ажратиш чорасини кўриш талаб этилади.

Юқорида кўрсатилган жиноятни содир этган жиноятчилар қуролланган бўлса, атрофдагилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ушлашни эрта тонгда ёки тунда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушлашни уйларнинг кириш йўлагига, тор кўчада, скверда ва бошқа шу каби жойларда амалга ошириш керак. Ушлашни иш жойида ҳам амалга ошириш мумкин. Масалан, гумон қилинувчи бошқарувчининг хонасига ёки бошқа хонага таклиф қилинади ва шу ерда ушланади.

Агар жиноятнинг бир иштирокчиси аниқланган бўлса, жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари турган жойларни ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ, чунки аниқланган шахсни дарҳол ушлаш ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ушлашни кечиктириш жиноятчининг кийими, танаси, уйдаги ашёларда жиноят иши учун муҳим бўлган изларнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда ёхуд у очикда қолса, бошқа оғирроқ жиноятни содир этиши эҳтимоли бўлганда истисно тариқасида ушлаш кечиктирилмайди.

Жиноятчиларни ушлаш учун тайёргарлик кўришда ушлаш гуруҳи таркиби шакллантирилади, унинг таркибига кузатув, қуршаб олиш, қуролли ҳимоя, ушлаш, захира гуруҳлари киради. Мазкур гуруҳни қуроллантириш ва керакли анжомлар, транспорт, зарур алоқа воситалари билан таъминлаш, гуруҳ аъзоларига йўриқнома ўтказиш амалга оширилади. Ушлаш гуруҳи таркибига ҳар бир ушланаётган шахсга уч нафардан кам бўлмаган махсус тайёргарликка эга бўлган ходимларни жалб қилиш тавсия этилади.

Масалан, 2017 йилнинг 10 январь куни тахминан соат 01-00ларда, Тошкент шаҳар Миробод тумани Туркистон кўчасида жойлашган, «Матлюба Тайёрлов» МЧЖга қарашли савдо дўкони сотувчиси, хусусий тадбиркор, 1969 й.т., Ҳ.А.нинг ишончига кириб, 1 блок «Кока-кола», 1 блок «Фанта», 8 дона «Редбул», 1 блок «Нестле» ичимлик сувлари ва 1 дона «Орбит» сақичини олиб «пулини тўламаймиз», деб қўрқитиб «Нексия» русумли, 50 Н 808 АА давлат рақамли автомашинага ўтиришиб қочиб кетишган, 2017 йил 11 январь куни тахминан соат 02-00 ларда, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, 8-бригада, Жалойиқ кўчаси 36-уйда руйхатда туриб, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сарикул кўчаси, 50-4 уй, 118-хонадонда вақтинча яшовчи, «киракашлик» билан муғулланувчи, 1983 й.т., Р.Р. ўзига тегишли «Матиз» русумли, 10 F 183 АА давлат рақамли автомашинасига, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, «Қуйлиқ» деҳқон бозори олдидан, Чирчиқ шаҳар, 3-кичик ноҳияси ҳудудига олиб

бориб қўйишни, 28000 сўмга келишиб, манзилга йўлга чиқан вақтда ўткир тизли жисм билан Р.Р.ни қўрқитиб, 270000 сўм пул ва «Самсунг» русумли уяли телефонини олиб, Р.Р.ни уриб тушириб юбориб машинани номаълум томонга ҳайдаб қочиб кетган.

Вазирлик ЖҚваТҚКББ ва Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚваТҚКБ ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида махсус ҳарбий-дала кийим (камуфуляж) ва ниқоб кийган ҳолда босқинчилик ва талончилик жиноятларини содир этиб юрган шахсларни аниқлаш ҳамда қўлга олиш мақсадида олиб борилган комплекс тезкор ишлов тадбирлари натижасида жиноий гуруҳ аъзолари ушланган.

Ушланганлар, ҳужум қилишда фойдаланиш мумкин бўлган қуроллар, предметлар ва бошқаларни олиш мақсадида, дарҳол тинтув қилиниши шарт. Ушлаб туриш баённомасида олинган барча нарсалар батафсил кўрсатилиши лозим. Олинган нарсалар синчковлик билан ўралади ва муҳрланади.

Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва сўроқ қилиш. Шахс ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган бўлса ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асосли маълумотлар бўлса, уни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишга асос бўлади (ЖПК 359-м).

ЖПКнинг 360-моддасига мувофиқ, ушлаб турилган шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, Жиноят кодексининг қайси моддасида бу жиноят назарда тутилгани, ушлаб туришнинг сабаб ва асослари, шунингдек шахсни ушлаб туриш, агар жиноят иши илгари қўзғатилмаган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ва уни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорда кўрсатилиши керак.

Қарор гумон қилинувчига у биринчи марта сўроқ қилингунига қадар эълон қилинади. Айни вақтда унга ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Шундан сўнг суриштирувчи ёки терговчи ЖПКнинг 111-моддасига мувофиқ гумон қилинувчини биринчи маротаба сўроқ қилгунга қадар ҳимоячи билан холи учрашишини таъминлайди.

Гумон қилинувчининг илтимосига кўра суриштирувчи ёки терговчи ишда муайян ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди. Танланган ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиши мумкин.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш у ушланганидан сўнг дарҳол амалга оширилиши лозим. Агар бирор-бир узрли сабабга кўра уни ўтказишнинг иложи бўлмаса, сўроқ ушланган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида ўтказилади. Бу кўп жиҳатдан сўроқ қилиш битта гумон қилинувчи ушланган ёки бир нечта иштирокчилар ушланганлигига; гумон қилинувчи жабрланувчининг уйида ёки бошқа жойда ушланганлигига; бевосита жиноят содир этилгандан сўнг ёки бир қанча вақтдан кейин ушланганлигига; ушланган шахс босқинчилик ва талончилик содир этишда қандай вазифани бажаргани ёки унинг иштирокчилик даражасига; терговчи сўроқ қилиш вақтида қандай фош этувчи далилларга эғалигига боғлиқ бўлади.

Ушланган шахсга у нимада гумон қилинаётганлигини тушунтириб, уни қандай шароитда ушлашганини эркин сўзлаб беришни таклиф қилиш лозим.

Гумон қилинувчи тергов қилинаётган жиноятда иштирокини инкор этмаётган бўлса, сўроқ вақтида қуйидагилар ойдинлаштирилиши лозим:

– жиноят содир этилган уй-жойда қачон, ким билан ва қандай ҳолатда бўлган;

– ким унинг кўрсатувларини тасдиқлаши мумкин;

– жиноят содир этган шахсларнинг сони;

– шерикларининг фамилияси, исми, лақаби, турар жойи, батафсил белгилари, жиноят содир этишда ҳар бирининг роли;

– жиноят ташкилотчиси ким, жиноий гуруҳ қанчалик барқарор, олдин шунга ўхшаш жиноятлар содир этилганми, содир этилган бўлса, қандай, қаерда ва қачон содир этилган;

– мазкур яшаш жойини тажовуз объекти сифатида танлашга асос нима;

– мазкур яшаш жойига кириш усули;

– жиноят содир этиш шароити;

– гумон қилинувчиларнинг жабрланувчилар билан танишлиги ҳақидаги маълумотлар; жабрланувчида пул ва қимматбаҳо нарсалар борлиги тўғрисидаги хабар манбаи;

– мазкур жиноятни содир этишга тайёргарлик ҳаракатлари (жиноий қилмиш режаси, иштирокчилар орасида вазифаларнинг тақсимланганлиги);

– ҳар бир жабрланувчига нисбатан содир этилган зўравонлик ҳаракатларининг кетма-кетлиги ва хусусияти;

– агар жиноят содир этишда қурол ишлатган бўлса, унда қуролнинг тури, маркаси ва бошқа хусусиятлари, уни қўллаш шароити;

– қурол манбаи ҳақидаги маълумотлар, у қачон ва кимдан олинган ёки тайёрланган, у қаерда ва кимда сақланмоқда;

– мулки ва соғлиғига тажовуз бўлган пайтда жабрланувчининг ўзини тутиши;

– жабрланувчиларга ёки жиноятчиларга қандай тан жароҳатлари етказилган;

– талон-торож қилинган мулкнинг миқдори ва хусусияти, умумий қиймати; батафсил белгилари;

– талон-торож қилинган мулк яширилган жой;

– талон-торож қилинган мулкни ўтказиш усули ва субъектлари, олувчининг шахси;

– жиноятчиларнинг жиноят содир этилган жойдан яшириниш усули, агар улар транспортдан фойдаланган бўлса, айнан қандай, унинг маркаси, индивидуал белгилари, давлат рақами.

Агар гумон қилинувчи жиноят содир этишдаги иштирокини инкор этадиган бўлса, сўроқ давомида қуйидагилар аниқланиши лозим:

– у жинорий жавобгарликка тортилганми, агар тортилган бўлса, қачон, қаерда, ким томонидан ва қандай жинояти учун;

– жазо тури, қаерда ва қандай муддатга судланган, унга муддатидан илгари озод қилиш қўлланилганми;

– жиноятни ким билан содир этган;

– жиноят содир этилган вақтда у қаерда, кимникида ва ким билан бўлган, нима қилган, унинг алибисини ким тасдиқлаши мумкин;

– у шахсий тинтув қилинганда аниқланган ва олиб қўйилган ашёлар, ҳужжатлар ва қимматбаҳо нарсалар кимга тегишли ёки қаердан ва қачон олган;

– жабрланувчидан талон-торож қилинган ашёлар ва қимматбаҳо нарсалар унда қандай пайдо бўлиб қолган, уларни қаердан ва қачон олган, буни ким тасдиқлаши мумкин;

– унинг баданидаги ёки кийимидаги жароҳатлар қаерда, қачон ва ким томонидан етказилган;

– унинг жиноят содир этилган жойда аниқланган қўл, оёқ ва бошқа излари қандай қолдирилган.

Жавоблар иложи борича майда тафсилотлари билан олинishi лозим.

Шундан кейин, ишдаги мавжуд далиллардан фойдаланган ҳолда, унинг жиноятни содир этганлигини фош қилиш лозим.

Гумон қилинувчининг барча кўрсатувлари тергов давомида синчковлик билан текширилиши шарт, чунки бу тоифадаги ишлар бўйича гумон қилинувчини сўроқ қилишда тергов қилинаётган жиноятнинг ҳолатларига оид объектив маълумотларга жуда кам ҳолларда эришилади.

Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш. ЖПКнинг 157-моддасига мувофиқ, жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи ва суд уларни олиб қўйишга ҳақли.

Босқинчилик жинояти бўйича қуйидаги нарса ва ҳужжатларни аниқлаш ва олиш учун тинтув ўтказилади:

- жиноят содир этишда ишлатилган қурол ва бошқа предметлар;
- гумон қилинувчининг жиноят излари мавжуд бўлган кийим-кечаги, оёқ кийими, бош кийими;
- талон-торож қилинган нарсаларнинг техник паспорти ва бошқа ҳужжатлари;
- гумон қилинувчининг фамилияси билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларидаги фамилияси тўғри келмайдиган ҳужжатлар;
- гумон қилинувчининг жиноятнинг бошқа иштирокчилари билан алоқадорлигидан далолат берувчи хат, ёзишмалари, кундалик дафтарчаси;
- жабрланувчи сўроқ вақтида айтган предмет (гугурт, авторучка, кўзойнак ва ҳ.к.)лар;
- гумон қилинувчида фуқаролик муомаласидан чиқарилган, ноқонуний сақланаётган нарсалар (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, радиоактив ва кучли таъсир қилувчи ёки захарловчи моддалар).

Тинтув қилишга тайёргарлик кўриш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жиноят иши материаллари билан танишиш;
- тинтув ўтказилиши режалаштирилаётган жой ва унинг ҳолати ҳақида маълумотлар тўплаш;
- тинтув қилинаётган объект тўғрисида маълумот олиш;
- тинтув ўтказиш вақтини аниқлаш;
- тергов-қидирув гуруҳини шакллантириш;
- техник-криминалистик ва қидирув воситаларини тайёрлаш;
- гумон қилинувчи билан бирга истиқомат қилаётган шахслар, уларнинг яшаш тарзи ва алоқалари тўғрисида маълумот олиш;
- ТТГ аъзолари билан йўриқнома ўтказиш.

Жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчининг талон-торож қилинган нарса ва буюмларни аниқлаш учун гумон қилинувчининг уйда, керак бўлса, иш жойида вақтни ўтказмасдан дарҳол тинтув ўтказиш лозим.

Агар жиноят содир этишда бир неча шахслар гумон қилинаётган бўлса, унда тинтув тўсатдан ва бир вақтнинг ўзида ўтказилиши лозим. Бунда тинтув олиб борилаётганлиги ҳақидаги маълумот чиқшининг олди олинади.

Келиб чиқиши биологик моддаларни аниқлашда ультрабинафша нурларидан фойдаланиш зарур. Барча аниқланганлар фотосуратга олиниб, тинтув ўтказиш ҳақидаги баённомада батафсил ёритилади ва олиб қўйилади.

Масалан, 2017 йил 7 февралдан 8 февралга ўтар кечаси соат 02:30лар атрофида Тошкент шаҳар Яккасарой туманида яшовчи фуқаро Н. М.нинг уйига уч нафар номаълум шахслар юзларига ниқоб кийган ҳолда гайриқонуний равишда бостириб киришиб, қўлларидаги «Бита» таёқлари билан уриб тан жароҳати етказиш йўли билан қўрқитишиб, қўл оёқ ва оғзини скотч билан боғлаб, яшаш уйи меҳмонхонасидаги сандиғи ичидан 10000 АҚШ доллари миқдоридagi пулини, бир дона баҳоси 5000000 сўмлик аёллар тилла билакузугини ва жами баҳоси 5000000 сўмлик мато газламаларини босқинчилик ва талончилик йўли билан қўлга киритиб кетишган.

Дастлабки тергов давомида амалга оширилган тергов ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни 1950 йил 17 январь кuni тугилган, Самарканд шаҳар Косон кучаси 20 уйда яшовчи С.Ш., унинг угли 1980 йил 01 февралда тугилган К.Ж.лар таниши Т. У. билан биргаликда содир қилганлиги аниқланган.

Таниб олиш учун кўрсатиш. Босқинчилик жинояти ишларини кўришда таниб олиш объектларига қуйидагилар киради:

- ушбу жиноятда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар;
- гумон қилинувчилар (айбланувчилар)дан олинган ашёлар: қурол, олиб кетилган нарсалар ва бошқалар;
- жиноят қуроллари (ҳодиса жойида топилган ёки гумон қилинувчилардан олинган);
- гумон қилинувчилар томонидан ташлаб юборилган нарсалар;
- гумон қилинувчиларга тегишли эмаслиги маълум нарсалар ва ҳоказо.

Таниб олиш учун тайёрлов босқичига қуйидагилар киради: жиноят иши материалларини ўрганиш; унинг ўтказиладиган жойи ва вақтини аниқлаш; икки объект ёки икки нафар шахснинг аниқланиши, яъни унга таниб олинadиган объект намойиш этилади (уларнинг барчаси бир-бирига мос бўлиши лозим); объектни кўриш жараёни юз берган ҳолатга мос муҳитни яратиш; зарур техник-криминалистик

воситаларни тайёрлаш, таниб олиш учун айбланувчи ва гумон қилинувчи жалб этилса, шунга мувофиқ уларнинг қўриқланишини таъминлаш; гувоҳлар ва эксперт-криминалистларни таклиф қилиш, агар иштирокчилардан бири суд ишлари олиб борилаётган тилни билмаса, таржимонни таклиф этиш; таниб олинаётган буюм ва предметларнинг кетма-кетлик тартибини аниқлаштириш учун рақамли биркалар тайёрлаш.

Бундан ташқари, аниқлик киритиш мақсадида таниб олувчидан унга тақдим этиладиган объектни таниб олиши учун қуйидаги мазмунда батафсил сўроқ ўтказилиши зарур:

– тақдим этилган предметлар (сумка, соат ва ҳоказолар) ичида сизники борми;

– қайси рақам остида;

– қаерда, қачон ва қайси ҳолатларда уни кузатгансиз (ёки қаерда, қачон ва қайчи ҳолатларда улар сиздан олиб кетилган);

– сиз уларни қайси белгиларига кўра таниб олдингиз;

– тақдим этилган шахслар ичида сиз кўрсатув берган шахс борми?

– у қаерда жойлашган (чапда, ўнгда, ўртада);

– сиз у билан қаерда, қачон ва қайси ҳолатда учрашгансиз;

– сиз уни қайси белгиларига кўра таниб олдингиз;

– сиз у билан танишмисиз, деган сўнгги савол берилиши зарур.

Терговчининг таниб олувчига берган саволлари ва уларнинг жавоблари, таниб олинганнинг аниқ белгилари, таниб олишнинг натижалари таниб олиш баённомасида акс этиши лозим.

Эксперимент. Босқинчилик жинояти ишларини кўришда эксперимент шахсининг бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек, ҳодисанинг юз бериши ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Эксперимент ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текширилаётган кўрсатув ёки тусмолларга тўла мувофиқ ҳолда тикланган бўлиши керак. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шоҳид бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин. Шундан кейин суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказиш, шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, кинотасвирга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва изларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин.

Эксперимент ўтказиш шароити тикланаётган ҳаракат ёки ҳодисалар юз берган шароитга имкон қадар ўхшаш бўлиши лозим. Таҷриба бир неча марта ўтказилади, унинг шароитлари ўзгартирилиши мумкин.

Ўтказилган эксперимент натижалари ҳақида ЖПКнинг 90–92, 154-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома тузилади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича ишларни кўришда гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг кўрсатувларидаги жиноят содир бўлган жойга мос келмайдиган ҳолатларнинг сабабини, гумон қилинувчи (айбланувчи) иштирокида яширилган ва ташлаб юборилган жиноят қуроли, қон доғлари бўлган кийим ва предметларни аниқлашда ўтказилади.

Ушбу тергов ҳаракати қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

– ушбу жиноятда иштирок этмаган гумон қилинувчи ва айбланувчининг олдиндан келишуви бўлганда;

– иштирокчилар жиноят содир бўлган жой ва ҳолати бўйича ҳар хил кўрсатувлар берганда;

– жиной гуруҳ аъзолари аввал ўхшаш жиноятни содир қилганликларини тан олган, лекин улар жиноят содир бўлган манзилни билмаганда;

– гумон қилинувчи ва айбланувчи босқинчилик ва талончилик жинояти содир қилинган аниқ манзилни айтган, лекин жиноят ҳақида ариза келиб тушмаганда.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг моҳияти қўйидагилардан иборат:

– кўрсатувлари текширилаётган шахснинг босқинчилик ва талончилик содир бўлган жойни кўрсатиши;

– шахснинг кўрсатувларидан ҳужум ҳолатини аниқлаш;

– кўрсатувлардаги ҳодиса содир бўлган жойда ҳаракатлар ҳолатини текшириш.

Терговчи воқеа содир бўлган жойни гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг маълумотлари асосида ўрганади ва солиштиради.

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва сўроқ қилиш. Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилишда терговчи тўпланган далиллар унинг айбини исботлаш учун етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Шу билан бирга, терговчи тўлиқ ўз тасдиғини топмаган далилларга таянган ҳолда эълон қилинган айбловга ишониб қолмаслиги лозим. Чунки жиноят иши бўйича ҳали тергов ҳаракатлари тўлиқ якунланмаган бўлиб, бу жараёнда шахсни оқловчи далиллар ҳам топилиши мумкин.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш жараёнида қуйидаги муҳим ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- далиллар мажмуи;
- айбловнинг шакллантирилиши;
- қарор чиқарилиши;
- қарорнинг эълон қилиниши;
- ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш.

Айбланувчини сўроқ қилишдан олдин терговчи қуйидагиларни амалга оширади:

– айбланувчига унинг ЖПКнинг 46-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

– айбланувчи шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд, агар айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлайди;

– гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим қилади ва айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

Терговчи юқорида қайд этилган барча ҳаракатларни амалга оширгандан сўнг айбланувчига тақдим этилган айблов мазмуни бўйича кўрсатув беришни таклиф қилади. Айбланувчи жиноят тафсилотларини эркин сўзлаб берганидан сўнг, кўрсатувини ойдинлаштириш ва қўшимча қилиш учун саволлар берилиши мумкин.

Айбланувчини сўроқ қилиш натижалари бўйича сўроқ баённомаси тузилиб, ўқиб чиқиш учун сўроқ қилинаётганга тақдим этилади ёхуд унинг илтимосига кўра терговчи унга ўқиб эшиттириши лозим.

2-§. Тезкор ходимнинг босқинчилик ва талончилик жинояти фош этилганидан кейин бошқа жиноий шериклар ва эпизодларни аниқлаш бўйича вазифалари

Босқинчилик ва талончилик жинояти фош этилганидан сўнг тезкор ходим томонидан жиноятчининг жиноий алоқалари, улар ўртасидаги муносабатлар, жиноят содир этиш курали, воқеа содир бўлган

жойдан олиб кетилган нарса ва буюмлар ҳамда ушбу жиноятдан ташқари бошқа содир этилган жиноят эпизодларини аниқлаш бўйича «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган қуйидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириши талаб этилади. Булар қуйидагилардан иборат:

– жиноятчини Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ Ахборот марказларининг барча ҳисобларидан текшириш;

– тезкор ходим томонидан ушланган шахс билан унинг ушлангунга қадар содир этган жиноятлари, жиноий шериклари, кимлар билан яқин муносабатда бўлганлиги, содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятидаги роли ва мотивини аниқлаш ва жиноят натижасида эгалланган нарса ва буюмларнинг сақланиш жойлари бўйича сўров ва маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш;

– ушланган шахснинг жиноий шерикларини аниқлаш, жиноят қуроли ва ҳодиса содир бўлган жойдан олиб кетилган нарса ва буюмларни яшириш ёки ўтказиш йўллари ҳамда жиноят эпизодлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ва улар томонидан янги жиноят содир этилиши ёхуд яширинишига йўл қўймаслик мақсадида тезкор қамровни амалга ошириш;

– ушланган шахснинг қўлга олингунга қадар содир этган жиноятларини очилмай қолган жиноятларга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида ундан тезкор қамров натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва натижаси бўйича раҳбариятга ахборот бериш.

Шуни таъкидлаш лозимки, тезкор қамров жараёни ҳамда бошқа махсус тадбирлар натижасида олинган далилий ашёлар ва бошқа тадбирларни процессуал мустаҳкамлаш мақсадида прокуратура терговчиси билан тергов олиб бориш тактикасини келишиб олиш зарур.

Тезкор ходим дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида аниқланмаган маълумотларни, яъни босқинчилик ва талончилик жинояти содир этган шахснинг жиноий шериклари, жиноят қуроли, далилий ашёларни аниқлаш ҳамда ушланган шахс ёки жиноий гуруҳнинг бошқа жиноятларга алоқадорлигини ва бошқа тезкор аҳамиятга эга маълумотларни олиш мақсадида шахсларга нисбатан ВСХ, ТХ шароитида тезкор қамровни давом эттириш учун топшириқлар бериш лозим.

ВСХ ва ТХ шароитида ўтказилган тезкор қамров жараёнида жиноятчининг жиноий шериклари аниқланса, уларнинг қаердалигини аниқлаш мақсадида махфийлик асосида кўмаклашувчи шахсларни жалб қилинади ва уларга тегишли топшириқлар берилади ҳамда

жинойт гуруҳ орасига тезкор киритиш ва ниқобланган тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Жиноят фош этилганидан кейин тергов ҳаракатлари давомида прокуратура терговчиси томонидан берилган алоҳида топшириқлар бўйича тезкор ходим тегишли тезкор-қидирув тадбирларини ўтказди ва натижаларини ҳужжатлаштириб, терговчига тақдим этади.

Агар ҳодиса жойидан олиб кетилган нарса ва буюмлар сотиб юборилган бўлса, уларни топиш мақсадида турли бозорларда ноқонуний валюта савдоси ва қонунга хилоф равишда заргарлик буюмлари савдоси билан шуғулланувчи шахслар орасида сўров ва маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади.

Агар бозорларда ноқонуний валюта савдоси ва қонунга хилоф равишда заргарлик буюмлари савдоси билан шуғулланувчи шахслардан босқинчилик ва талончилик жинояти натижасида олиб кетилган нарса ва буюмлар топилса, ушбу далилий ашёлар тезкор ходим томонидан қиёсий текшириш учун намуна сифатида олинади ҳамда предмет ва ҳужжатларни текшириш тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади.

Ушланган барча жиноятчи шахслар билан ВСХ ва ТХ шароитида уларнинг илгари содир этган жиноятларини аниқлаш ва ушбу жиноятлар натижасида қўлга киритилган нарса ва буюмлар, уларнинг сақланиш жойлари ёки кимларга сотиб юборганлиги ва бошқа тезкор аҳамиятга эга маълумотларни олиш мақсадида махфийлик асосида қўмақлашувчи шахсларни жалб қилган ҳолда тезкор қамровни ташкил қилиш лозим.

3-§. Босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича тайинланадиган экспертизалар ва экспертлар олдига қўйиладиган саволлар

ЖПКнинг 172-моддасига мувофиқ, иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади. Эксперт олдига қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмас. Чунки, *суд экспертизаси* – фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса бериш-

дан иборат бўлган процессуал ҳаракат¹ бўлиб, унинг натижасида ишнинг айрим ҳолатлари юзасидан илмий асосланган хулоса берилади.

Босқинчиликни тергов қилиш жараёнида ҳодиса жойидан олинган турли излар ва ашёвий далиллар бўйича қуйидаги экспертизалар тайинланиши мумкин:

- суд-тиббиёт экспертизаси;
- суд-психиатрия экспертизаси;
- криминалистик экспертизалар (дактилоскопик, баллистик экспертиза, совуқ қуролларнинг криминалистик экспертизаси, трасологик, хатшунослик ҳамда ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизалари) ва бошқа турдаги суд экспертизалари.

Ушбу экспертизаларни ўтказиш жараёнида эксперт-криминалиستлар томонидан идентификацион турдаги вазифалар (ашёвий далилларнинг исботлов аҳамиятини мустаҳкамлаш мақсадида) ҳал этилади.

Суд-психиатрия экспертизасининг асосий вазифаси гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ақли расолик ҳолати тўғрисида хулоса чиқариш ва руҳий ҳолатини аниқлаш, шунингдек, жабрланувчининг руҳий ҳолатини аниқлашдан иборат. Ушбу масалаларни ҳал этишда эксперт олдида қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

- гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг руҳий ҳолати қай даражада?
- гумон қилинувчи (айбланувчи) руҳий хасталикка чалинганми, агар шундай бўлса, унда аниқ қайси касаллик белгилари бор?

- гумон қилинувчи (айбланувчи) жиноят содир этиш вақтида ақли норасо, яъни сурункали руҳий хасталикка учраганлиги боис ўзининг хатти-ҳаракатларини англамаган ва бошқара олмайдиган ҳолатда бўлмаганми?

- гумон қилинувчи (айбланувчи) жиноят содир этган вақтда руҳий касал бўлмаганми ва унга нисбатан тиббий йўсиндаги чораларини қўллаш зарурати борми?

- гумон қилинувчи (айбланувчи) руҳий камчиликларга эга эмасми, балки айнан ушбу камчиликлари боис у жиноят иши бўйича аҳамиятли фактларни тўғри англаш ва улар ҳақида тўғри кўрсатув бериш қобилиятига эга эмасдир?

- текширилаётган шахснинг тиббиёт ҳужжатларида акс эттирилган руҳий касаллиги ҳақидаги маълумотлар ҳақиқатан ҳам унинг фактик ҳолатидаги соғлиғига мос келадими?

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни (3-модда) / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – №22. – 173-м.

– вояга етмаган гувоҳ тергов учун муҳим бўлган алоҳида факт ва ҳодисаларни тўғри англаш қобилиятига эгами?

– жабрланувчи ёки гувоҳ жиноят иши бўйича аҳамиятли фактларни тўғри англаш ва улар ҳақида тўғри кўрсатув бериш қобилиятига эгами?

Дактилоскопик экспертиза тайинлашда экспертга қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– тадқиқот учун тақдим этилган предметда қўл излари борми?

– жиноят содир этиш жойидан топилган қўл (бармоқ, кафт) излари ушбу шахс (гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи)га тегишлими?

– мазкур дактилокартада олинган бармоқ излари ушбу шахс (гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи)дан олинган бармоқ излари эмасми?

Баллистик экспертиза тайинлашда экспертга қўйиладиган саволлар:

– тадқиқот учун тақдим этилган предмет қурол ҳисобланадими?

– қуролнинг соз ёки носозлиги, агар носоз бўлса, соз ҳолатга келтириш мумкинми?

– мазкур қурол ишлатишга яроқлими, агар яроқсиз бўлса, тузатиш, қўллашга яроқли қилишнинг иложи борми?

– мазкур қурол қандай тур ва моделга тегишли?

– мазкур қурол фойдаланиш ва отиш учун яроқлими?

– топилган предмет ўқотар қуролнинг қайси тури ва моделининг қисми?

– тадқиқот учун юборилаётган ўқ қуролнинг қайси тури, тизими ва моделидан отилган?

– мазкур отилган ўқ (ёки гильза) тадқиқот учун юборилган қуролга тегишлими?

– отишга уриниш бўлган, аммо отилмай қолган ўқ-дори тадқиқот учун юборилаётган қуролга тегишлими?

– тадқиқот учун юборилаётган ўқ ва гильза битта патроннинг қисмлари ҳисобланадими?

– тадқиқот учун тақдим этилаётган предмет қўлбола қурол вазифасини ўтаганми?

– ушбу объектга қуролнинг қайси тури ва моделидан ўқ узилган?

– қандай масофа ва жойдан ўқ узилган?

Совуқ қуролларнинг криминалистик тадқиқотларида ҳал этиладиган саволлар экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда турлича қўйилиши мумкин, аммо уларнинг асл мазмуни асосан қуйидагича бўлади:

- мазкур предмет (нарса-буюм) совуқ қуролми?
- текширилувчи предмет совуқ қуролларнинг қандай турига, кўринишига тааллуқли?
- тадқиқотга юборилган бўлак-қисм мазкур қуролнинг қисми эмасми, ушбу нарса илгари совуқ қурол ҳисобланганми?
- ушбу нарсани эндиликда совуқ қурол деб ҳисоблаш мумкинми?
- Пойабзал ва оёқ изларининг трассологик экспертизасида қуйидаги саволларга жавоб изланади:
 - бир неча ҳодиса жойидан топилган якка оёқ излари бир одам томонидан ёки бир пойабзалдан қолдирилганми?
 - излар гумон қилинувчидан олиб қўйилган пойабзалдан қолдирилганми?
 - оёқ излари оёқ кафтининг нусха излари тадқиқотга тақдим этилган муайян одам томонидан қолдирилганми?
 - оёқ изларида гумон қилинувчидан олиб қўйилган чулки ёки пайпоқларнинг ташқи тузилиш белгилари акс этганми?
 - ҳодиса жойидан топилган излар йўлакчаси элементлари гумон қилинувчининг экспериментал излар йўлакчасига мос келадими?
 - ҳодиса жойидан топилган оёқ (пойабзал) излари тадқиқот учун яроқлими?
 - ҳодиса жойида қолган излар бир пойабзалдан қолганми ёки ҳар хил пойабзалданми?
 - ҳодиса содир этилган жойдан топилган оёқ излари шу шахс томонидан қолдирилганми?
 - ҳодиса жойидан топилган пойабзал (пайпоқ) излари тадқиқот учун тақдим этилган пойабзал (пайпоқ) дан қолганми?
 - ҳодиса жойидан олинган пойабзал излари қайси пойабзал турига тегишли?
 - бу излар нечанчи ўлчамли пойабзалдан қолдирилган?
 - из ҳосил бўлиш механизми қандай (югураётгандами, тургандами, юраётгандами) ҳосил бўлган?
 - ҳодиса жойидан топилган оёқ излари қайси моддадан ҳосил бўлган?
 - агар оёқ излари бўёқдан ҳосил бўлган бўлса, унда унинг таркиби қандай ва у экспертизага тақдим этилган бўёқ намунаси билан бир хилми?
 - ҳодиса жойида топилган ботиқ излар гумон қилинувчидан олиб қўйилган кўлтиқтаёқ (ҳасса, протез оёқ)нинг таянч қисми билан қолдирилмаганми?

Транспорт воситалари изларининг трассологик экспертизаларида ҳал этиладиган саволлар:

– ғилдирак излари қолган транспорт воситаси қайси тур (хил, русум)га мансуб?

– транспорт воситаси қайси йўналишда ҳаракатланган?

– қолдирилган ғилдирак излари аниқ бир автомашинага тегишлими?

– шиша қолдиқлари ва бошқа объектлар фара шишаси, фара остидаги ёритгичлар (подфарник), кузов ва бошқалар аввал бир бутунни ташкил қилганми?

– муайян транспорт воситасида аниқ бир нарса (симёғоч, дарахт, зина ушлагичи) билан урилиш натижасида ҳосил бўлган букилиш (ғижимланиш), тирналиш излари борми?

Тиш излари трассологик экспертизасида ҳал этиладиган саволлар:

– объектлардаги излар ёки танадаги жароҳатлар тишлар таъсирида ҳосил бўлганми?

– объектлардаги тиш излари муайян шахс томонидан қолдирилганми?

– тиш излари одамга тегишлими ёки ҳайвонга?

Бузиш қуроллари изларининг трассологик экспертизасида ҳал этиладиган масалалар:

– текширилаётган излар тақдим этилган бузиш қуролидан қолдирилганми?

– текширилаётган излар қайси турдаги бузиш қуроли (болта, лом, искана, пичоқ ва ҳ.к.)дан қолдирилган?

– текширилаётган арралаш излари тақдим этилган аррадан қолдирилганми?

– текширилаётган бузиш қуроли изларининг ҳосил бўлиш механизмини аниқланг?

– текширилаётган тўсиқ (девор, эшик, пол, потолок ва ҳ.к.) қайси томонидан: ичкаридан бузилганми ёки ташқаридан?

– текширилаётган пармалаш изи тўсиқнинг қайси томонидан бажарилган?

– текширилаётган бузиш қуроли изи қанча минимал вақт оралиғида ҳосил қилиниши мумкин?

Қулфларнинг трассологик экспертизасида ҳал этиладиган масалалар:

– ушбу қулф бузукми ёки бузук эмасми?

– ушбу қулф нима (махсус очгич, илгак ёки унга тушадиган бошқа қалбаки калитлар) ёрдамида очилган?

– қулф тақдим этилган калит ёрдамида очилганми?

– бузилаётган пайтда қулф қандай (ёпиқ ёки очик) ҳолатда бўлган?

- кулфда қолган излар тақдим этилган буюмдан қолганми?
 - назорат учун кулф ичига жойлаштирилган қоғозни шикастлан- тирмай кулфни очиш мумкинми?
 - изларнинг ҳосил бўлиш механизми қандай (арралаш, кесиш, пармалаш, ўйиш, чопиш, ҳарорат таъсирида ва ҳоказо)?
 - ушбу излар қандай турдаги ускуна (арра, пичоқ, болта) ёки асбобдан қолган?
 - ушбу излар бир предметдан ҳосил бўлганми ёки аниқ турдаги ҳар хил предметлардан ҳосил бўлганми?
- Кийимларнинг криминалистик экспертизаларига қуйидаги мазмундаги саволлар қўйилиши мумкин:
- кийимлардаги шикастлар ўткир буюмлар билан етказилганми, агар етказилган бўлса, айнан қандай (кесувчи, санчувчи, санчувчи- кесувчи, чопувчи)?
 - шикастлар бир буюмдан етказилганми ёки бир неча?
 - шикаст етказган пичоқ тиғининг белгилари қандай (тиғ қалин- лиги ва кенглиги, тиғ муҳрасининг шакли, тиғ дамларининг миқдори, ўткирлик даражаси)?
 - санчувчи буюмнинг шакли, унинг ўлчамлари ва кўндаланг кесимининг ўлчамлари қандай?
 - кийимлардаги шикастларни инобатга олган ҳолда болта дами- нинг хусусиятлари қандай?
 - шикастлар ўтмас буюм билан етказилганми?
 - кийимдаги шикастлар ва излар транспорт воситаси таъсирида ҳосил бўлганми?
 - кийимдаги шикастларнинг ҳосил бўлиш механизми қандай (кесилган, ёрилган, тешилган, чопилган, автотранспорт воситаси суд- рашидан ҳосил бўлган)?
 - из ҳосил қилувчи объектнинг йўналиши қандай бўлган?
 - кийимидаги шикастлар маълум бир қурол (буюм)дан қолганми?
 - бу шикастлар машина уриб юборганда, муштлашганда ҳосил бўлиши мумкинми?
 - кийимнинг парчалари битта кийимга тааллуқлими?
- Қисмлар орқали яхлитни аниқлашнинг трассологик экспертиза- сида ҳал этиладиган саволлар:
- воқеа содир бўлган жойда топилган шиша синиқлари муайян автоулов фарасининг нур тарқатгич бўлаклари ҳисобланадими?
 - айбланувчидан олиб қўйилган андаза ва чарм парчаси бир бутун нарсанинг бўлаги ҳисобланадими?
 - воқеа содир бўлган жойда қолдирилган мато парчаси айбланув- чидан олиб қўйилган газлама бўлагими?

– воқеа содир этилган жойда қолдирилган газета парчаси К.дан олиб қўйилган газета қолдиғи билан яхлит бўлакни ташкил қиладими?

– воқеа содир этилган жойда олинган тепки ва айбланувчидан олиб қўйилган Макаров пистолети яхлит бир бутунликни ташкил этадими?

– воқеа содир бўлган жойдан олинган ғилоф ва гумонланувчидан олиб қўйилган пичоқ бир-бирига тўғри келадими?

– гумонланувчидан олиб қўйилган махси воқеа содир этилган жойдан топилган калиш билан бирга кийиб юрилганми?

Йиртилган ҳужжатларнинг техник экспертизасида ҳал этиладиган саволлар:

– йиртилган қоғоз варағи қандай маҳсулотнинг қисми ҳисобланади?

– тақдим этилган қоғоз варағи, тадқиқотга юборилган ва варағи етишмайдиган дафтар (бошқа аниқ маҳсулот)га тегишлими?

– тақдим этилган ҳужжат бўлаклари илгари бир бутунни ташкил қилганми?

– тақдим этилган варақлар бир вақтда йиртилганми?

– йиртилган варақларнинг дастлабки кўриниши ва мазмуни қандай?

Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизасида ҳал этиладиган саволлар:

– жабрланувчи А. ва гумон қилинаётган Б.нинг кийимларида бир-бири билан умумий туркумга эга майда толалар борми?

– агар бор бўлса, бу майда толалар кийимларда қандай ҳосил бўлган (улар ўзаро бир-бири билан яқин алоқада бўлганми)?

– воқеа содир бўлган жойдан топилган ипи бор тугма гумон қилинаётган В.дан олинган ип билан тикилганми?

– жабрланувчининг тирноқ ости қолдиқларида микротолалар мавжудми, бўлса гумонланувчининг кийимлари толалари билан бир гуруҳга (туркумга) тааллуқлими?

Вазиятдан келиб чиқиб бошқа экспертиза турларини ҳам ўтказиш мумкин.

4-§. Терговчининг босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича дастлабки терговни яқунловчи босқичидаги вазифалари

ЖПКнинг 347-моддасига асосан, терговчи ўз юритувидаги жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида бирор тергов ҳаракатини ўтказишни бошқа суриштирувчига

топширишга ҳақли. Терговчининг топшириғида ижро этувчи учун мажбурий бўлган ижро муддати кўрсатилади. Терговчининг топшириғини кўрсатилган муддатда бажаришнинг иложи бўлмаса, топшириқ олган шахс топшириқ берган терговчига топшириқ қачон бажарилиши мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда телеграмма ёки телефонограмма орқали хабар қилади ва унинг кўрсатувларига биноан топшириқни бажаришни давом эттиради.

ЖПКнинг 343-моддасига мувофиқ, терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини суриштирувчи терговчининг ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусидаги кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт.

Топшириқни белгиланган муддатда бажариш имконияти бўлмаса, суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартиришни илтимос қилади.

суриштирувчи терговчининг талабига асосан тергов ҳаракатларини юритишда унга ёрдам бериши, шунингдек, жиноят иши учун далилий аҳамиятга эга бўлиши эҳтимол тутилган ҳужжатлар ва бошқа материалларни танишиб чиқиш ёки ишга қўшиб қўйиш учун унга тақдим қилиши шарт.

Терговчи ўзининг барча топшириқлари, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органи бошлиғи орқали юборади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 343-моддасига асосан, хонадонда содир этилган босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчининг ёзма кўрсатмаси ёки топшириғи асосида содир этилган жиноятнинг сабаб-шароитларини аниқлаш (масалан, хонадон эгаларининг ўзи танимаган шахсларга эшикларини очиши ёхуд эшик ва ойналарнинг етарли даражада мустаҳкамланмаганлиги ва босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этилиши учун шароит яратилганлиги ёхуд хонадонда тунги вақтларда фақатгина вояга етмаганларнинг ёлғиз қолдирилиши, хонадонда ёлғиз пенсионер фуқаронинг яшаши ва ҳоказо), келгусида маъмурий ҳудудда хонадонларда ва бошқа объектларда босқинчилик ва талончилик жиноятлари содир этилмаслиги учун турли профилактик тадбирлар ташкил этилади.

Масалан, профилактика инспектори маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида умумий тартибда йиғилишлар ўтказиб, содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятининг оғир оқибатларини мисол тариқасида келтиради, ушбу

жиноятга олиб келган сабаб ва шароитларни, яъни хонадон эгаларининг эшик ва ойналарини етарли даражада мустаҳкамламаганлиги, кўпинча вояга етмаганларнинг уйда ёлғиз қолдирилиши, шунингдек, босқинчилик ва талончилик жиноятлари содир этилишининг бошқа сабабларини уларга етказди ҳамда фуқаролар ушбу турдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олишда ички ишлар органлари ходимлари билан мунтазам ҳамкорлик қилишлари зарурлигини, «Ўз уйингни ўзинг асра» деган нақлга амал қилиш кераклигини, хонадонлар атрофида шубҳали шахсларни учратишганда бу ҳақда дарҳол ички ишлар органларига хабар беришлари лозимлигини айтишлари керак.

Профилактика инспектори терговчининг кўрсатмаси ёки топшириғи бўйича маъмурий ҳудудда амалга оширилган профилактик тадбирлар ҳақида тўлиқ маълумотнома тайёрлайди ва унга юборади.

Профилактика инспектори мазкур жиноят очилгунча уни очишда фаол қатнашиб, суриштириш ишларини олиб боради, агар мазкур жиноятга оид маълумот олса, уни билдирги орқали терговчига тақдим этади.

Айбланувчи, жабрланувчи ва уларнинг ҳимоячиларини жиноят иши материаллари билан таништириш. Терговнинг хулоса қисми мазмунини ЖПКнинг 375–381-моддаларида тартибга солинган процессуал ҳаракатларнинг қуйидаги мажмуи ташкил қилади:

– тергов жараёнида тўпланган барча далилларни айблов хулосаси тузиш учун етарли деб топиш мақсадида баҳолаш;

– жиноят ишини тартибга келтириш ва расмийлаштириш;

– жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар бериш ва уларни иш материаллари билан таништириш;

– айбланувчи ва унинг ҳимоячисига дастлабки терговнинг тамомланганлигини эълон қилиш ва айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириш;

– жиноят ишини танишиб чиқиш учун тақдим этиш;

– терговга қўшимча киритиш ҳақидаги илтимосларни кўриб чиқиш;

– илтимослар қониқтирилганидан кейин иш билан такроран танишиб чиқиш;

– дастлабки терговнинг тамомланганлигини расмийлаштириш.

Дастлабки терговнинг якунловчи қисмига хос жиҳат юқорида санаб ўтилган ҳаракатларнинг қатъий изчиллигидан иборат. Айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтирмай туриб, уни иш материаллари билан таништириш мумкин эмас. Илтимослар иш материаллари

билан таништиришдан кейин ҳал қилинади, чунки улар иш билан танишиб чиқилганидан сўнг пайдо бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Терговчи тўпланган далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топганидан кейин айбланувчи ва ҳимоячига дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қилади, уларга ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишга доир ҳуқуқларини тушунтиради ва танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Агар иш тугатилган бўлса, терговчи бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи ва ҳимоячини хабардор қилади ҳамда уларнинг илтимосига биноан танишиб чиқиш учун ишни уларга тақдим этади.

Терговчи дастлабки тергов тамомланганлиги ва иш айблов хулосаси билан судга юборилиши ёки иш тугатилганлиги тўғрисида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар қилади, башарти улар хоҳласалар, барча иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради. Сўнг терговчи кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчиларининг илтимосига мувофиқ, танишиб чиқиш учун уларга ишни тақдим этади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сақланади.

Агар айбланувчининг ҳимоячиси ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили узрли сабабларга кўра белгиланган вақтда иш материаллари билан танишиб чиқиш учун кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага кечиктириши мумкин. Ҳимоячи ёки вакил бу муддат ичида келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имконият яратилади.

ЖПКнинг 376-моддасида жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиқиш тартиби белгиланган. Унга кўра, терговчи иш материалларини танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳар бир жилддаги ҳужжатларни рўйхат қилган ҳолда тақдим этади.

Иш билан танишиб чиқиш учун зарур муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари ишдаги материаллар билан танишишни

атайлаб чўзишга уринаётган бўлсалар, терговчи ўз қарорида ишдаги материаллар билан танишиш учун муайян муддат белгилашга ҳақли.

Иш билан танишиб чиқаётган шахс ундаги ҳужжатлардан кўчирмалар олишга ҳақли, давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно.

Терговчи иш материаллари билан танишиб чиққанлик тўғрисида баённома тузади.

Томонларнинг жиноят иши материаллари билан танишиб чиққанидан кейинги оғзаки илтимосларини баённомага киритади. Процесс иштирокчиси ёзма тарзда алоҳида илтимоснома берса, бу ҳақда баённомага ёзиб қўяди.

Илтимослар қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби ЖПКнинг 377-моддасида кўрсатилган.

Айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш билан танишиб чиқишгач ёки бирор сабабга кўра танишиб чиқишдан бош тортганларидан кейин терговчи улардан кўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Тарафларнинг аризасига биноан, илтимосномалар тайёрлаш ва тақдим қилиш учун уч сутка доирасида вақт берилиши мумкин. Терговчи илтимосномани тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда илтимоснома берилган вақтдан бошлаб уч сутка ичида аризачига хабар беради.

Терговчи илтимос қондирилгандан кейин, у ким томонидан ва кимларнинг манфаатлари йўлида билдирилган бўлишидан қатъи назар, айбланувчи, ҳимоячига, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиш имкониятини беради (ЖПКнинг 378-м.).

Шу билан терговчининг дастлабки терговни юритишда каттагина босқични ташкил этувчи ҳаракатлари ниҳоясига етади. Агар терговчи ушбу ҳаракатларнинг барчасини амалга ошириб, терговнинг тўлиқ ва холис эканлиги, жиноят ишини судга юбориш учун етарлилиги ҳақида хулосага келса, у иш бўйича дастлабки тергов натижалари қайд этиладиган якунловчи процессуал ҳужжат бўлмиш айблов хулосаси тузади.

Айблов хулосаси – дастлабки терговни якунловчи ва унинг натижаларини ифодаловчи процессуал ҳужжат бўлиб, унинг асосида жиноят иши судга юборилиши керак.

Айблов хулосасида терговчи чиқарган хулосалар, тақдим этилиши лозим бўлган далиллар таҳлили, айбланувчининг айблов ва оқлов мақсадида келтирган асослари ҳамда айбловнинг юридик квалификацияси келтирилади.

Ушбу муҳим ҳужжатда терговчи ўтказилган бутун тергов натижасида шаклланган айбланувчининг айбдорлигига бўлган ўз ишончини акс эттиради. Бунда у айблов иш бўйича тўпланган далиллар билан тасдиқланганлигини, айбланувчининг унга қўйилган айб бўйича келтирган асослари ва эътирозлари ишонарли чиқмаганлиги, айбловни рад эта олмаганлигини баён этади.

Айблов хулосасини терговчи тузади, аммо ушбу ҳужжат прокурор тасдиқлаганидан кейингина юридик кучга киради.

Айблов хулосаси муҳим юридик (процессуал-ҳуқуқий), сиёсий ва техникавий аҳамият касб этади.

Унинг юридик аҳамияти шундаки, айблов хулосаси терговнинг якуний босқичидаги процессуал восита ҳисобланади. Терговчи айблов хулосасини тузаётганида ишнинг барча материалларини уларнинг ҳар томонламалиги, тўлиқлиги ва холислиги нуқтаи назаридан яна бир бор текширади ва баҳолайди.

Айблов хулосасининг юридик аҳамияти яна шундаки, у прокурор ва суд (судья) ўзларига берилган ваколат доирасида қарор чиқаришлари, яъни прокурорга айблов хулосаси – ишни судга юбориш, судьяга эса – уни судда кўриб чиқиш учун тайинлаш ҳақида қарор чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Суд айбловни асосланган деб топгач, ишни суд мажлисида фақат айблов хулосасида қайд этилган шахсларга нисбатан ва дастлабки терговда уларга қўйилган айб нуқтаи назаридангина кўриб чиқиши шарт.

Айблов хулосасининг процессуал-ҳуқуқий аҳамияти шундан иборатки, у иш бўйича суд муҳокамаси доирасини белгилаб беради. Агар суд муҳокама давомида судланувчи учун оғирроқ жазога олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқласа, айблов хулосасида келтирилган айблов ифодасини ва юридик квалификациясини ўзгартиришга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда суд айбловни ўзгартириш ва қайта айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради, шундан сўнг суд муҳокамаси доирасини белгиловчи янги айблов хулосаси тузилиши лозим.

Айблов хулосасининг аҳамияти унинг айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқининг процессуал кафолати эканлигида ҳам ўз ифодасини топади. Айбланувчи ўзига берилган айблов хулосаси мазмуни билан

танишиб чикқач, суд муҳокамасида иштирок этишга аввалдан тайёргарлик кўриши, қандай ҳимояланишни ўйлаб кўриши, қандай илтимослар қилишни мўлжаллаб қўйиши мумкин.

Айблов хулосасининг сиёсий аҳамияти шундаки, суд тергови бошланиши билан эълон қилинадиган ушбу хулоса суд мажлиси залида ҳозир бўлганларни муҳокама қилинаётган ишнинг моҳияти билан таништиради.

Қонуний тарзда тўпланган далилларга асосланган айблов хулосаси фуқароларни жиноятларга ва уларни содир этган шахсларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради, жиноятларга қарши кураш олиб борувчи органларнинг обрўсини оширади.

Айблов хулосаси техникавий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга. Уни тузиш чоғида айбловни асословчи барча далилий материаллар муайян тартибга солинади. Бу эса суднинг ҳамда суд муҳокамаси иштирокчиларининг иш материаллари билан танишишини ва унинг моҳиятини тушунишини осонлаштиради.

Айблов хулосасининг тузилиши ва мазмуни жиноят-процессуал қонун ҳамда тергов қилинган жиноятнинг хусусияти билан боғлиқ (ЖПКнинг 379-м).

Айблов хулосаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек, айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади.

Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмуни Жиноят кодексининг шу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади.

Айблов хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак. Терговчи айблов хулосаси қаерда ва қачон тузилганлигини кўрсатиб, уни имзолайди.

Айблов хулосасида тергов натижасида олинган маълумотлар қуйидаги тартибда баён этилади:

- жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар ёки сабаб;
- жиноятни тергов қилишда аниқланган фактик ҳолатлар, уларни тасдиқловчи далиллар билан бирга;
- терговчи айбланувчининг шахси ҳақида тўплаган маълумотлар, улар ушбу шахснинг жамият учун хавфлилик даражаси ва жавобгарлик хусусияти ҳақидаги масалани ҳал қилишда муҳимдир;

– айбланувчининг унга эълон қилинган айб мазмуни бўйича тушунтиришлари ва уларни текшириш натижалари.

Фактик ҳолатларни ҳамда уларни аниқлашга ёрдам берган далилларнинг манбаларини баён этиш усули ишнинг хусусиятига боғлиқ.

Агар айбланувчи ўзини айбдор деб тан олмаса ва айблов билвосита далилларга асосланса, иш ҳолатларини уларни тергов қилиш чоғида аниқланган кўринишда ва тартибда таърифлаган маъқул. Фактик ҳолатларни жиноят содир этилган кетма-кетликда баён этиш бевосита далилларга эга бўлган ишлар бўйича, яъни иш бўйича тўпланган далиллар шубҳасиз аниқ бўлганлиги сабабли, уларни жуда батафсил таҳлил қилиш зарур бўлмаганида тавсия этилади.

Кўпинча терговчилар ўзига хос аралаш усулдан, яъни юқорида санаб ўтилган усулларни бирлаштириб фойдаланадилар.

Айблов хулосасининг тавсиф қисмида фактик ҳолатларни баён этишда айбланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек, айбланувчининг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларни келтириш зарур. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ишончли далилларга асосланиши ва айблов хулосасида тегишли манбаларга ҳавола этган ҳолда келтирилиши керак.

Тавсиф-асослантирувчи қисмида айбланувчининг унга қўйилган айб бўйича тушунтиришларининг моҳияти ва уларни текшириш натижалари баён этилади.

Айбланувчининг содир этилган жиноятга муносабати алоҳида аҳамиятга эга. Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятни очишга фаол кўмаклашиш жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади. Бу ҳақда айблов хулосасида кўрсатиш зарур.

Айбланувчи ўзини айбдор деб тан олмаган ҳолатларда айблов хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида унинг важларининг воқеликка мос эмаслиги кўрсатилиши лозим. Шу боис айбланувчининг у эътироз билдираётган фактлар бўйича тушунтиришларини ҳам, терговчи топган ва ушбу тушунтиришларини рад этадиган далилларни ҳам келтириш зарур. Бунда айбланувчини фош этадиган далиллар шундай мантиқий изчилликда келтирилиши керакки, уларнинг жиноят ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқлиги кўриниб туриши, айбдорлик ҳақидаги хулоса эса ишонарли бўлиши керак.

Айблов хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида, шунингдек, жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига олиб келган шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳам баён этилиши зарур. Бу судга айбланувчининг хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаш ва унинг қилмиш-

лари қандай асосга эгаллигини аниқлаш, бинобарин, жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш имконини беради.

Тавсиф-асослантириш қисмининг мазмуни иш материалларига мос келиши керак. Терговчининг тахминлари, тасаввурлари иш бўйича тўпланган далиллар мазмуни ва маъносини бузиб кўрсатилишига таъсир қилмаслиги лозим. Аниқланган фактларга ҳолисона ёндашувни субъектив баҳо билан алмаштириш ҳам мумкин эмас.

Айблов хулосасининг мазкур қисмини баён этилаётган ҳолатларни тасдиқлаш учун далиллар келтириб, ишнинг моҳияти учун муҳим бўлмаган умумий фикрлар билан тўлдириб юбормаслик керак. Бунда жиноят ишининг тегишли варақларига ҳаволалар қилиш зарур, чунки бу жиноят ишини ўрганиш ва айблов хулосаси тўғри тузилганлигини текширишни осонлаштиради.

Тавсиф-асослантириш қисмида баён этилган фактик ҳолатлар асосида унинг хулоса қисми тузилади. Хулоса қисмида айбланувчиларнинг анкета маълумотлари батафсил келтирилади, айблов баёни ва жиноят деб баҳоланаётган қилмишлар квалификацияланишига асос бўлган Жиноят кодексининг моддалари келтирилади.

Айблов жиноятнинг моҳияти, содир этилган вақти, жойи, усули, шунингдек, айбланувчининг ҳаракатлари натижасида етказилган зиён ҳақидаги қисқача баёндир.

Хулоса қисми тавсиф-асослантириш қисмида баён этилган барча фактик ҳолатларга мос келиши ҳамда Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноятнинг аниқ таркибини кўрсатувчи юридик хулоса бўлиши керак.

Айблов фабуласини тузишда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорда баён этилган айбловнинг ифодаланишидан келиб чиқиш, эълон қилинган айб доирасига ҳамда Жиноят кодексининг айбланувчи ҳаракатларини квалификация қилишга асос бўлган моддаси матнига қатъий риоя этиш лозим.

Жиноят иши бўйича бир неча айбланувчи иштирок этаётган бўлса, хулоса қисмида уларга қўйилаётган айб ҳар бири бўйича аниқ ажратилиши керак. Айблов баёни тузилаётганда уларнинг ҳар бири нимада айбланаётганлиги ва унинг жиноят содир этишдаги ўрни аниқ кўрсатилган ҳолда айбланувчиларнинг айби индивидуаллаштирилиши зарур.

Агар шахс Жиноят кодексининг турли моддаларида кўрсатилган бир неча жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса, хулоса қисмида барча моддалар келтирилади.

Айблов хулосаси тайёр бўлганидан сўнг, терговчи уни иш материаллари билан бирга прокурорга жўнатади ва ушбу ҳаракат, одатда, хизмат хати шаклида расмийлаштирилади.

Айблов хулосасига суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек, қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ёки айбланувчи қанча вақт қамоқда сақланганлиги, ашёвий далиллар, фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари, суд чикимлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида терговчи уларнинг турган жойи ҳамда кўрсатувлари ёки хулосалари ишнинг қайси саҳифасида баён қилинганлигини кўрсатади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг тахаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин (ЖПКнинг 380-м.).

Тузилган айблов хулосаси, барча зарур иловалар билан бирга, бир неча нусхада тайёрланади. Прокурор тасдиқлаган асл нусха жиноят ишига қўшиб қўйилади, иккинчи нусхаси кузатув йиғма-жилдида қолади, қолганлари эса айбланувчилар ва ҳимоячиларга жўнатилади.

ЖПКнинг 381-моддасига мувофиқ, терговчи айблов хулосасини имзолаганидан кейин жиноят ишини дарҳол прокурорга юборади.

5-БОБ. БОСҚИНЧИЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ ҲАМДА СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ

1-§. Босқинчилик ва талончилик жиноятларининг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар

Ўзганинг мулкани эгаллаш мақсадида босқинчилик ёки талончилик йўли билан зўрлик ишлатиб эгаллаш каби жиноятлар кўчада содир этилади. Мазкур жиноятларнинг 83% шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг кўчаларида содир этилган. Тадқиқотлар зўрлик ишлатиш йўли билан амалга ошириладиган талончилик ҳамда босқинчилик жиноятлари асосан жамоат жойларида, чунончи: кўчаларда (39,5%), корхоналар ҳудудида (5%), давлат, жамоат, ҳар хил тадбиркорлик ташкилотлари ва муассасаларида (19%), автотураргоҳлар, вокзаллар, аэропортда (3,9%), хиёбонлар, боғларда (8%), бозорларда (2,5%), уйлар, оилавий, ёшлар ва ишчиларнинг умумий ётоқхоналарида (18%), бошқа жойларда (кафе, ресторанлар, поезд вагонлари, барлар, гаражлар, ҳожатхоналарда 4,1%) содир этилишини кўрсатмоқда.

Йўлларда такси ҳайдовчилари ва автотранспорт эгаларини талаш ва уларга нисбатан босқинчилик ҳужумлари уюштириш, фуқароларга уларнинг турар жойига кириб ҳужум қилиш ҳам тарқалган.

Талончилик ҳамда босқинчилик жинойий йўл билан топилган мол-мулк осон пулланадиган ва истеъмол қилинадиган жойларда кўп содир этилади. Жами ҳолларнинг 49% ида зўрлик ишлатиш жиноятчи яшайдиган ерда, 51% ҳолларда аҳоли яшайдиган бошқа жойларда содир этилган. Бинобарин, жиноятчилар ўзларини таниб қолишларидан қўрқиб, бошқа жиноятни яширишга қаратилган жиноятларни ҳам содир этганлар.

Босқинчилик ҳужумлари, талончилик кўпроқ қишда содир этилади – 29%; баҳорда, ёзда ва кузда бу жиноятлар улуши тегишли равишда 26%, 24% ва 21% ни ташкил этади. Мазкур жиноятлар кўпроқ қишда содир этилиши қулай шарт-шароит мавжудлиги билан изоҳланса керак: қишда қоровуллар совуқдан қочиб, постини ташлаб кетади ёки қоровулхонада электр иситгични ёқиб ўтиради ва ҳ.к. Қишда фуқаролар анча қиммат турадиган иссиқ кийимлар (мўйна телпак, пўстин, иссиқ пальто, этик ва ш.к.) кияди.

Маълумотларга кўра, босқинчилик ёки талончилик ниятида зўрлик ишлатиш ҳолларининг 13% – соат 00 дан 09 гача, 10% – 09 дан 15 гача, 21% – 15 дан 19 гача, 30% – 19 дан 22 гача, 27% – 22дан 24 гача содир этилган. Хулоса қилиб айтганда, кўрсатиб ўтилган жиноятларнинг аксарияти (69%) кечқурун ва тунда, кўпинча соат 18.00 дан 24.00 гача содир этилади.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра, жами ҳолатларнинг 59% ида руҳий зўрлик, яъни зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, 38% ида – жисмоний зўрлик ишлатилган ва фақат 3% ида жиноятчи жабрланувчининг мулкани алдов йўли билан, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатмасдан эгаллаган. Бу жиноятларнинг ҳар иккитасидан бирида жиноятчилар оғзаки дўқ-пўписани ўқотар, совуқ қурол ёки қурол ўрнида ишлатилган бошқа нарсани кўрсатиш орқали мустаҳкамлаган.

Жиноятчилар ишлатган жисмоний зўрлик хусусияти ҳар хил: кўл билан уриш, тепкилаш, болта, пичоқ, темир занжир ва бошқа нарсалар билан зарба бериш, ўқотар қурол ишлатиш ва ҳ.к. Аксарият ҳолларда жисмоний зўрлик кўрқитиш жиноятчилар кутган натижани бермаганидан кейин ишлатилган.

Ҳуқм қилинганларнинг 59% зўрлик ишлатиш ҳаракатларини бир усулда амалга оширган (бўғзига пичоқ тираган, жабрланувчига бошқа чораси йўқлигини англатишга ҳаракат қилган, агар тушунмаса, қурол ишлатган, бўйнига сиртмоқ солган, орқадан келиб бошига зарба берган, оёғидан осиб қўйган, ертўлага, музлатгичга қамаб қўйган), 33% ҳар хил (жабрланувчининг ўзини тутишига қараб) иш кўрган ва фақат 8% «ихтисослашган», яъни сантехник, теле-, радио-, аудио-, видео ёки телефон устаси, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходими ниқобида турар жойга кирган.

Тадқиқотлар ҳар 100 ҳолатдан 70 тасида жиноятчилар турар жойга шифокор, суғурта идораси, маиший хизмат кўрсатиш, ички ишлар органи ходими сифатида, 26 тасида – танишлар, қариндошлар тарзида ёки уларнинг номидан, қолган ҳолларда – зўрлик ишлатиб, эшик ёки деразани бузиш йўли билан кирганлигидан далолат беради.

Зўрлик ишлатиб талончилик ва босқинчилик содир этишда жиноятчилар кўпинча ўз дўқ-пўписаларини амалга оширганлар. Масалан, ҳар бир 11 ҳолатнинг бирида жабрланувчига одатда ҳаёт учун хавфли оғир шикаст, деярли ҳар олти ҳолатдан бирида – ўртача оғир ва енгил шикаст етказилган. Аксарият ҳолларда (89%) жисмоний зўрлик мулк эгаси бўлган жабрланувчига ва ҳар 100 ҳолатдан 11 тасида мулк эгаси бўлмаган шахсларга, руҳий зўрлик эса – нафақат

мулк эгасига, балки унинг яқинлари: ота-онаси, буваси, бувиси, хотини, эри, болаларига (29%) нисбатан ишлатилган.

Жиноий жазога лойиқ қилмишлар предметини чет эл валютаси, пул, қимматли қоғозлар, автомашина, аудио ва видеоаппаратуралар, шунингдек мўйна телпак, гилам, пўстин, чарм камзул, заргарлик буюмлари, спиртли ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этган. Ҳар икки жиноятдан бирида жиноятчилар пулни, ҳар ўн жиноятдан бирида – валютани, ҳар уч жиноятдан бирида – биллур идиш ва кийим-кечакларни эгаллаганлар. Ўғирланган буюмлар орасида кумуш, тилладан ясалган сирға, узук ва бошқа заргарлик буюмларининг улуши 31% ни, спиртли ичимликлар (коньяк, бренди, виски, ароқ, шампан виноси, мусаллас) улуши – 9% ни ташкил этган.

Мазкур жиноятларни содир этишда олиб қўйилган шахсий буюмлар қиймати анча катта бўлган. Кўп миқдорда содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятлари 51,5% ни, жуда кўп миқдорда содир этилган шундай жиноятлар – 15,5% ни ташкил қилган.

Тадқиқотлар жиноятчилар одатда жиноятга олдиндан тайёрланмасдан жиноят содир этганлигини кўрсатади – 74,5%; барча жиноятларнинг 25,5% идагина қурол, автотранспорт олдиндан қидириб топилган, жиноят содир этиш учун объектлар танланган, режалар тузилган, вазифалар тақсимланган ва ҳ.к. Маҳкумларнинг 36% ўз ҳаракатларини яширин тарзда бошлаган, яъни улар ўғрилиқ йўли билан ўзганинг мулкани эгаллашга ҳаракат қилган, ҳаракатлари ошкор бўлганидан кейингина босқинчилик ҳужумига ёки зўрлик ишлатиб талончилик қилишга киришган. Жиноятчиларнинг 9% ига яқини қурол ёки гиёҳвандлик воситаларини эгаллаш мақсадида жиноят содир этган. Ҳар 100 та жиноятдан 79 тасида ўқотар қурол, 21 тасида совуқ қурол ёки бошқа нарсалар ишлатилган.

Ўтказилган тадқиқотлар жиноятчи талончилик ва босқинчилик каби жиноятларни одамлар кўз ўнгида содир этишда уларнинг бир қисми «оч қорним – тинч қулоғим» маталига амал қилиб, хавфли тажовузни тўхтатиш бўйича фаол чоралар кўрмаслигига умид қилиб содир этганлигини кўрсатган. Жиноятчиларнинг аксарияти «...агар фуқаролар уларнинг ҳаракатларини тўхтатишга ҳаракат қилганларида, жиноятни содир этишнинг иложи бўлмас эди», деб қайд этганлар. Ўз жисмоний ҳолатига кўра кўз ўнгида содир этилаётган жиноятларни тўхтатишга қодир бўлган фуқароларнинг аралашмаслиги ўзи жабрланишидан кўрқиш, жабрланувчининг тақдирига бефарқлик билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг натижалари талончилик ва босқинчилик жиноятларининг умумий таркибида сўнгги йилларда гуруҳ бўлиб жиноят содир этилиши ҳолатларининг улуши кўпайиб бораётганлигидан далолат беради. Вояга етмаганлар ҳар 100 ҳолатдан 36 тасида гуруҳга қўшилиб босқинчилик, талончилик содир этган.

Талончилик жиноятларининг 17% ига яқини, босқинчилик ҳужумларининг 19% турар жойга кириб содир этилган. Ўтказилган тадқиқот натижалари мамлакатимизда жазони ўтаган шахслар томонидан зўрлик ишлатиб талончилик қилиш 24%ни, босқинчилик қилиш 26%ни ташкил этганидан далолат беради.

Жиноятлар содир этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ва фуқаролар биргаликда иштирок этганлиги аниқланди.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларидан жабрланганлар асосан эркаклар бўлган 87%, аёллар атиги 13%ни ташкил этган. 40 дан ортиқ шундай қилмишлар чет эл фуқаролари – кўшма корхоналарнинг ходимлари, тижоратчилар, туристлар ва бошқа шахсларга нисбатан содир этилган.

Таҳлил қилинаётган жиноятлар бўйича ҳар уч жабрланувчидан бири маст ҳолда бўлган; ҳар 11 жабрланувчидан бири нотаниш одамлар билан (кўчада, барда, уйда, дала ҳовлисида) спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, жиноятга муайян даражада туртки берган.

Вояга етмаганлар кўпинча кийим-кечак ва пойафзал (21,5%); телефон, планшет, компьютерлар (33,4%); мотоцикл, мопед, скутерлар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари (13,1%); аудио ва видео-аппаратлар (7%); автомобиллар (2%); озиқ-овқат маҳсулотларини (7%) ўғирлайдилар. Жиноий тажовуз объектлари орасида спиртли ичимликлар 6% ни ташкил этади.

2-§. Босқинчилик ва талончилик жиноятларининг олдини олиш чоралари

Қўйилган муаммолардан келиб чиқиб, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг олдини олишда икки асосий йўналишни белгилаш мумкин. Биринчи йўналиш талончилик ва босқинчилик жиноятлари натижасида етказиладиган зарарни камайтириш чоратадбирлари мажмуини ўз ичига олади. Иккинчи йўналиш талончилик ва босқинчилик жиноятларини олдини олиш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг самарадорлигини оширишни назарда тутади.

Ўз навбатида, *талончилик ва босқинчилик жиноятлари натижасида етказиладиган зарарни камайтириш чора-тадбирлари* мажмуини умумижтимоий ва махсус чора тадбирларга ажратиш мумкин.

Ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган умумижтимоий чора-тадбирларнинг моддий, ташкилий, ижтимоий назорат ва тарбиявий турлари фарқланади.

Масалан, моддий чора-тадбирларга жиноятлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишнинг ҳар хил турларини, ҳаёт ва соғлиқни ижтимоий суғурта қилишни, касаллик варақаси бўйича ҳақ тўлашни, ногиронлик бўйича пенсия тўлашни ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Ташкилий чора-тадбирларга озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш, уларни турар жой билан таъминлаш, жамиятга мослашиш марказлари ташкил этиш, жиноятлар учун судланганлар ҳамда жиноятлардан жабрланганлар ва уларнинг қариндошларини зарур ҳолда қариялар уйлари, меҳрибонлик уйлари ва бошқа тарбия муассасаларига жойлаштириш, гувоҳларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари мажмуи киради.

Ижтимоий назорат ва тарбия чора-тадбирлари жумласига илгари судланганларни ижтимоий ҳаётга тортиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини янада юксалтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан ишонч муҳитини яратиш, илгари судланганларга (айниқса ёшларга) устоз ёки мураббийлар, жамоатчилик кузатувчиларини бириктириш кабиларни киритиш мумкин.

Ижтимоий хусусиятга эга чора-тадбирлар каторига, аввало, талончилик ва босқинчилик жиноятларини натижасида етказиладиган зарарни камайтириш ёки уни қоплаш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни киритиш лозим. Айтиш ҳолда маъмурий назорат ўрнатиш ҳамда жиноий фаолият натижасида етказилган зарарни қоплашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида сўз юритилмоқда.

Афсуски, сўнгги йилларда озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг аксарияти меҳнат билан таъминланмаган ва шу боисдан озодликдан маҳрум қилиш жойларида маош олмайди, бинобарин, улар фуқаровий даъво аризаларини қоплашга қодир эмас. Шу боис баъзи бир жиноят-ҳуқуқий чоралар, чунончи: мол-мулкни мусодара қилиш, жарима, ахлоқ тузатиш ишларини қўллаш доираси кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Жиноят процессида фуқаролик даъвоси ҳам шу мақсадларга маълум даражада хизмат қилиши мумкин.

Шу ўринда талончилик ва босқинчилик жиноятларининг вояга етмаганлар жиноятчилиги билан узвийлигини ҳисобга олиб, жиноят содир этган ўсмирларни жамиятга қайтариш, уларнинг ижтимоий муҳитини соғломлаштириш махсус дастурларини амалга ошириш зарур. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазони аввало вояга етмаганларга нисбатан ижро этишнинг айрим жиҳатларини қайта кўриш, уларга шартли жазо тайинлаш амалиёти доирасини кенгайтириш лозим.

Босқинчилик ва талончилик жиноятларини содир этган шахсларнинг жиноий фаолиятини аниқлаш ва тергов қилишнинг сифатини ошириш учун жиноий муҳитни ўрганиш ҳамда талончилик ва босқинчилик жиноятларининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш керак. Босқинчилик ва талончилик жиноятларидан бирини содир этган ҳар бир шахсга нисбатан ахборот файлини шакллантириш ва замонавий ахборот-қидирув тизимини ташкил этиш юқорида қайд этилган мақсадларга хизмат қилиши лозим.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларининг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш жиноятчиликка қарши кураш харажатларини қайта тақсимлаш ҳисобига мазкур шахслар устидан назорат доирасини кенгайтириш йўллари назарда тутиши лозим. Бизнингча, бу борада имкониятлар мавжуд ва улар жиноят, жиноят-ижроия сиёсатига ўзгартишлар киритиш билан боғлиқ. Аввало, биринчи марта судланаётганларга нисбатан кўп миқдорда жарима, шартли ҳукм қилиш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жиноят-ҳуқуқий чораларни кенгроқ қўллаш лозим. Жамиятдан ажратмасдан жиноий жазони ўташ озодликдан маҳрум қилинган шахсларни сақлаш харажатларини кўпайтирмасдан, жиноятларнинг оқибатларини моддий жиҳатдан қоплаш имконини беради.

Иккинчидан, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш пайтида рағбатлантириш нормалари: муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, сақлаш шарт-шароитларини енгилроғига алмаштиришни кенгроқ қўллаш керак.

Учинчидан, жиноятчиликнинг ижтимоий оқибатларини енгиллаштиришдан олинган маблағларни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган шахсларни жамиятга қайтариш чора-тадбирларига йўналтириш лозим.

Бундан ташқари, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг олдини олиш вазифасини кўп миллионли капитал қўйилмалар ҳисо-

бига эмас, балки маъмурий назоратни яхшироқ ташкил этиш ва фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида ижтимоий назоратни такомиллаштириш йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилиш лозим.

Жиноят, жиноят-ижроия сиёсатининг асосий принципларини ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида сўз юритганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишидаги камчиликларни бартараф этиш биринчи ўринга чиқади. Бунда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятда мавжуд камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш назарда тутилмоқда.

Жиноятларни очиш даражасини ошириш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, суриштирув, тергов ҳамда ишни судда кўриш муддатларини қисқартириш, гаров ҳамда яшаш жойини тарк этмаслик ҳақида тилхат олиш каби чораларни кенг қўллаш, сансалорликка ва асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларига барҳам бериш – буларнинг барчаси харажатларни камайтириш чора-тадбирлари сифатида қаралиши ва шу жумладан жиноятчиликка қарши кураш харажатларини қисқартириш билан боғланиши лозим.

3-§. Профилактика инспекторининг босқинчилик ва талончилик жинояти фош этилганидан кейинги вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 343-моддаси асосида босқинчилик ва талончилик жинояти иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчининг ёзма кўрсатмаси ёки топшириғи асосида, содир этилган босқинчиликнинг сабаб-шароитларини аниқлаш, келгусида маъмурий ҳудудда босқинчилик ва талончилик жинояти содир этилишининг олдини олиш мақсадида турли профилактик тадбирлар ташкил этилади. Масалан, профилактика инспекторлари маҳалла аҳолиси билан умумий профилактикани амалга оширади. Босқинчиликнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, жумладан жиноят қидирув, патруль-пост, кўриқлаш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспектори босқинчилик ва талончилик жиноятининг умумий профилактикасини Ўзбекистон Республикасининг

2014 йил 14 майда қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг «Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси» номли 3-боби талаблари асосида амалга оширади, жумладан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, жойларда кенг жамоатчилик ўртасида маърузалар ўқиш, давра суҳбати, учрашувлар ташкил этиш, шунингдек, босқинчилик ва талончилик содир этилиши эҳтимоли мумкин бўлган жойларда патруллик йўналишларини ташкил этиш, кеча ва кундуз маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этади.

Профилактика инспектори босқинчилик ва талончилик жиноятининг махсус профилактикасини мазкур қонуннинг 4-боби талаблари асосида амалга оширади, жумладан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда босқинчилик ва талончилик жиноятлари, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат мулкани талон-торож қилишга қаратилган хавф-хатарлар юзага келиши кучайганда ушбу турдаги жиноятларнинг профилактикаси, босқинчиликнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, босқинчилик ва талончилик содир этишга мойил, босқинчилик ва талончилик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ички ишлар органи хуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматига таклиф киритади.

Босқинчилик жиноятининг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ўтказиши ҳақида фуқаролар йиғинини хабардор қилиши ҳамда ушбу тадбирларни амалга оширишга ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларнинг ходимларини ҳам жалб этиши мумкин.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда илгари судланган шахслар томонидан такрор жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида, улар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ИИВнинг ва ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида «Назорат», «Ижро», «Тозалаш-Антитеррор» ва бошқа махсус ва тезкор профилактик тадбирлар доирасида амалга оширади.

Профилактика инспектори маъмурий ҳудудда содир этиладиган босқинчилик ва талончилик жиноятининг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича махсус профилактик тадбирларни ҳудудий ички ишлар органи ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан биргаликда ишлаб чиқилган махсус режа, дастур ва бошқа бошқарув қарорлари асосида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Профилактика инспектори босқинчилик ва талончилик жиноятининг якка тартибдаги профилактикасини «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг тегишли 5-боби талаблари асосида, жумладан маъмурий ҳудудда ғайри-ижтимоий хулқ-атворли, босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этишга мойил бўлган ва шундай турдаги жиноят содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш, босқинчилик ва талончилик жиноятидан жабрланиш эҳтимоли юқори шахсларнинг босқинчилик ва талончилик жиноятлари қурбонига айланиш хавфи мавжудлиги, босқинчилик ва талончилик жиноятининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, босқинчиликни содир этиш усул ва шакллари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширади.

Профилактика инспектори босқинчилик ва талончилик жиноятининг виктимологик профилактикасини Қонуннинг 6-боби талаблари асосида амалга оширади, жумладан маъмурий ҳудудда фуқаролар ёки муайян шахсларнинг босқинчилик ва талончилик жиноятдан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида босқинчилик ва талончилик билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрни ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этади. Шунингдек, аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар, босқинчилик ва талончилик ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар беради, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақиради ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этади.

Босқинчилик жиноятининг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда профилактика (катта) инспектори

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, профилактика инспектори маъмурий ҳудудда қўриқлаш хизмати ходимлари билан хонадонларни қўриқлаш пультага улаш ва бошқалар ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради.

Профилактика инспектори терговчининг топшириғи бўйича маъмурий ҳудудда босқинчилик ва талончилик жиноятларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилган профилактик чора-тадбирлар ҳақида тўлиқ маълумотнома тайёрлайди ва унга юборади.

4-§. Босқинчилик ва талончилик жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида такдимнома тайёрлаш ва унинг ижросини ташкиллаштириш

ЖПКнинг 297-моддасига мувофиқ, терговчи жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида такдимнома киритади. Такдимноманинг нусхаси жиноят ишига қўшиб қўйилади.

Жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш жиноят ҳодисасига олиб келган ҳамда мазкур сабаб ва шарт-шароитларнинг қонуний натижаси бўлган ҳолатларни текшириш билан чамбарчас боғлиқ. Айнан шу боис терговчининг уларни бартараф этиш борасидаги асосий иши процессуал нормалар шаклини олган. Ушбу фаолият нафақат айблов хулосаси ёхуд ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш учун судга юбориш ҳақида қарор чиқариш билан якунланадиган ишлар, балки ЖПКнинг 83, 84-моддаларида назарда тутилган асосларда тугатиладиган ишлар бўйича ҳам амалга оширилиши керак.

Терговчи ўз такдимномасида ишнинг моҳиятини баён қилади, яъни жиноятни, унинг оқибатларини тавсифлайди, сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни кўрсатади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади. Агар жиноят ишини кўриб чиқишда

жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилмаган бўлса, худди суд каби ишни кўшимча терговга қайтаришга ҳақли бўлади (ЖПКнинг 384-моддаси 9-банди, 396-моддаси 4-банди).

Бинобарин, жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, ЖПКнинг 82-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар билан бирга, жиноят иши бўйича аниқланиши ва исботланиши керак бўлган ҳолатларга киради.

Бошқача айтганда, ушбу ҳолатларнинг йиғиндиси процессуал исботлаш предметини ташкил этади, шу боис терговчининг ушбу йўналишдаги фаолияти процессуал хусусиятга эга бўлиб, ЖПКда назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.



**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ
ЯККАСАРОЙ ТУМАН ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ
БУЙРУҚ**

Яккасарой тумани Работ кўчаси 3-уйда яшовчи фуқаро Асқаров Рустам Нодировичга нисбатан номаълум шахслар томонидан содир этилган босқинчилик ва талончилик жиноятини фош этиш юзасидан тергов-тезкор гуруҳини тузиш тўғрисида

2017 йил 10 март куни соат 02.30 лар чамасида Яккасарой тумани Работ кўчаси 3-уйда яшовчи 1975 йилда туғилган фуқаро Асқаров Рустам Нодировичнинг яшаш уйига юзларига қора ниқоб кийган икки нафар номаълум шахс бостириб кирган ва уни кўрқитиб, енгил тан жароҳати етказган ҳамда темир сандиқда бўлган 5 млн. сўм пулини олиб, воқеа жойидан яширинишган.

Ушбу ҳолат юзасидан 2017 йил 10 март куни Яккасарой туман ИИБ ТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми билан 13/15-2345-сонли жиноят иши қўзғатилган. Жиноятни содир этган номаълум шахсларни аниқлаш, уларни қўлга олиш ҳамда ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилишни таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Мазкур жиноят иши бўйича малакали тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини олиб бориш, қисқа муддат ичида жиноятни фош қилиш мақсадида тергов тезкор-гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини кунлик таҳлил қилиш ва гуруҳнинг барча аъзолари ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш, жиноят ишига алоқадор маълумотларни ўз вақтида бошқа тегишли гуруҳ аъзоларига етказилиши таъминлаш, бир-бирларининг ҳаракатларини такрорлашининг олдини олиш мақсадида 77-сонли ички ишлар органи таянч пунктида Тезкор штаб тузилсин.

3. Жиноятни «иссиқ изидан» фош этишда воқеа жойида олинган дастлабки тезкор маълумотларни қисқа вақт ичида текширишда криминалистик,

тезкор-ҳисоб ва автоматлаштирилган маълумотлар базаси имкониятларидан кенг фойдаланилсин.

4. Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари томонидан кунлик амалга оширилган ишларнинг натижалари Тезкор штабда муҳокама этиб борилсин.

5. Жиноятни фош этиш юзасидан ўтказилаётган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари натижалари ҳар ўн кунда туман ИИБ бошлиғи ҳузурида муҳокама қилиб борилиши таъминлансин.

6. Мазкур жиноятни фош қилишга қаратилган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилишида соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари юзасидан назорат олиб бориш Яккасарой туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари ва тергови бўйича ўринбосари зиммасига юклатилсин.

**Бошлиқ,
подполковник**

С. С. Пулатов

Тошкент шаҳри
2017 йил 12 март
15-сон

Яккасарой туман ИИБнинг 2017 йил
12 мартдаги 15-сонли буйруғига илова

Яккасарой тумани Работ кўчаси 3-уйда яшовчи фуқаро Асқаров Рустам Нодировичга
нисбатан номаълум шахслар томонидан содир этилган босқинчилик ва талончилик
жиноятини фош этиш бўйича тузилган тергов-тезкор гуруҳининг

Т А Р К И Б И

Тергов-тезкор гуруҳи раҳбари

Махмудов Фурқат Саидович Яккасарой туман ИИБ ТБ катта
терговчиси, майор.

Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари:

| | |
|------------------------------------|---|
| Ботиров Миркомил Олимович | Яккасарой туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ бўлинма бошлиғи, майор. |
| Назаров Ахрор Давлатович | Яккасарой туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, майор. |
| Шокиров Уктам Зокирович | Яккасарой туман ИИБ ҲООБ МТП профилактика катта инспектори, майор. |
| Шойимов Эркин Ғуломович | Яккасарой туман ИИБ ҲООБ МТП профилактика инспектори, капитан. |
| Қаршиев Зокир Камолович | Яккасарой туман ИИБ ҲООБ ОМЭББЖИЭ инспектори, сержант. |
| Курганова Фазилат Алмасовна | Яккасарой туман ИИБ ЭКБ эксперти, майор. |
| Расулов Қудрат Соипович | Яккасарой туман ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори, сержант. |
| Тоштемиров Чори Махмудович | Яккасарой туман ИИБ ЁХБ катта инспектори, капитан. |

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи
полковник

2017 йил « » май

01/13-1113-сонли жиноят иши бўйича тузилган
тергов-тезкор гуруҳининг ҳамкорлик
ИШ РЕЖАСИ

| № | Тергов-тезкор ҳаракатлари | Муддати | Ижрочилари |
|-----------|--|--------------------|---|
| 1. | Жиноят иши юзасидан тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, ижтимоий хавfli қилмишни тўғри квалификация қилиш, зарур маълумотларни олиш ва дастлабки тергов йўналишини аниқ белгилаш | 15.05.2016 й. | терговчи Ш. В. Рашидов ва тергов гуруҳи терговчилари |
| 2. | Жиноят иши бўйича жабрланувчи деб эътироф этилган З. Закировни қўшимча равишда сўроқ қилиш ҳамда тезкор суриштирув йўли билан у 3000 АҚШ долларини қаердан олганлигини, нима мақсадда ва айнан кимга олиб кетаётганлигини, нима сабабдан ўзининг автомашинасида бормасдан, таниши Т. Исматов билан унинг автомашинасида борганлиги ва бошқа ҳолатларга тўлиқ аниқлик киритиш | 10 кун | терговчи Ш. В. Рашидов, тергов гуруҳи терговчилари, ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари |
| 3. | Тезкор суриштирув йўли билан «Дамас» автомашинаси ҳайдовчиси Т. Исматов ҳамда йўловчи З. Исматовлардан улар билан бирга бўлган З. М. Закиров айнан пул олиб кетаётганлигини қаердан билганини, нима мақсадда ва кимга олиб кетганлиги бўйича маълумотлар олиш | Тергов давомида | Бошқарма ЖҚБ ва ТҚКБ ходимлари |
| 4. | Иш бўйича Т. Исматов, З. Исматов ва З. Закировларни қўшимча равишда батафсил сўроқ қилиш йўли билан уларга босқинчилик ва талончилик содир этган шахсларни, уларда бўлган қуролга ўхшаш жисмни ва олиб кетилган рюкзакнинг фотосуратларини чизиш | 15 кун | терговчи Ш. В. Рашидов, тергов гуруҳи терговчилари, ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари |

| | | | |
|-----|---|--------|---|
| 5. | З. Закиров, Т. Исмамов ва З. Исмамовларнинг уяли алоқа телефонларини номаълум шахслар томонидан олиб кетилганлиги боис, телефон рақамлари ва IMEY рақамларини аниқлаб, кириш кўнғироқлар рўйхатини ва йўналишли «пеленг» маълумотларни олиб, жиноят содир бўлган вақтда ва ундан сўнг кўнғироқ қилган абонентларни аниқлаб, улар билан тезкор суриштирув ишларини олиб бориш ва терговга сўроқ қилиш учун тақдим этиш | 20 кун | Бошқарма ЖҚ ва ТҚҚБ ходимлари |
| 6. | Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида олинган бирламчи маълумотларга асосан, содир этилган жиноятни фош этиш мақсадида, тегишли тезкор хизматларга топшириқлар бериш ва тезкор ходимлар томонидан амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш | 10 кун | терговчи Ш. В. Рашидов, ЖҚ ва ТҚҚБ ходимлари |
| 7. | Жиноят иши бўйича қўшимча маълумотларни тўплаш мақсадида, З. Закиров, Т. Исмамов ва З. Исмамовларнинг яқин танишлари ва қариндошлари доирасини аниқлаб, улар билан тезкор суриштирув ишларини олиб бориш | 30 кун | ЖҚ ва ТҚҚБ ходимлари |
| 8. | Жиноят иши бўйича З. Закиров, Т. Исмамов ва З. Исмамовларга оид шахсини тасдиқловчи, судланганлик ҳолати, яшаш манзиллари ҳамда ҳудудий ИИБда қораловчи маълумотлар бор ёки йўқлигини текшириш | 30 кун | терговчи Ш.В.Рашидов, ЖҚ ва ТҚҚБ ходимлари |
| 9. | З. Закиров, Т. Исмамов ва З. Исмамовлардан текшириш мақсадида бармоқ изларини олиб, «Адис-Сонда» маълумотлар базасидан текшириш | 30 кун | Бошқарма ЭҚБ ходимлари |
| 10. | З. Закиров, Т. Исмамов ва З. Исмамовларнинг иш бўйича берган кўрсатувларига асосан, уларга шубҳали кўринган қизил рангли «Матиз» русумли, босқинчилик ва талончилик содир этган шахсларнинг «Нексия» русумли автомашиналарини тезкор суриштирув йўллари билан аниқлаш, шунингдек, З. Закиров бошқариб келган ҳамда Т. Исмамовга тегишли бўлган «Дамас» русумли автомашинани кўздан кечириш мақсадида олиб келишни таъминлаш | 20 кун | Бошқарма ЙҚХБ, ЖҚ ва ТҚҚБ ходимлари |

| | | | |
|-----|--|-----------------|---|
| 11. | Терговга тақдим этилган автомашиналарни кўздан кечириш, бармоқ изларини олиш ва фотосуратларга тушириш | Тергов давомида | терговчи Ш. В. Рашидов, тергов гуруҳи терговчилари ва ЭКБ ходимлари |
| 12. | Ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида, З. Закиров, Т. Исматов ва З. Исматовларга тўппончалар ва юк олиб юришга мўлжалланган рюкзакларни тақдим этиб, таниб олиш тергов ҳаракатларини ўтказиш | 20кун | терговчи Ш. В. Рашидов, тергов гуруҳи терговчилари ва ЭКБ ходимлари |
| 13. | Тергов жараёнида вужудга келадиган қўшимча ҳолатлар юзасидан керакли тергов-тезкор ишларини олиб бориб, натижаларини таҳлил қилиб бориш | Тергов давомида | терговчи Ш. В. Рашидов ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари |

Тошкент вилояти ИИБ
Тергов бошқармаси терговчиси
капитан

Ш. В. Рашидов

«КЕЛИШИЛГАН»

Тошкент вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғи
полковник

Т. Ш. Ибрагимов

Тошкент вилояти ИИБ Тергов бошқармаси
бошлиғи подполковник

Б. А. Ахмедов

МУНДАРИЖА

| | |
|-------------|---|
| КИРИШ | 3 |
|-------------|---|

1-боб. БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДА АРИЗА ЁКИ ХАБАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

| | |
|---|---|
| 1-§. Босқинчилик ҳақидаги ариза ёки хабарни қабул қилиш ҳамда расмийлаштириш тартиби | 5 |
| 2-§. Босқинчилик жиноятлари бўйича тергов-тезкор | 8 |
| гуруҳининг вазифалари | 8 |

2-боб. БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

| | |
|---|----|
| 1-§. Босқинчилик жиноятининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи ва квалификация қилиш қоидалари..... | 31 |
| 2-§. Босқинчилик ва талончилик жиноятларининг криминалистик тавсифи | 38 |

3-боб. БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЧИШГА ҚАРАТИЛГАН ТЕРГОВ- ТЕЗКОР ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА БОШҚА СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

| | |
|--|----|
| 1-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳини ташқил қилиш, унинг фаолиятини режалаштириш ва ташқиллаштириш | 50 |
| 2-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида терговчининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги | 55 |
| 3-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида тезкор ходимнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги | 60 |
| 4-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида профилактика инспекторининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги | 66 |
| 5-§. Босқинчилик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида мутахассис-криминалистнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги | 72 |

4-боб. БОСҚИНЧИЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИК БЎЙИЧА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

| | |
|---|----|
| 1-§. Терговчининг босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича дастлабки терговнинг вазифалари | 75 |
| 2-§. Тезкор ходимнинг босқинчилик ва талончилик жинояти фош этилганидан кейин бошқа жиноий шериклар ва эпизодларни аниқлаш бўйича вазифалари . | 84 |
| 3-§. Босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича тайинланадиган экспертизалар ва экспертлар олдига қўйиладиган саволлар | 86 |
| 4-§. Терговчининг босқинчилик ва талончилик жинояти бўйича дастлабки терговни якунловчи босқичидаги вазифалари | 92 |

5-БОБ. БОСҚИНЧИЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ- ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ

| | |
|---|-----|
| 1-§. Босқинчилик ва талончилик жиноятларининг сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлили | 102 |
| 2-§. Босқинчилик ва талончилик жиноятларининг олдини олиш чоралари | 105 |
| 3-§. Профилактика инспекторининг босқинчилик ва талончилик жинояти фош этилганидан кейин жиноятларнинг олдини олиш бўйича вазифалари | 108 |
| 4-§. Босқинчилик ва талончилик жиноятларининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома тайёрлаш ва унинг ижросини ташкиллаштириш..... | 111 |

**БОСҚИНЧИЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИК
ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЧИШ, ТЕРГОВ ҚИЛИШ,
УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ
АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ**

АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир *Б. А. Яров,*
Техник муҳаррир *Д. Р. Джалилов*

Босишга рухсат этилди 06. 2017. Нашриёт-ҳисоб табағи 7,0.
Адади Буюртма № Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.